

Y 37  
M-90

Жаҳонгир МУСАЕВ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ  
ФИКРЛАШ САЛОҲИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**



Жаҳонгар МУСАЕВ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ  
САЛОҲИЯТИНИ  
РИВ ОЖЛАНТИРИШ**

(Монография)

ТОШКЕНТ  
«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМГАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
2010

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлтач, дастлабки йилларданоқ уни қучли давлатдан кучли фукаролик жамиятига айлантириш шиори ўртага ташланди. Натижада таълим муассасаларида фикрий тарбия хар қачонгидан ҳам мухим ва долзарб вазифага айланди. Ушбу монографияда ижгамойй-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фикрлаш салоҳиятини оыгариш йўл-йўрүикдари ёритилган. Фикрий тарбияга тарихий ёндошилиб, унинг мазмун-моҳияти макон ва замонлараро тахлил килинган, тажриба-синов натижалари асосида тавсиялар берилган.

Монография умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, раҳбар \ ходимлари, тадқиқотчилар ва педагогика назарияси муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Масъуль мухаррир: **Роҳат Сафарова** — педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Эргаш Ғозиев** — психология фанлари доктори, профессор;  
**Эшбой Турдикулов** — педагогика фанлари доктори, профессор

**Мусаев Жаҳонгир**

vT<sup>^</sup>";

Б Б К 74.200

ISBN 978-9943-00-564-8

© Мусаев Жаҳонгир 2010  
© «SHARO» НМАТК  
«МАК» Бош таҳририяти 2010

## муқдадимА

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иктисадиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, таълим тизимини ҳам тубдан янгилашга зарурят ҳамда имконият туғдириди. Шу мақсадца Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»га Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга эътиборни кучайтириш кун тартибидаги энг мухим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадца Миллий дастурнинг узвий ва мантикий давоми бўлган «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури» қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ўсиб келаётган ёш авлодни муайян касб эгаси бўлиш, ижтимоий фаолиятда ўз ўрнини топишини таъминлашга хизмат қиласи. Ёш авлоднинг ўсиб-улғайиши учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари учун берилган имкониятлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш таълим тизими олдидаги мухим масалалардан хисобланади. Бироқ, бу жараёндаги ўқувчиларнинг фаоллиги, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш сари бўлган ҳаракати етарли эмаслиги соҳадаги ислохотларнинг дастлабки босқичларидаёқ кўзга ташланди. Бу вазиятнинг пайдо бўлишига асосий сабаб ўтган йиллар давомида мактаб таълимида ўқувчига шунчаки билимларни кабул кштувчи субъект сифатида қаралганлигида эди. Ўқитувчи томонидан берилган билимларнинг хеч қандай тахлислиз қабул

килиниши лозимлиги, унинг сўзи ўқувчи учун якуний Карој эканлиги таъкидланганлиги боис, ўқувчиларда мустаки фикрлаш, ижод килиш, янгиликлар яратишга бўлган хара кат ўз-ўзидан суст бўлган. Собиқ тузум давридаги маорис) тизимида ўқув жараёнида ўқувчининг мустакил ва эркщ фикрлашига кам имконият берилар эди.

Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг билим да? ражасига қараб эмас, балки уларнинг собиқ совет тизими ва мафкуравий ғояларига садоқатини хисобга олган холда баҳолаш ва катта хаётга йўллаш тамойили асосий ўринда турарди.

Дарҳақиқат, собиқ Иттафоқ даврида асосий эътибор ўқув<sup>^</sup> чиларда билимдонликни ривожлантиришга қаратилди. Ўша вакгларда «энг муҳими ўқувчиларда чуқур ва пухта билимларни ҳосил қилиш», деган иборатез-тез эслатиб туриларди. Таълимда билимларни таркиб топтиришга ортиқча баҳо беришнинг салбий оқибатлари тез орада ўзини намоён қилди. Жамиятнинг аксарият қисмини ўзининг мустакил фикрини тўлиқ баён эта олмайдиган, ўша даврдаги раҳномаларнинг даъватига сўзсиз эргашиб кетаверадиган, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларга нисбатан лоқайд инсонлар ташкил этди. Бу ҳолат таълим-тарбия жараёнида ҳам ўз аксини топгани рост.

Таълимга сиёсатнинг бу қадар чуқур кириб бориши оқибатида ўқувчилар мустакил хаётда ўз ўринлари, йўлларида учраган муаммоларнинг ечимларини топишларида кийналаетганликлари тезда намоён бўлар эди.

Ўқувчиларда мустакил фикрлаш кўнимкасининг ривожланмаганлиги боис ўқув материалларининг талаб даражасида ўзлаштирилмаслиги, оқибатда давлат буюртмасининг тўлақонли бажарилмаслиги, салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш даражаси эҳтиёжга нисбатан бирмунча камайишига олиб келди.

Юзага келган бу ҳолатни бартараф этиш, миллат ўзлигини саклаш, давлатнинг тараққиёти учун замин ҳозирлаш

Хукумат даражасидаги сиёсий масалага айланди. Шу боис ҳам, Узбекистан Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида: «болалар қайси синфдан бошлаб мустакил фикр юрита бошлайди? Умуман, мактабларда болалар мустакил фикр юритишига ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмасалар, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо билим ўз йўлига. Мустакил фикрлаш ҳам катта бойликдир», — деган эди (3,32). Бу фикрлардан шундай холосага келиш мумкинки, ўқувчиларнинг етуқ мутахассис бўлишлари, ижтимоий хаётда ўз ўринларини топа билишлари, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган анъаналарни давом эттиришлари учун уларда мустакил фикрлаш салоҳиятини таркиб топтириш ва ривожлантириш долзарб масала хисобланади. Зоро, ўқувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик асосларини яратиш, бу асосда ўқитувчиларни зарурий ўқув-меъёрий хужжатлар, қўшимча адабиётлар, ўқитишининг замонавий услублари, самарали педагогик технологиялар билан таъминлаш бугунги кун тадқиқотчилари олдига қўйилган муҳим вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда ўз мустакил фикрига эга бўлмасдан туриб ўқувчининг нафақат ўқув материалларини ўзлаштиришга, балки мутахассис сифатида жамиятда ўз Ўрнини топишга ҳам қийналиши табиийдир.

Мустакил фикрлаш салоҳиятига эга бўлган фуқаролари билан ҳар қандай давлат тараққиётга эришади ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

Бугунги кунда узлуксиз таълимнинг бош мақсади баркамол шахсни шакллантиришдан иборат экан, бу борада ижтимоий-гуманитар таълимнинг ўрни ўзига хосдир. Хусусан, бу туркумдаги ўқув фанлар ўқувчиларни жамиятдан таъсирланувчи ва жамиятга таъсир ўтказа оладиган шахс килиб тарбиялашда устувор аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларининг улар мактабга келгунга қадар кисман бўлса-да мавжудлиги, ҳаётий тажрибаларнинг кам бўлса-да борлиги дарс жараёнларида улардаги мавжуд фикрларни аниқлаш ва ривожлантириш учун имконият беради. Зоро, мустақил фикрлаш инсонгагина хос бўлиб, у етуклик сари интилишнинг белгисидир.

Инсоний муаммоларнинг кўпчилигини унинг тафаккури, фикрлаш тарзини тўғри ривожлантириш орқалигина ҳал этиш мумкин. «Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери такцир килиниб келган, муаллифларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадур», деган эди буюк алломаларимиздан бири Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, инсоннинг комиллиги, ўзлигини англаши унинг мустақил фикрлашидан бошланади.

Маълумки, мактабгача ва бошланғич таълим жараёнларида ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаси хосил килинади, болада атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ходисалар юзасидан илк тушунчалар пайдо бўлади. Шунингдек, бу жараёнда ўқувчиларда ўз фикрларини баён кила олиш кўникмалари шакллантирилади. Юқори, 5—9-синф ўқувчиларида барча йўналишлар юзасидан маълум бир фикрлар шаклланган бўлиб, ўқув жараёнларида уларни тўлиқ ривожлантириш эҳтиёжи вужудга келади. Хусусан, психолог Г.Нойнернинг «Ижод — омад захираси» («Резерв успеха — творчество») (1989 йил) деб номланган монографиясида келтирилган: «Ўқувчининг ўз қарашлари мавжуд бўлади, атроф-муҳитдан, шарт-шароитдан келиб чиқсан холда, унда қайсиdir жихати, даражаси билан мавжуд фикрлаш шаклланган бўлади, ўқув-тарбия жараёнининг раҳбарлари томонидан эса у ривожлантирилади», деган фикрларда ҳам ўқув жараёнларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳияти ривожлантирилиши қайд этилган.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёни — бу ўқувчини ҳаётий воқеа-ходисалар, тартиб-коидалар, унинг фаолия-

тини белгилаб берувчи омиллар, ҳаётий тажрибалари, тушунчаларини ривожлантиришга асосланган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий воқеликни тўлиқтарзда ўзида акс эттирган жараёндир.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнидаги фанлар туркумига кирувчи адабиёт, тарих, хукукшунослик, география, иқтисод, миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари фанлари, бир бутунликца, ўқувчининг уни ўраб турган атроф-муҳит, жамият ҳақидаги мустақил фикрлаш салоҳиятларини ривожлантиришга хизмат киласи.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда айнан ижтимоий-гуманитар таълим жараёнининг имкониятлари кенгрок хисобланади. Шу боис, бу фанлардан ўқувчшгар мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш жараёнидаги ахамиятини хис этган ҳолда, ўқув жараёнларига ижодий ёндошиш ўзининг самарали натижаларини беради.

## **БИРИНЧИ КЎЛИМ**

### **ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАКИЛ ФИКРЛАШ САЛОХИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

Таълим-тарбия — бу ўқувчини умуминсоний ва миллим кадриятлар асосида ҳар томонлама шаклланган шахсни камолга етказишга йўналтирувчи жараёндир. Ҳар бир ўқувчи камолоти фикр аниқ-тиникдиги, яхлитлиги, кенг камровилиги, долзарблиги, ўзгалар томонидан тингланиши ва тан олиниши билан белгиланади. Фикр — атроф-мухитга, воқеликдаги ҳодисаларга, жараёнларга, нарса ва шахсларга нисбатан билдирилади. Ҳар бир ўқувчидан бирор нарсага баҳо бериш учун ўзининг фикрлаш холати, оддий фикрлаш йўли мавжуд. Ва бу холат нафақат алохида инсонлар учун тааллукди, балки бутун бошли халклар, давлатлар, тамаддунларга ҳам хосдир. Бошқаларга нисбатан ўзгача фикрловчи, борлиққа бошқача назар билан қаровчи шахслар ҳар бир даврда мавжуд. Одатда, бундай инсонлардан жамият тараққиёти учун хизмат киладиган шахслар етишиб чиқади. Уларга жамиятда алохида нуфузга эга бўлган шахслар сифатида каралади. Ваҳоланки, бу каби инсонларнинг ўзгача фикрлаш тарзи барча кашфиётлар, илмий янгиликларни очиш, тадқиқотларнинг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат килган. Улар барча замонларда инсониятни тараққиётта бошловчи фояларнинг туғилишига сабаб бўлган.

Ўқувчи ўзининг мустакил фикрлаш салохияти даражасида дарсда такдим этилган маълумотларни таҳдил этади, хуроса чиқаради, қарорлар қабул килади. Зоро, фикр — ўқувчи мустакил равишда амалга оширган акдий фаолиятининг

натижасидир. Бу натижанинг жамият тараққиётига таъсири ҳам ўзига хос. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир ўқувчи ўзича фикрлайди.

Аксарият ўқувчилар масала ечимини макон ва замонга, яшаб турган муҳитига ҳамоҳанг ечишни лозим курса, саноқли ўқувчиларгина ноанъанавий фикрларни илгари суради.

Бу тоифадаги ўқувчилар ҳар қандай маълумотнинг асосланиши, таҳдил этилиши, уларга ўз муносабатини билдириши истайди. Зоро, бундай ўқувчиларни қаноатлантирадиган таълим мазмуни бирмунча мураккабдир. Сир эмаски, бундай ҳолатни ўқитувчилар кўп ҳам хуш кўравермайди. Бу тоифа ўқитувчилар фаолиятида анчайин кусурлар кўзга ташланади. Чунончи,

- бутун дарс давомида ўқитувчи фаолияти устувор бўлиб, мавзууларга бир томонлама ёндошиш;
- ўқув дастури, дарслик ва қўшимча материаллардаги маълумотлар мукаммал, зотан, уларни ўзлаштириш шарт деган қарашга оғишмай амал қилиш;
- дарс жараёнида ўқувчилар фикрлари хуросаларига эътиборсизлик, ўқитувчи ўз фикрини мутлақ ҳакиқат билиб, ўз айтгани айтган деб хисоблаш;
- ўқувчининг қизиқиши, имконияти ва салохиятига қараб алохида-алохида ёндоша билмаслик;
- ўрганилганлар юзасидан умумлашган хуроса чиқаришга даъват қилмаслик, ўқувчиларнинг муҳокама ва мунозарасини рағбатлантирмаслик ҳоллари тез-тез учрайди.

Шу ўринда фикр мустакиллиги нима, деган ҳакди савол туғилади.

Фикр мустакиллиги — бу ўқувчининг муайян нарса, воқеа-ходиса, жараён, далил, маълумотларга нисбатан шахсий муносабати, қарashi ва шу муносабат ёки қараш бўйича тегишли муаммони ҳеч кимнинг кўмаги ва кўрсатмасиз, заковати, салохиятига таянган ҳолда, тегишли усул, воқи-

талар ёрдамида мустакил равишда ҳал қилишидир. Юкоридаги холатлардан келиб чиқкан ҳолда ўз олдига яққол максад, янги вазифалар кўя билиш, уларни амалий ва назарий жиҳатдан таҳдил эта олиш мустакил фикр юритиш аломатидоғ.

Ўқувчининг фикрлаш қобилияти унинг фаҳм-фаросати, ақл-заковати, зехни, шунингдек, ўраб турган атроф-муҳит, мавжуд шарт-шароитига боғлиқ. Худди шунинг учун ҳам фикрлаш ўзгарувчан акдий сифат бўлиб, ривожланиши давомида икки босқичдан иборат бўлади. Фикрлаш жараёнининг дастлабки босқичи англаш ва туш^ишидир. Англаш ва тушуниш фикрлаш қобилиятининг асосини ташкил этади. Қачонки, ўқувчи англаса, тушуна олсагина у мантиқий фикрлай олади. Умуман англанмаган ҳолат ҳақида ҳеч қандай фикр юрита олмайди. Фикрлаш жараёнининг кейинги босқичи таҳлил этиш ва хулоса чиқариш, қарор қабул қилишидир. Англаш, тушуниш кўпроқ хис-туйғуларга асосланса, таҳдил этиш, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилиш кўпроқ билимга, асосли маълумотлар ва мавжуд тажрибага таянади.

Ўқувчининг фикрлаш қобилияти унинг билимдонлиги, интеллектуал салоҳияти билан боғлиқдир. Фикрлаш — доимо ҳаракатда бўлган жараён бўлса, ақл ва билим унинг воситаси, айни вактда ҳосиласидир. Ақл ёрдамида инсон ҳамиша энг оғир вазиятдан чиқиш учун ўзига тӯғри йўл ахтаради ва топади. Энг кийин муаммоларни бартараф этади. Фикрмулоҳазасиз ўқувчилар арзимас кийинчиликларни ҳам енгид ўта олмасликлари мумкин. Чунки уларда фикрлаш жараёни суст бўлиб, натижада улар ўз тажрибаси, билимига таянишдан чўчийдилар.

Ўқувчи заковатининг маҳсулдорлиги унинг нафакат билимдонлигига, балки ўша билимларининг аниқ мақсадга қаратилганлигига, йўналтирилгашштига ҳам боғлиқ. Ақлли киши факат кўп билимга эга эканлиги, шунингдек, ўша билимларини эзгулик, яхшилик учун сафарбар қилиши билан ҳам ажралиб туради. Чунончи, мустакил фикрлаш даражасига таяниб, ўзгалар муаммоларини еча билиш кўникмасига эга ўқувчилар ҳам бўлади. Ўқувчи мустакил фикрлашида маълум бир омилларни таркиб топтириш орқали ўқувтарбия жараёнининг сифатини оширишга эришиш мумкин.

Ўқувчи мустакил фикрлашини таъминловчи омилларга куйидагилар киради:

- ўқувчиларда назарий билимларнинг мавжудлиги;
- мавжуд муаммоларни таҳдил эта олиш кўникмаларининг шаклланганлиги;
- ўзгалар фикрини тинглай олиш кўникмасига эгалиги;
- ўз фаолиятини мақсадли ташкил эта олиши;
- орттирилган тажрибаларга таяна олиши;
- атроф-муҳит билан ишchan мул оқот ўрната олиши.

Шундай омилларни ўзида мужассам қилган ўқувчилар ҳар қандай вазиятда тӯғри йўл топа олишга, ўқув материаларининг тўлақонли ўзлаштирилишига эришадилар.

Мустакил фикрлаш орқали ўқувчиларда билимларнинг мустаҳкамланиши, тажрибанинг орттирилиши билан бирга маънавий етукликка ҳам эришилади. Ахлокий жиҳатдан ҳар қандай муҳитда ўзига муносиб ўрин топа олиш имкониятига эга бўлган ўқувчи ўзгаларни хурмат қилиш, уларнинг кадр-қимматини ўз ўрнига қўйиш, фаолияти давомида барча иштирокчилар манфаатларини яхлит химоя қила олишга журъат этади.

Инсоннинг фикрлаш жараёнини маълум бир қолипга солиб бўлмайди. Унинг кенг қамровлилиги, чегара билмаслиги айни ҳақиқат. Шундай экан, унга эркинлик рухини бермоқлик ўринли. Эркин фикрловчи ўқувчи муаммолар ечими учун тайёр формула ёки бир хил қолип қидирмайди. Ўзи Ўйлаб топган ечимини бошқаларга эркин баён қила олади.

Фикрлаш тарзининг чегараланганлиги эса таҳдил этиш, муносабат билдириш жараёни учун тўсик бўлади. Ҳосил Қилинган хукмларни эълон қилиш, хулосаларни ўзгарти-

ришдан хадиксираш кабилар боис жараёнлардаги аникдик йўқолади. Бутарздаги холат натижасида ўзлаштириш ва фикр самарадорлигининг сифати пасайиб боради.

Фикрлаш жараёнидаги эркинлик эса, ўқувчиларнинг мустакил ижодий фаолияти учун муҳим бир омил бўлиб хизмат килади. Бунда ижодий фикрлаш тарзи кундалик турмушда вужудга келган муаммолар ечимини излашга ундиади. Бирок муаммолар ечимиning ахборотлар билан инсон амалий фаолияти, яъни ижодкорнинг хатти-харакати орасидаги фаркни ажратиш керак.

Ўқувчининг фикрлаш тарзи унинг туғма қобилияти, болаликда олган таълим-тарбияси, меҳнат ва ижтимоий фаолиятининг характери, миллий ва умуминсоний маданият меъёрларини ўзлаштириш даражаси каби макро-омилларга боғлиқ. Ушбу омилларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминловчи механизм муракқаблигидан қатби назар мустакил фикрловчи ўқувчи хамиша эркинлик ва ўзини-ўзи бошқаришга эҳтиёж сезади. Ўқувчи майда-чуйда назоратлардан, чеклашлардан қанчалик холи бўлса, унинг мустакил фикрлаш салоҳияти мустакил ишлаш ва мустакил яшаш жараёнида шунчалик ривожланиб, мустахкамланиб бораверади. Аммо ўқувчи камолотининг қуи боскичидаги (16 ёшга кадар) муайян йўналтирувчи омилга эҳтиёж сезади.

Ўқувчи фикрлаш тарзида ўзи ва бошқаларнинг хатти-харакати, хулқ-авторига баҳо бериш, атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа ва ходисаларга ўз муносабатини билдириш майллари доимо мавжуд бўлади. Лекин бундай майллар ижобий ва салбий жиҳатларга эга. Ҳар бир киши у ёки бу воқеа ҳамда шахсга, ўзининг интеллектуал имкониятларидан келиб чиқиб, шахсий манфаатини кўзлаб баҳо беришини унутмаслик лозим. Худди шунинг учун ҳам ўқувчининг атрофида содир бўлган у ёки бу воқеага берган баҳоси, муносабати нисбий бўлади. Шунингдек, ўқувчининг табиатида бошқаларга бирёклама, юзаки баҳо бериш, узук-юлуқ маълумот-

ларга асосланиб холисона баҳоламаслик, ўзининг амалий фаолиятида содир бўлган камчиликларнинг сабабини ҳамиша бошқалардан излаш майллари хам мавжуд.

Ўқувчининг фикрлаш тарзида юқорида санаб ўтилган майлларнинг устунлик килиши кундалик фаолиятида қатъиятсизликка олиб келади. Эътибор қилинса, бундай қатъиятсизлик кўринишлари «Вазият шуни тақозо этди», «Менга тазиқ ўтказиши», «Мен хабарсиз қолибман», «Шундай бўлиб қолибди» кабилидаги мулоҳазаларда якъол намоён бўлади. Ўзининг қатъий фикрига эга бўлмаган ўқувчи вазиятдан келиб чиқан холда фаолият кўрсатади, турли таъсирларга тез берилади. Шундай қилиб, ўқувчидаги иккичисига зид бўлган бекарор, ўзгарувчан фикрлар мавжуд бўлади. У бекарор фикрлар таъсирида баъзан билиб, баъзан билмасдан ўз хатти-харакатидаги нуқсонларни камайтиришга, бошқаларнини эса бўрттириб кўрсатишга уринади. Оқибатда бундай ўқувчиларда ўз шахсий масъулиятини камайтириш ва иззатталаблик кайфияти устун келади. Бундай холатларда ўқитувчилар ўқувчиларни тўғри йўналтиришлари, ўз фикрларини баҳолаши учун шарт-шароит, вазиятни вужудга келтиришлари лозим.

Одатда, ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш жараёнларида турли ҳолатлар, вазиятлар вужудга келиши мумкин. Хусусан, ноўрин билдирилган фикр ўзгаларнинг асосланган фикрлари олдида маълум бир мантиқсизликка олиб келиши натижасида ўқувчи ўзини айбдордай хис этиши мумкин. Бундай жараён учта гурухданади: 1. Ўқувчилар ўзларини окдаб, бировларни айблайдилар. 2. Ўқувчилар ўзларини айбдор деб ҳисоблайдилар. 3. Ўқувчилар нотўғри фикрлари вужудга келишини жамиятнинг объектив шарт-шароит ва субъектив омиларидан излайдилар.

Ана шундай фикрлаш тарзи ўқувчининг мустакил шаҳе Даражасида шаклланишига йўл бермайди. Кўриниб турибидики, ўқувчининг фикрлаш тарзида бирини иккичисига зид

бўладиган кутблар, қарашлар мавжуд бўлади. Бу вазиятларда муаммоларни ечиш йўлларини излашни ўкувчи, ота-она, ўқитувчи ҳамкорлигада амалга ошириш қулайдир. Хусусан, таълим-тарбия жараёнида ўкувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Улардан самарали фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган ишларни тизимли, узвий алоқадорликда олиб бориш керак. Худди шунинг учун хам ҳар бир ўкувчининг фикрлаш тарзидаги ўзига хосликларни ажратা билиш зарур.

Кимнинг фикрлашида манманлик, худбинлик тарзи ҳаддан ортиқ устунлик қилса, улар ўз атрофидагиларга шубха билан қарайдилар. Факат ўз манфаати ҳақида ўилаш, яъни эгоцентризм уларга бошқаларнинг қувончларию ташвишларига шерик бўлишга йўл бермайди. Мазкур ўкувчилар фикрлаш тарзida бундай холатларга шахсий манфаат нуқгай назаридан ёндошиш одат тусига кириб қолади. Агар бундай фикрлашга «Ким биз билан бўлмаса, у бизга қарши», деган ақида билан бошқаларга ёндошилгани қўшилса, ушбу ўкувчиларнинг фикрлашига қарама-қарши чиқувчиларнинг сонини аникдаш қийин бўлиб қолади.

Ўкувчилар мустакил фикрлаш жараёнининг асосий мазмунни ва ўзига хос хусусиятларини қуидагиларда кўрамиз: ишни бажариш жараёнида ўкувчи ўқитувчининг ёрдамидан халос бўлади, олдига қўйилган, лекин енгиб ўтиши қийин бўлган кийинчиликлар билан яккама-якка қолади. Шундай холатда ўкувчи ўз билим, кўникма ва малакаларига, кузатувчанлигига, фикрлашига таянган ҳолда билимини синаб кўриши, олдиғаги муаммоларни ечиш йўлларини излаши ва ниҳоясига етказиши керак. Топшириқ ўкувчининг тайёргарлик даражасига мувофик келмай қолсагина, ўқитувчи ўкувчига кўмаклашиши, топширикни бажаришда бевосита ёрдам бериши мумкин.

Дарҳакиқат, ўкувчининг мустакил фикрлаш жараёни кент қамровлидир. Уни тўғри йўналтира олиш, ўкувчи шахси-

нинг ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатиши учун мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш йўналишидаги ишларда, умуман, педагогика соҳасида қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими топилган тақдирдагина ўкувчи мустакил фикрлаши учун шарт-шароит яратиладп, имконият берилади. Кайд этиш лозимки, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ҳам айнан юқоридаги келтирилган холатларни тўғри баҳолай олиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқ кўра билиш билан бошланади. Юқорида қайд этилган меъёр ва талабларнинг амалиётдаги холатини ўрганиш олдимизда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришдаги асосий муаммолар куйидагилардан иборат:

- ўкувчилар мустакил фикрлаш жараёнининг педагогик-психологик йўналишлари тизими шаклланмаганлиги;
- ижтимоий-гуманитар таълим мазмунида ўкувчи мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик восита ва усуllар етарли эмаслиги;
- ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш салохияти динамикасини аникдаш мезонлари ҳамда меъёрлари ишлаб чиқилмаганлиги;
- ўкувчиларни мустакил фикрлашга йўналтира оладиган педагогик маҳорат соҳиблари — тажрибали ўқитувчиларнинг этишмаслиги;
- ўқитишининг самарали методлари, усуllари, шакллари ва воситалари суст равишда оммалаштирилаётганлиги;
- ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларининг фаолиятларида ўкувчиларни мустакил фикрлашга йўналтирувчи воситалар ва методларнинг уйғунлаштирилмаганлиги кабилар.

Дарҳакиқат, мустакил фикрлаш салохиятига эга бўлган ЎКувчилар келгусида ўз фаолиятлари билан давлат ва жамият тараққиётига сезиларли таъсир кўрсата олади. Ўкувчиди

дастлабки пайдо бўлган фикрларни илғай олиш, уни ри вожлантириш ва гоя шаклига келтириш жараёнини бошқа риш, назорат қилиш хамда якунига етказиш ўқитувчи фаолиятининг асосий йўналишини ташкил қилиши керак.

Одатда, ўқувчининг фаолияти иккига бўлинади. Була интеллектуал ва амалий фаолиятлардир. Интеллектуал ва амалий фаолиятнинг ўзаро алокадорлиги ўқувчининг фикрлаш тарзида яққол намоён бўлади. Ўқувчининг фикрлаш тарзи: очиқ (ўз фикр-мулоҳазаларини рўйирост, ошкора баён қилиш), тадбиркорлик (ўз нуктаи назарини бирдан баён қилмаслик, бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб туриш), ҳушёр (хар қандай вазиятда ҳам ўз фикрини яхши-ёмон томонларини зийраклик билан таҳдил қила билиш, етти ўлчаб бир кесиш), ижодий (ўз қарашларини баён қилишда ноанъянавий, ностандарт мулоҳазаларга асосланиш), доктитив (бир қолипда, бир хил андозада фикр юритиш, мушоҳада қилаётган муаммосининг бир томонини бўрттириб кўрсатиш), авторитар (обрў-эътиборга, ўқитувчининг қош-қовоғига караб фикрлаш) каби кўришишларда намоён бўлади.

Фикр юритиш (тафаккур) — инсон ақлий фаолияти, ақлзаковати, муомала жараёни, онгли хатти-харакатларининг юксак шакли хисобланади. Мустакил фикрлаш теварак-атроф, ижтимоий муҳит ҳамда воқеликни билиш куроли, шунингдек, инсоннинг кенг кўламли фаолиятини оқилона, омилкорлик билан амалга оширишнинг асосий шартидир. Мустакил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади ва улар шахс онгига тушунчалар, хукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади. Мустакил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини такозо этади. Худди шу боис инсон ўзининг мустакил фикрлаши (мулоқоти), нутқи ҳамда онгли хулқатвори туфайли борликцаги мавжудотлардан тубдан ажра-

либ туради. Аммо, афсуски, дарс, ўкув-тарбия жараёnlарида мазкур ҳолатлардан эътиборни соқит қилиб, ўкув дастуридаги, дарслидаги материалларни тезроқ ўкувчига етказиши билан ўз вазифаларини бажарган деб хисоблаш ўқитувчилар орасида анъанага айланиб қолган.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги педагогикада ўқувчи шахсининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг кўпгина параметрлари ўз ечимини топмаган. Зоро, ҳозирги кунда ўқувчининг изланиши, янгиликлар яратиши учун юқори даражадаги имкониятлар, шартшароитлар мавжуд. Улардан унумли фойдаланиш йўлларини ўқувчиларнинг англамасликлари, тушуниб етмасликлари, ўз мустакил фикрларини юзага чиқаришга харакат кilmасликлари ачинарли холдир.

Ўқувчи мустакил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ходисаларнинг тўғрилиги, аникдиги, ҳаққонийлиги ёки уларнинг воқеликка мое (мутаносиб) равишда тушунилишини аникдайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган хукмлар, тушунчалар, хулосалар, фаразлар (таксимлар), чиқарилган қарорларнинг нечағлик аниклигини белгилаб олади. Инсон мустакил фикрлаши орқали воқеликни умумлаштириб, уни бевосита ва билвосита акс эттиради, нарса ва ходисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хусусиятлар ҳамда механизмларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва Коидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ходиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожлаштши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга. Хрзирги замон ўқувчисининг билиш ва амалий фаолиятини оқилона, одилона, омилкорлик билан ташкил қилишда мустакил фикр юритишнинг аҳамияти тобора ортиб бормокца. Хусусан, ўқувчининг назария билан амалиётнинг бир-бирига мувофиқлигини англаши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида таъкидланган ҳолатларда ўқувчилар мустағиқлаши жараёнида ўзлари бошдан ўтказадиган руҳи ҳолатлар баён этидди. Ваҳоланки, таълим муассасаларида ухј фанларини ўқитиш жараёнида вужудга келадиган вазият ларда тўғри, самарали йўлни танлаш зарур. Хусусан, ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчилар орасида фикрлашга қийналувчи, ўзидаги мавжуд билимларни баён этиш нинг уддасидан чикмайдиган ўқувчилар бор.

Биз ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчилар нинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришд қуйидаги камчиликлар мавжудлигини аникдадик:

- ўқувчиларнинг ўкув фанларига қизиқиши етарли эмаслиги;
- турли даврлар орасидаги бөглиқликларни ўқувчилар етарлича англаб етмаслиги;
- воқеа-ходисалар, умуман, ўқувчиларнинг мавзуга оид мустакил қарашлари ибтидоий даражада эканлиги;
- ўқувчидаги фикрлар, ижодий қобилияларни ривожтантириш чора-тадбирларининг етарли эмаслиги;
- ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган мукаммал педагогик тизим ишлаб чиқилмаганлиги ва мактабда қўлланилмаслиги кабилар шулар жумласидандир.

Бу камчиликлар бартараф этилганда ўқувчи шахси фикр юритиш кўнижмасининг малакага айланиши кафолатланади. Одатда, фикр юритиш воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситасининг хусусиятига, объектигининг субъект учун янгилиги, ўқувчининг фаоллик кўрсаткичига кўра бир неча турларга ажратиб тадқиқ қилинади. Мустакил фикрлаш акдий фаолият сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан масалалар, топшириқлар ечиш назарда тутилади, уларнинг шартлари, моҳияти, тузилиши, шакллари ва ўқувчининг фикр англаш имкониятлари кузатилади. Масала, муаммо, топшириқ ечиш (хал қилиш, ба-

жариш) шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, майли, харакаттар-<sup>^</sup>зи, қобилияти, истеъоди, салоҳияти билан боғлиқравишида олиб қаралади, уларнинг талабларини қабул қилиш, муайян қарорга келиш, воситалар қидириш мустакил фикр юритишнинг мустахкам негизини ташкил қиласди. Мустакил фикр юритиш фаолиятида муаммо ечимини қидиришни бошқариш, борликни идрок килишда инсоннинг хистайғулари, кечинмалари, фавқулодда вазиятлар, объектив ва субъектив шароитлар аҳамият касб этади.

Ижтимоий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро (объектив, субъектив) муносабатлари, алоқалари, ҳамкорликдаги аклий ва жисмоний меҳнат маҳсули, муомала мароми мустакил фикрлаш жамлиги тариқасида намоён бўлади. Жамоада танкид, ўз-ўзини танкид этиш, баҳолаш, ўз фаолиятини баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, бошқариш, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён этиш, ўзига-ўзи буйруқ бериш, гуруҳли мулоҳаза, мушоҳададан иборат мустакил фикр юритиш сифатлари шаклланади. Бироқ бужиҳатлар ўқувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда асосий омил сифатида хизмат қилиши ҳар доим ҳам педагогик муаммоларнинг дикқат марказига қўйилмайди.

Ўқувчининг ўқувчи томонидан идрок қилиниши, яъни нотаниш ўқувчининг руҳий ҳолатини аникдаш, тахмин Қилиш, энг зарур аломат ва белгиларни тўплаш ҳам мустакил фикрлаш маҳсулидир. Мазкур мураккаб босқичли билиш жараёни ўқувчидан иродавий куч, акдий жиддийлик, онгли муносабатга киришишни, барқарор вазият, қулай шарт-шароитларга мослашишни талаб қиласди, натижада маълум қарор қабул қилинади, муайян хуносага келинади.

Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиrolар, ихтирочилик таклифлари мустакил фикрлашнинг маҳсули бўлиб, амалий ва назарий аҳамиятга молик илмий фаразлар, ғоялар, улуғ-ор мақсадлар, юксак эзгу ниятлар эса унинг вазифасига киради.

Қуйида ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ри вожлантириш ҳакида фикр юритамиз.

Ўқувчининг мустакил фикрлаши — бу мавжуд билимлар орттирилган тажрибага асосланган ҳолда ўз фикрини билдириши демакдир. Чунки ўқувчи бошқалар нұқтаи назариг таянған ҳолда фикрлаши натижасыда ўз билимининг саёз лиги, ноаниқдигини намоён килади. Фикрлашнинг бу йўл~вакғ ўтиб шахснинг шаклланишида ўз киёфасини, ўз дара жасини кўрсатади. Натижада амалга оширилган ишларнин самародорлиги пасайиб боради.

Шу сабабли мустакил фикрлашни таъминлаш учун ўқувчиларга қуйидагилар зарурлигини унутмаслик лозим:

- билим;
- қўшимча маълумотлар;
- тажриба;
- хаётий қўникмалар.

Бунда фикрлаш шартли равишда уч даражага ажратилади:

**Биринчи даражадага фикрлаш:** ўқувчи нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларга уларнинг ташки ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўз фикрини билдиради.

**Иккинчи даражадаги фикрлаш:** ўқувчи нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларни ўрганиб, асосини изоҳдай олган ҳолда фикрлайди.

**Учинчи даражадага фикрлаш:** ўқувчи нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларни ҳар томонлама ўрганган ҳолда, унинг истиқболини кўра биладиган даражада муносабат билдиради.

Фикрлашнинг юкоридаги уч даражаси изоҳданганда, ўқувчи нарса, воқеа, ходиса ва жараёнлар ҳакида уларнинг ташки ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўз фикрини билдириши нарсаларни ўраб турган шароитларни тушунишга уринмай ёки чуқур ўрганмай, факатгина ташки белги (кўриниш) ларига қараб, юзаки тарзда ҳукм чиқариши демакцир.

Ўқувчи нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларга уларнинг ташки ҳолатидан келиб чиқдан ҳолда, асослар билан изоҳ-

лаб фикрлашда нарсаларни ташки белги (кўриниш)сига назар солиши билангина кифояланмай, уларнинг моҳиятига етган ҳолда тушунади. Бундай фикрловчи ўқувчилар тафаккур объекти ҳакида баҳс юрита оладилар. Лекин нарсаларнинг фазовий ҳакикатини билиш, унинг шарт-шароитларини ёки уни бошқа нарсаларга боғлаб турган омилларини тушуниб етишга муҳтоҷ бўлганлари учун бу даражадаги фикрлаш уларга ҳакиқатга яқин ҳукм чиқариш имконини бермайди. Шу сабабли бундай фикрлаш асосида абстракциялаш имкониятлари чекланган.

Ўқувчининг, нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларни ҳар томонлама ўрганган ҳолда, унинг истиқболини кўра биладиган даражада фикрлаши асосий муаммогат тўғри ечим топишини кафолатлади. Чунки у биринчи ва иккинчи дараждаги фикрлашдан фарқли ўларок, текширилаётган нарсани ўраб турган шароитларни хам, улар орасидаги фазовий алоқаларни хам ва уларнинг истиқболини хам ўрганади. Сўнг катый ҳукм чиқаради.

Фикрлашнинг бу даражаларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, жумладан, ўқувчиларнинг дастлабки мустакил фикри билан хисоблашмасликдек одций педагогик хато ўқувчини нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларни ташки ҳолатига қараб фикрлаш билан чеклаб қўимокда. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларда билишга. бўлган қизиқишини уйғотиша салбий таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг фикрлаш даражалари орасидаги фарқларини аниқлаб олиш учун қуйида мисолларни келтирамиз. Масалан, тарих фанидан 9-синф ўқувчиларининг дарс жараёнидаги иштирокини кўриб чиқайлик. Ўқувчилар фикрлаш даражаси бўйича уч гурухга ажратилади. Бунда, биринчи гурух ўқувчилар ўқитувчи томонидан ўтилаётган дарс мавзусини янги мавзу билан боғлаб, мантиқан мазмундаги Ўхшашликларни топиб, уйга вазифани тайёрлашга ҳаракат Қилади. Иккинчи гурухдаги ўқувчилар эса берилган мавзу

мазмунининг тарих фани билан бир бутунликда — 5, 6, 8-синфларда олган билимларини мустахкамлашади. Учинч гурух ўқувчилари дарсга мавзу юзасидан тайёрланар эка бутун бир тарих курси ва унинг бошқа ўқув предметлар билан алоқадорлиги, шунингдек, ўқитувчининг бунга бе радиган баҳоси, синфдошларининг таҳдили, муносабатига ча тўлақонли, муқаммал тасаввур этган ҳолда ёндошади Шунингдек, ўқувчилар мавзуни ўз ҳаётига таъсири, кела жақдаги нафии ҳам кўра олади.

Бу мисолда ўқувчилар фикрлашининг учала даражаси ой динлашган дейиш мумкин. Биринчисида тор доирадаги ало қадорлик бўйича юзаки, бир томонлама хукм чиқарилади Бундай фикрлаш тарзи аксарият ўқувчиларга хос бўлиб, сез аъзолари (биринчи сигнал системаси) ёрдамида вокеликн хис қилиб, унга оид маълумотлар мияга узатилади ва миядаги аввалги маълумотлар билан боғланади. Бундай дарении самарадорлиги паст даражада бўлади. Ушбу ҳолат кўпчилик: саёз фикрловчи ва лоқайд кишиларнинг фикрлашида кузатилади. Бу тарздаги фикрлаш жамият тараққиётини таъмин лай олмайди ва инсон фаровонлигига тўғаноқ бўлади. Ундан, аввало, саёз фикрловчи кишиларнинг ўzlари, қолаверса, жамият, ҳалқ манфаатига путур етади.

Иккинчи даражадаги фикрлаш моҳияти даре мавзуини режалаштираётганда ўқувчилар ҳолатини чуқурроқ, теранроқ билишга уринишда, факат хис килиш орқалигини ўрганиш билан чекланмаслик ва, хатто, олдинги маълумотлар билан кифояланмасликца намоён бўлади. Ўқитувчи дарсни — ўқитилаётган бўлимни аввалги бўлимда ўтилган мавзуларга боғлаб, бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини хисобга олган ҳолда ўтишни лозим топади. Бунда у мавзуни изоҳлайди, ҳар бир жараён асосли тарзда, мустакил фикрлаган ҳолда ўрганилади.

Аммо фикрлашнинг юқори чўккиси — бу истиқболни кўра билган ҳолдаги фикрлашдир. У устувор ғояга асосланганда

муаммоларнинг тўғри ечимларини кафолатлади. Масалан, инсониятнинг Қуёш системасига оид сўнгги тушунчалари таркиб топишида фикрлашнинг юқоридаги уч даражасини босиб ўтганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Фикрлашнинг бу даражалари натижасида педагогик муаммолар вужудга келади. Зоро, ўқувчиларнинг мустакил фикрлашини ўқитувчи томонидан чегаралаш, мустакил фикрлашга имкониятларни яратмаслик, унинг фикрини хисобга олмаслик ўқувчини нарса ва вокеа-ходисаларга нисбатан фақатгина ташки ҳолатига караб фикр билдиришига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда ва фаол иштирок этишга қодир шахсни шакллантириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий устувор йўналиши эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Узбекистан Республикаси Президенти И.А.Каримов мустакил фикрлаш ҳақида сўз юритар экан: «Ўз мустакил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан карайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади», — (6,506) деган фикрни билдиради. Мустакилликнинг дастлабки йиллариданоқ мазкур фикрлар асосида бу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор каратилди.

Мустакил фикр юритиш жараёни муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади, лекин мазкур вазият туғилиши, ечими бу билан тугамайди. Ўқувчидаги билишга нисбатан интилиш, ихтиёrsиз хатти-харакат муаммоли вазиятгача аниқ-тиник бўлмаган, ноаниқ ҳолда юзага келади, сўнгра туб маънода ечимга муҳтоҷ бўлган муаммоли вазият яратилади ва, ниҳоят, унинг ечими топилади, лекин билиш-

нинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йуналиш да ихтиёrsиз давом этаверади (муаммолача — муаммоли муаммодан кейинги вазият).

Маълумки, ўкув фаолиятида фикр юритишнинг ўза мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади. У\* чининг мустакил фикр юритиш жараёни куйидаги босқич лардан таркиб топиши мумкин:

1. Мустакил фикр юритиш фаолиятида энг аввал ҳал кили ниши зарур бўлган масала (топширик) ўкувчи томонида аниклаб олиниши керак. Агар ўкувчи олдида ҳеч қандай ма сала ёки муаммо вужудга келтирилмаган бўлса, у бирон бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди, демакки, уни~ қархисида ҳеч қандай муаммо пайдо бўлмайди. Мабод ўкувчи ҳал қилиши шарт бўлган масала юзасидан қанчал аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечи~ йўл ва воситаларини ҳам шунчалик осон топади. Бунинг; муаммони ечиши лозим бўлган ўкувчи қўйилган масал мазмунини яхши тушуниб олиши, унинг шартини текши? риб кўриши, нима маълум ва нималар номаълум эканлиги ни аниқлаши зарур. Фақат ана шундагина ўкувчи сира шошиб қолмайди ва ҳеч иккиланмасдан масала (топшири шартини ўйлаб топади, тўғри ечимга эришади.

2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлга барча билимларни (қоидалар, омиллар, қонуниятлар, хос салар, хусусиятлар, муҳим белгилар, муносабатлар, боғла нишлар ва бошқаларни) татбик қилишга интилади. Буни учун эса шахсий тажрибасида учраган ҳолат усусларид унумли фойдаланиб, амалиётга жорий этишга харакат килади

3. Қўйилган масала ёки муаммога тааллукди фараз (таксин) илгари сурилади, босқичлар тахлил қилинади, еч! тўғрисида мулоҳазалар билдирилади, турли варианatlар ҳаъ вариациялар, инвариантлар ҳақида фикр юритилади, ула ўзаро киёсланиб, энг самарали аломатлари, белгилари ажратилади ва ҳоказо.

4. Муаммо олдига қўйилган фаразни муайян мезонл

ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхаш холатлар мазмун, шакл ва таркиб жихатдан таққрсланади. Бу ўринда ижодий хаёл, тасаввур имкониятидан унумли фойдаланилади, яъни ижодий режа тузиш, умумлашма образлар яратиш, мақсад натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий ҳатти-харакат тизими татбиқ этилади ва айрим ўзгаришлар киритиш мўлжалланади. Фараз мантикий усувлар ёрдамида фикран тахлил қилинади, унинг муҳим аломатлари ажратилади, тўғрилиги, ҳаққонийлигига оид тезкор хукм ва хуласалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жихатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган фаразнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги аниқланса, у фикр юритиш жараёнидан сикиб чиқарилади ва янги фаразлар ўйлаб топилади. Янги амалий фараз фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия этилади.

•6 Муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиминитопиш, олинган натижаларнинг тўғрилигига ишонч, қаноат ҳосил қилиш Учун ўкувчи уни текшириш билан мустакил фикр юритиш ҳатти-харакатларини якунлайди. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳазалаш шаклларидан сўнг масала (топширик) батамом ҳал қилинади деб топилади ва у тўғрида ўйлаш нисбий жихатдан амалга оширилади.

Бу тарздаги мустакил фикр юритиш жараёни ўз маҳсулини беришидан олдин мавжуд холатнинг тўлақонли англанишини тақозо этади. Бунда мустакил фикр юритиш ҳаракати Қўйидаги босқичлардан ташкил топтан бўлиши мумкин:

- 1- Муаммонинг вужудга келиши.
2. Масала, муаммо, топширик моҳиятини англаш.
3. Уларга ўхаш маълумотлар ёки образларнинг вужудга Келиши.
4. Тасаввур ва хотира материалларининг камайиши, тахминлар (фаразлар)нинг туғилиши.

5. Тахминларни текшириш ёки уларнинг хақконийлигни тасдиқлаш.

6. Янги тахмин (фараз)ларнинг юзага келиши.

7. Фаразларни иккиласми текшириш (иккинчи марта та дикдаш).

8. Масала, топшириқ, муаммо ечимини топиш (хилиш).

9. Ихтиёrsиз ақдий хатти-харакатларнинг давом этиш (фикrlашнинг нисбий давомийлиги) ва ҳоказо.

Мустакил фикrlашга йўналтирилган фаолиятнинг шава таркибий жиҳатларига ҳамоҳанг ҳолда дикқатни қуида гиларга йўналтириш мақсадга мувофиқ:

а) аниқ ифодаланмаган муаммолар, масалалар, топширикдар улар орасидаги алоқадорлик, муносабатларни ўкув таҳдил қилгандан кейин бериладиган саволлардан бири ка ичида кўрсатилади;

б) берилган муаммолар, масалалар, топширикдарни ечи (бажариш, ҳал қилиш) учун этишмайдиган маълумотла кавс ичида кўrсатилади;

в) қўshимча маълумотларга, тағсилотга эга бўлган муаммо, масала, тогаирикдар *курсив* билан берилади;

г) бир неча йўл, усул, босқичларда ечиладиган топширикдар, бу ўринда, турли йўллар, усуллар, воситалар била ечилиши (ҳал қилиниши) мумкин бўлган масалалар (муаммолар, топшириклар) берилади, бунда ечимнинг энг қулий, оддий, энг тежамли, омилкор йўли иложи борич яширилган ҳолда ҳавола қилинади, муаммолар фикrlашнинг бир усулидан иккинчисига, бир хукмдан бошқасига, бир хulosадан унинг алоҳида кўринишлари, шаклларига ўтиш ўкувчининг ақлий қобилиятини шакллантиришга қаратилган бўлади;

д) мазмун-моҳиятига кўра ўзгарувчан топшириклар, мустахкамланган бир ақдий хатти-харакатлардан бошқасига ўтишдан иборат ақдий қобилиятни таркиб топтиришга

йўналтирилади, яъни кўчиш жараёнида фойдаланишга ўргатилади;

е) исботлаш, кашф килиш, янгилик очишга мўлжалланган топширикдар ёрдами билан мантикий фикrlаш, ички муносабатларни далиллаш, қонуниятларни англаш сингари ақдий қобилият такомиллаиггирилади;

ё) мустакил фикrlаш, мантикий мулоҳа юритишга оид топширикдарни ечиш (ҳал қилиш) учун хеч қандай маҳсус билимлар талаб қилинмайди, лекин бунда маълум даражада ижодкорлик кўrсатилиб, хаёлотга, тасаввурга мурожаат этиб, мантикий мулоҳаза юрита олиш имконияти тақозо қилинади, уларнинг баъзилари математик хусусиятли, бошқалари эса факат мантикий бошқотирма шаклида бўлиши мумкин. Бу билан ўкувчиларнинг мустакил фикrlаш салоҳиятини ривожлантиришдаги муаммолар маълум бир тизимга солинади.

Шуни таъкидлаш керакки, берилган билимларни ўкувчи томонидан ўзлаштириш жараёнида унинг ҳар бир жиҳатга мустакил фикrlаш билан ёндошишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Чунки улкан билим манбаи ҳам, агар у мустакил фикrlашга асосланмаган бўлса, ўз мавқенини йўқотиб боради. Ўзлаштирилган билимларни жамлаш, барча ҳақиқатларни ўзаро таққослаш ва ҳар қайсисини алоҳида ўзлаштириш орқалигина билимдонликка эришилади. Бу эса бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири хисобланади- Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўзаро таққослаш орқали баён қилинган фикr ўзининг асосланганлик даражаси билан муҳим аҳамият касб этади.

Бир пайтда факат маълум нарса ҳақида ўйлаш мумкин, чунки ниманидир ўкиш, ўрганиш лозим, лекин ўиласиған нарсангизни яхши биласиз. Ўзини ўкиш ва ўрганишга ихтаёрий мажбурлаш мумкин, фикrlашга мажбурлаб бўлмайди- Ўкувчининг қизиқишилари обьектив ва субъектив характерга эга бўлади. Субъектив қизиқиши факат шахсий фаолиятда

ва холатларда мавжуд. Бирок объектив қизиқишига эга бўл ўқувчилар табиатан мустакил фикрлашга мойил бўлади в хатто, бунга заруритни хис этади. Фикрлаш жараёнига тўл конли жалб этиш учун ўқувчилар орасида учрайдиган қу даги муаммолар ечимиши топиш мақсадга мувофиқдир:

1. Фикрлар ранг-баранг ва чексиз бўлиши зарурлигин ўқувчилар онгига сингдириш.

2. Фикрнинг тўғри ёки нотўғрилигини ажратишдан олдин унинг мавжудлиги, мухимлигини англашиб.

3. Ўз фикрини баён этиш кўникмасини шакллантириш.

4. Берилган фикрлар асосида ғояларни ривожлантириш.

5. Карор кабул қилиш малакаларини хосил қилиш.

Мустакил фикрлаш ва ўқишига таъсир кўрсатиш ўртасидаги фарқ жуда катта, шунинг учун ўқувчилар орасида англараш жараёнининг биринчи фарқи фикр кимга йўналтирилганлигига қараб ортиб боради. Ўқиши жараёнида айни чоғдаги кайфият ва йўналишга мое бўлган фикр туғилади. Ўқувчи хар доим муайян нарса, ходиса ва жараёнлар ҳакид ўйлашга эхтиёж сезади.

Мустакил фикрлаш жараёни барча холатларни ягона ти зимга солади. Баъзан ўқувчиларда ўз ёшига нисбатан орттирилган тажриба, эгалланган билим, шаклланган кўникмалар асосида бир бутун, яхлит фикрлаш юзага келиши мумкин. Бу учликнинг ўзаро мувофиқдашмаганлиги барча даврдаги таълим-тарбия жараёнларининг асосий муаммосидир. Қачонки юкоридаги сифатлар ўқувчи шахе ид а шакллантирилиб, мунтазам равишда ривожлантирилиб борилгандагина мавжуд муаммолар ўз ечимиши топади. Зоро, ўқувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш орқали ижтимоий мухитдаги воқеа-ходисаларга нисбатан уларнинг мослашувига эришилади.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнига дойр барча билимлар юзасидан ўқувчилар кўшимча адабиётлар ўқиши орқали кисман бўлса-да маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Бу эса кўплаб маълумотларга аниқлик киритиши мумкин, лекин улар аниқфирларга эга бўлиши зарур. Мазкур фикрлар умумий бўлиб, бунда асосли билимларни эгаллаш эхтиёжи чеклангандир. Иккинчи талқинда эса хар бир мавзуга нисбатан мустакил фикрини бера олган, ижодий ёндошган ўқувчилар хар бир ихтирова, воқеа-ходисада иштирок этган каби мавзуларни тўлақонли англайди ва гап нима ҳакидалигини тушунади, ҳолатни ўзлари билан умумбоғлиқдикда хис этади.

Кўрсатиб ўтилган мулоҳазаларнинг барчаси ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг бир бутун омиллари хисобланади. Бугунги кунда педагогик муаммо сифатида кўрилган хар бир таълим-тарбия жараёни масаласини ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини тўғри ва тўлақонли йўналтириш орқали ечиш мумкин.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш жараёнини ривожлантириш катор йиллардан буён ўрганилиб, таҳдил этиб келинаётган бўлса-да, мазкур тадқиқот натижасида ечилиши кутилаётган педагогик муаммолар қуидагиларни ташкил этади:

1. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятларини ривожлантиришга оид назария ва амалиётнинг боғликлиги.

2. Мустакил фикрлашнинг ўқувчи шахси учун мухимлик даражаси.

3. Ўқувчини мустакил фикрлашга йўналтириш тизими.

4. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларни мустакил фикрлашга йўналтиришга оид кассий маҳоратини шакллантириш.

5. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга оид ишлари сифатини таҳлил этиш.

Юқоридагилардан англаш мумкинки, бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида Карапланда Ҳар бир ўқувчининг оддий фикри хам вақти келиб буюк кашфиётларга асос бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Зеро, ўқув-тарбия жараёнидаги узвийлик, узлуксизли асосланган мазмунни ид рок этиш, англаш ва ўзиники кил қабул қилишда ўқув материалларига хам маълум дарг ўқувчини мустакил ишлашга йўналтиришни сингдири буғунги кун педагогикасининг асосий муаммоларида биридир. Бундай мустакил фикрлаш жараёнини тар\* топтириш, ривожлантириш омилларидан самарал фойдаланиш мухим саналади. Ижтимоий-гуманитар таълг жараёнида ўқувчининг фикр юритиш даражаси қайд этил ҳолатлар билан чуқур таҳдил килинмоғи лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, буғунги давр ўқувчис мустакиллик шарофати билан берилган имкониятларда ўринли фойдаланиши учун у мустакил фикрлай билиши ҳар бир жараёнга мантиқан ёндоша олиш кўникмасига э бўлиши зарур.

Педагогика фанлари доктори Р.Сафарова: «Замонавий ди дактиканинг асосий йўналишларидан бири конструктивизи яъни ихчам, содда таълим мазмуни воситасида ўқувчиг ривожтандириш ҳакидаги карашлар тизимиdir. Бу йунал! Пиаже, Ж.Брунер, Л.С.Виготскийларнинг интеллектни ри вожлантириш ҳакидаги ғоясига таянади», — дея таъкидлай ди (97, 8). Бу жараёнда таълимнинг барча меъёрий хужжатлари ўқувчи шахсига содда, кулагай йўллар билан хизмат килиши лозимлиги кўзда тутилади. Зеро, ўқувчилар ўзлари зарур бўлган маълумотларни ўқув жараёнларида олишга харакат килишлари учун уларда интеллектнинг ривожлани мухим саналади.

Дарҳақиқат, болаларбоп, ихчам, содда таълим мазмунидаги асосий ўринни ўқувчиларда мулокот маданиятини ривожлантириш, шаҳе ва жамият орасидаги ижтимоий-маданий муносабатлар ифодасининг баёни эгаллаши лозим. Чунки мулокот маданияти одамлар қалби, руҳий олами, хотираси, диккати, фикрини ўзгартириш кудратига эга. Таълим-тарбия жараёнида шунга алоҳида эътибор бериш

керакки, айрим ўқувчиларда фалсафий мушоҳада кучли, бошқаларида эса чекланган бўлади. Ўқитишининг турли хил самарали усулларини амалиётта татбиқ этишда ўқитувчи буни ўз диккат марказида тутиши лозим. Бундай даре жараёнида ўқувчилар синфдошларига, ўқитувчисига тинмай саволлар бера бошлайди. Афсуски, аксарият ҳолларда ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг бундай қизиқувчанлигини хар доим хам қўллаб-қувватламайди. Таъбир жоиз бўлса, ўқувчининг бу холатини маҳмадоналилкка йўяди. Баъзилар эса, ўзларининг бундай педагогик ношудликларини ўқувчининг хатти-харакати миллий менталитетимизга хос эмас, дея изоҳдашга интилади. Одатда юкори синфларда ўқийдиган ўқувчилар нимага, нима учун, қандай қилиб деган саволларни беравермайдилар. Чунки бу саволларнинг жавобини топиш мавхумлигидан, камситилишларидан қўрқадилар. Амалиётда, хусусан ўқувчини мустакил фикрлашга йўналтирилган методлардан фойдаланишда қуйидагилар монелик қиласди:

- ўқитувчиларнинг тафаккурни пешлаш методларини ўқув-билув жараёнида қўллашга тайёр эмасликлари;
- ўқув-методик мажмуаларда тафаккурни пешлашга йўғрилган элементлар система шаклида эмаслиги;
- ўқувчиларда баҳс-мунозара ва мулокот кўникмаларини шакллантиришга етарлича эътибор берилмаслиги.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнини назарий асослаш ҳамда амалий жихатдан таъминлаш буғунги куннинг устувор муаммоларидан биридир. Назарий таҳдиллар, амалий кузатишлар давомида педагогик ғояларнинг у ёки бу жихатини эътибор-Дан четда қолдириб бўлмайди. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнига комплекс жихатдан ёндашган Ҳолда унинг назарий жихатларини таҳдил килиш лозим. Чунки бундай таҳдил ва кузатишлар айни ҳакиқат бўлиб, назарий холосалар амалиётни кузатиш асосида хосил килинади.

Бугунги кунга қадар таълимнинг барча босқичлари, ладан, умумий ўрта таълимда қуидагилар назардан четл қолмокда:

а) истикболга йўналтирилган таълим мазмунида ўқувч! ларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантирр каратилган ўқув материалларини сингдириш;

б) ўқув-билув жараённида муайян ўқувчилар тур} аник-тиник фикрлаши билан намуна, таянч бўладиган; чиларни шакллантириш.

Таълимнинг турли кирраларига турлича ёндашувлар ора сида ўқувчиларни мустакил фикрлашга йуналтиришнр мавжуд эмаслиги кузатишлар ва тахдиллар жараённида аё бўлди. Бунинг натижасида таълим жараённинг ривожлағ ши учун зарур бўлган мувозанат бузилиши рўй бермо\* Ўқитишнинг жамоавий шаклидан хусусийликка, кат лик, якка ҳокимликдан мустакилликка ҳамда ўқув-б\* жараённинг режали бошқарув тизимиға ўтилишига эҳтиё| сезилмоқда. Мустакил фикрлаш асосида ўқувчиларда кураг чанлик, эзгуликка интилиш, демократик нуктаи наза{ муваффакиятларга интилиш каби шахсий сифатлар кўпрс шакллантирилиши лозим. Бу эҳтиёж, биринчи навбатл мустакиллик омили туфайли рўй бераётган бўлса, бош» жихатдан, ташқи дунё билан кенгроқ алоқа ўрнатилж натижасида вужудга келмоқда.

Хулоса килиб айтганда, таълим-тарбия жараённида муста! кил фикрлаш салохиятига эга бўлган ўқувчиларни камо| тоггтириш бугунги кундаги асосий вазифадир. Ўқувчил{ нинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш ҳа| бир дарс жараённинг, ҳар бир машғулотнинг асосий аммоси бўлиб қолмоғи лозимки, у оркали таълим сифат\* ошириш, мазмунини бойитишнинг мезони яратилади. билан мавжуд педагогик муаммолар силсиласида ечим! топиши лозим бўлган жуда қўплаб саволларнинг жавоби' пил ад и. Натижада, қайд этилган мавжуд педагогик муаммс

ларнинг тан олиниши билан бир қаторда, ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш жараёнларини ташкил этиш учун тизимли ишлар амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривож-лантириш педагогик муаммо сифатида қўйилар экан, қуидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривож-лантириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитлар туда аниқданмаган ва илмий жихатдан асосланмаган.

2. Ўқитувчиларда мазкур йўналишдаги фаолиятини ташкил этиши учун илмий асосланган хулосаларга таянадиган ёндошув мавжуд эмас.^

3. Таълим-тарбия жараённига татбиқ этилаётган ўқув материалларининг ўқувчилар мустакил фикрлаш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиш имкониятлари очиб берилмаган.

4. Мустакил фикрлашнинг психологик жихатдан асосланган тамойилларини амалиётга татбиқ этиш йўналишлари кўрсатилмаган.

5. Ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билим, кўнишка ва малакаларнинг мустакил фикрлашга хизмат Килиши педагогик жихатдан асосланмаган.

Кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари ўзининг илмий жихатдан асосланиши, амалиётдаги ҳар бир жараённинг таснифланиши йўналтирувчи мезон сифатида хизмат килади. Шунингдек, таълим, хусусан, ижтимоий-гуманитар таълим жараённида ўқувчилар мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш билан боғлик қўплаб муаммоларнинг тизимли равишда ечилишини тадқиқ қилиш лозим.

Инсон пайдо бўлибдики, ўз фикрига асосланиб, турли иншоот ва обидалар ҳамда афсона, ривоятлар яратиб келади. Зардуштийлар муқаддас китоби «Авесто»ни тадқиқ этган ^О.Маковельскийнинг таъкидлашича, «Авесто»да инсон

фикри, сўзлари ва ишларига икки қарама-карши куч «Во Мана» («Эзгу фикр») ва «Ако Мана» («Ёвуз фикр») таъс кўрсатади дейилган. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ич аслида эзгулик ва ёвузлик ётади. «Эзгу фикр» деганда ило қонун руҳидаги якин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтояларга кўмаклашиш, ёвузликка қариги курашишга доимо ёр туриш, кишиларнинг баҳт-саодати учун ҳаракат кил ахиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш руҳида ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган (63, 18).

Зардуштийликдан кейин миллионлар қалбини қамра олиб, улар эътиқодига айланган ислом динида ҳам кишиларнинг мустакил, эркин фикрлашига алоҳида урғу бер келинган. Башариятнинг илохий китоби Куръони каримд илмни ишончли далиллар билан асослаш, таклид килишг йўл қўймаслик масалалари талқин этилади. Унда ҳар би фикрни кўр-кўrona, моҳиятига етмасдан асослаш қорала нади. Барча нарсаларни ҳар томонлама ўрганиб чикиб, тўғри сини ажратা билишга даъват этилади: «Менинг бандаларим га — сўзга кулок тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотг элтувчи рост сўзга) эргашадиган зотларга хушхабар беринг Ана ўшалар Аллоҳ ҳдцоят килган зотлардир. Ва ана ўша ларгина акд эгаларидир» («Зумар» сураси, 18-оят). Ҳар би фикрни уйлаб, тушуниб, кейин унга риоя этганлар Аллоҳидоят этган кишилар, ҳакиқий акд эгалари сифатида таърифланган. Албатта, илм тафаккур оркали амалга ошади. Тафаккур эса шахсий фикрлаш маҳсулидир.

Бу борада Шарқ алломаларининг фаолиятига бир назар ташласак, Баҳовуддин Нақшбанд тариқати сўфийлик (тасаввуф) таълимотининг алоҳида ажралмас оқимларидан бири бўлиб, унда инсоннинг комилликка эришуви — ҳам рухан, ҳам жисмонан покланиши лозимлиги ғояси илгари сурилайди. Зоро, поклик заминида туғилган фикрлар ўзида эзгуликни намоён этади. Руҳий кечинмалар, ўй ва фикрларнинг

тўғрилиги инсон ҳатти-ҳаракатларининг жамиятда қабул килинган ахлоқий ва ҳукукий меъёрлар доирасида ташкил этилишини таъминлайди. Нақшбандия тариқатининг яна бир муҳим ижтимоий аҳамияти — унда ҳалол меҳнат билан кун кечириш ғоясининг тарғиб қилинганигидир. «Дилинг Аллоҳца, қўлинг меҳнатда бўлсин» («Дил ба ёру, даст ба кор») шиори кишиларни ҳалол меҳнат билан кун кечириш асосида оиласи фаровонлик, жамият таракқиётини таъминлашга ундан келган.

Айнан мана шу даъват Узбекистан Республикасида бозор ихтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир шароитда жамият аъзолари учун ҳам ҳаётий дастур бўлиб хизмат қилади. Кишининг ҳалол меҳнат билан кун кечириши ижтимоий аҳамият касб этиши баробарида шаҳе ва унинг индивидуал хусусиятларини ҳам ифода этади. Яъни ҳалол меҳнат, хусусан, жисмоний фаолият ёш авлодни маънан ҳамда жисмонан камолга этишига пойdevor яратади. Ёш авлоднинг тасаввури, идроки, тафаккури, шунингдек, дунёқарашини бойитади, иродасини чиниктиради ва характеристини мустахкамлайди. Инсонда мустакил фикр эгаси бўлишдек сифатни шакллантиради, муайян фаолиятга нисбатан ижодий ёндошувни қарор топтиради. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда мустакил фикрловчи ижодкор, баркамол ёш авлодни тарбиялашда ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Бу гоялар Нақшбандия таълимотининг йўналишларидан саналиб, Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятларини ривожлантириш айнан унинг руҳий кечинмалари билан боғлик эканлигини ифодалайди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XW—XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фатсафа фанлари бўйича йи-Рик олимлар этишиб чиқди. Бу фанларнинг ривожи, асосан, икки йирик мутафаккир Саадидин бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқ. Журжоний ва Тафтазонийлардан ташқари, Самарқандда Мавлоно

Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунш Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Ахмад, Мавлоно Ниғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Ҳова бошқа олимлар яшаб ижод эттандар. Ўз даврининг ижтимоий ва ахлоқий фикрлари бадиий адабиёт, тасавв шеърияти, ғазал ва рубоийларда муфассал баён килина бо лади (61,18). Уларда инсоннинг онгли равишдаги фао учун фикрлашнинг муҳимлиги талкин этилади.

XVI–XVIII асрларда ижтимоий-фалсафий фикр, фослиқ соҳасида ҳам янгиликлар вужудга келди, ўз давр нинг етук мутафаккирлари етишиб чиқди. Ўз юрти Эрон ташлаб кетишга мажбур бўлган ва Бухорода хоннинг эъборини қозонган Мирзажон Шерозийнинг асосий илми маърифий фаолияти Мовароуннахрда ўтди. У турли мадрсаларда фалсафа, мантиқ, фикхимларидан маърузалар ўқ билан бирга Ибн Сино, Фахриддин Розий, Насриддин Тсий, Мир Сайид Журжоний, Давоний каби улуғ алломарнинг турли рисолатарига шарҳ ва ҳошиялар езди. Мир жон Жалолиддин Давонийнинг бевосита шогирди буди ўзининг асосий илмий қизиқишиларини фалсафий муаммаларни ҳал этишга қаратди. Унинг ҳошиялари билан бир «Фи таърифил илм» («Илмлар таърифи»), «Антузаджул фунун» («Санъатлар намуналари»), «Фи аксил мустафа» («эттириш ҳакида») каби қатор рисолалари бизгача ҳам екелган.

Эзгуликка интилиш инсон фаолияти ва ҳаётий куч бўлган жон мохиятини ташкил этади, дея таъкидлайди Аб Али ибн Сино. Жон фоний оламдан бокий оламга ўтар эка ўзининг асл маконига қайтади ва унда комилликка эришган жон башарий акл, рух ва жонга қўшилади. Бунда эс фикрлаш мезон вазифасини ўтайди. Уларнинг қўшилиш натижасида эса, инсон жони нурга айланади ва малак дараҷасига кўтарилади. Шундай қилиб, Ибн Сино фаол ақлни юқори босқичдаги жоннинг фаолияти деб хисоблайди. Иб

Синонинг бу қарашлари Шарқ фалсафасига хос бўлган қарашлардир. Масалан, хиндларда ҳам акд бир неча шаклларга бўлинади. Энг пастки шакли «тамас». Бу, хайвоний онгdir. Иккинчи босқичи — «манас». Бу, тана эҳтиёжларини бошқарадиган акдdir. Энг олий шаклдагиси эса «раджас». Бу жоннинг фаол, олий фаолиятидир. Унинг самарадорлиги мустакил фикрлаш билан белгиланади. Ибн Сино таълимотидаги фаол акд — айнан раджас акд га тўғри келади. Ҳинд фалсафасида «раджас» донишмандлик деб ҳам хисобланади ва у қалбдаги уч япроқди нилуфар гулининг донолик япроғини ташкил этади. Қолган иккита япроғи эса, бу илоҳий мухабbat ва иродадир. Ҳинд фалсафасида ҳақиқатни билиш — бу қалб овозини эшишишдир. Қалб эса руҳий юракдир ва жон комилликка эришгач, энг юқори босқичда руҳий юрак билан бирлашади. Демак, Ибн Сино таълимоти бўйича ҳам ҳақиқатни билиш қалб овозини эшишишдир. Лекин бунинг учун инсон руҳий хотиржамликка эришиши ва фикрлар оқимини бошқара олиши керак. Акс ҳолда инсон қалб овозини эшита олмайди, бу овозни бошқа акд оқимидағи фикрлар овози адаштиради ва хато фикрларга олиб келади.

Мирзажоннинг шогирди бўлмиш асли озарбайжонлик Юсуф Қорабоғий ҳам XVII асрда Мовароуннахрнинг энг ийрик файласуф ва мантиқшунос олимларидан бўлиб танилди. Бухоро хони Имонқулихон эътиборида бўдди. У Самарканд, Бухоро мадрасаларида мударрислик килди, фалсафа, араб грамматикаси, фикх, мантиқ соҳасида кагор асарлар ёзиб қолдирди. Қорабоғий фалсафа, араб тили бўйича шогирддар етишириб берди (61,25). Ва уз асарларида фикрнинг мохиятига алоҳида эътибор қаратди.

Барча даврларда иктидорли шахслар: шоирлар, олимлар, мутафаккирлар инсон учун мустакил фикрлаш уни комилликка элтувчи омил эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Шунинг учун ҳам ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳия-

тини таркиб топтириш масаласи барча даврларда долз бўлиб келган.

Фикрларнинг характерли белгиси мулоҳазалар ва ху ларнинг мустакиллигидир. У ўқувчиларнинг ижоди, му кил фикрлашлари натижаси сифатида улар томонидан б этилган барча материалларда намоён бўлиши керак.

Аждодларимиз қадимдан ҳар бир шахснинг муста: фикрлашига алоҳида эътибор қаратганиклари тарихий т рибалар тахлилидан яққол намоён бўлмоқда. Эндиликда ] сон қанчалик эрта, кичикилигидан эркин, мустакил фи лашга ўргатилса, шунчалик кўп самара бериши аён. Шу бо мактабларда, ҳатгоқи мактабгача таълим муассасаларида х бу масалага эътибор қаратилмоқда.

Мутафаккирларнинг шахе фикрлаш салоҳиятини риво лантиришга бўлган ёндошувлари бугунги баркамол инсо ни тарбиялаш йўлида муҳим омил хисобланади. Шу жиҳа дан қараганда, узбек маърифий тафаккури намояндадари дан бири Шайх Хованди Тахурнинг маънавий мероси и", ратли. Зоро, алломаларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятиг ривожлантириш йўналишидаги ғояларини ўқувчи-ёшл онигига етказиш, уларнинг бой маърифий меросларига за монавий нуктаи назардан ёндошиш муҳимдир.

Шайх Хованди Тахур покиза имон ва эътиқод учун ку рапшган, халқ хурмати ва эҳтиромига сазовор бўлган, ё авлодни илмли, мустакил фикрли бўлишга даъват этган ватан муҳаббати ва садоқатини кўнглига жо килган бую инсон эди. Отаси Шайх Умар Бофистоний ўз даврининг ийрик олими бўлган. Унинг маънавий мероси ёшларнинг мус' тақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган;:

Психологияга оид тадқиқотлардан маълумки, шахе ўспи<sup>^</sup> ринлик, ўсмирлик даврида мустакил фикрини баён килиш га шошилади, унинг тўғри ёки нотўғрилигидан кўра, айти лиши, баён килиниши муҳим деб хисоблайди. Бирок ўз дав-; рида буюк мутафаккирларимиз томонидан жамият, инсон лар ўртасида ва оиласа ўзгалар фикрини хурмат билан қабул

қилган ҳолда ўзининг мустакил фикрини баён килиш ёки бўлмаса, сухбатдошининг фикрини ривожлантириш муҳим маънавий сифат хисобланган.

Шахснинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш борасида буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий катта маънавий педагогик мерос кодирган. Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис», «Вақфия», «Лайли ва Мажнун», «Сабъай саёт», «Хайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавойид ул-кибар», «Хамсат ул-мутахайирин», «Мезон ул-авзон» ва бошқа асарларида ҳам инсоннинг фикрлаш қобилиятига кўп бора мурожаат этиб, унинг муҳимлигини аник мисоллар ёрдамида очиб беради. Жумладан, у «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида: «Чун «Лисон ут-тайр» алҳони била тараннум тузупмен, қуши тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен», дея қушлар мисолида инсонлар киёфасини, фикрлаш даражаларини талкин этганини таъкидлайди.

*Айлабон идрок тўқсан минг қалом,*

*Лек асносида юз минг эҳтиром*

дея, инсон идрок қилиб сўзлаганида, унинг атрофдагилари унинг фикрларини бажонидил эшитишларини изоҳдаб келтиради.

*Турфа қаломингға доғи комил ул,*

*Сирри ниҳонингға доғи ҳомил ул*

Дея эса инсоннинг бошқалар тўғрисидаги билдирган фикри улар учун доимо муҳим бўлишлигини таъкидлайди.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида ф ж р ҳакида тўхтаби, шундай ёзади:

*Манга чун фикрати хуршед соя,*

*Бу олий торам узра берди поя.*

Бу сўзларда ҳар қандай фикрнинг бир кун келиб, самарали натижа бермоғи муқаррарлиги талқин этилган. Навоий мустакил фикрлаш салоҳиятининг дунё бойликлари олдида ги мавқеини ифодалайди. Зоро, уз фикри, ўз қарashi билан <sup>\*\*</sup>АЦ этган алломаларнинг умри бокийлигини талкин этади.

Дунё деган бу қадим тилсимотнинг туганмас сиру с атларидан воқиғ бўлмоқнинг бемисл ва бетакрор имко ти сифатида одам боласига тафаккурдек буюк бир неъ ато этилганлигини таъкидлайди. Зотан, улуғ аллома а:<sup>\*</sup> ҳакиқатни гўзал бир шаклда мана бундай ифода этганла

*Ки ҳар пени билмии одамизод,  
Тафаккур бирла қилмиш одамизод.*

Яна бир эски ҳақиқат шуки, инсоннинг ўзи ҳам ана кўхна дунёнинг азалий ва абадий, нодир ва беназир ун ридир. Ана шу ҳазрати Инсон, неча минг йиллардирки, факкур қудрати билан дунёни ҳам, ўзини ҳам англаб ке ди, дунёни ҳам, ўзини ҳам камолга элтиш умиди бил яшашдан чарчамайди. Тафаккурнинг тадрижий такомюп мутлақо мувофиқтарзда дунё ҳам, одам ҳам тараққиёт п лапояларидан юқорилаб бораверади.

Ҳар бир тарихий даврнинг дунёқараси ўзига хос бў мавжуд тарихий даврда у ёки бу таълимотнинг нима ҳукмрон бўлганлигини билиш учун олдинги давр дунё рашининг тарихини ўрганмок зарур. Демак, жамиятда гича тафаккур юритмок учун албатта ўтмишни билиш да кор, чунки янгича тафаккур аждодлар маънавий меросид' озикданиш ва уни мукаммаллаштириш асосида вужудга к лади.

Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклар орзу-умидлари, хислатлари қадимги эпосларда, улардаги & сонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган. Рухга сиғиниш — онимизм, аждодлар руҳига сиғиниш — тотемизм сехгарлик каби диний эътиқод ва маросимлар акс этга" афсоналар, ривоятларда энг қадимги аждодларимизнинг тафаккур тарзи акс этган.

Фарб цивилизациясида янги ғоя ва фикрларни ғайри оддий тарзда «гений» лар ёки «илхом парилари» келтиради деган фикр бўлган. Масалан, қадимда илхом парией Терпси

хора шоирларга келади, олимларга Ураниянинг қўққисдан фикрга келиши билимни беради. Сукротнинг у билан фалсафий сұхбатларини яққол намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Маълумки, Ньютоннинг бошига олма тушиши физика фанида янги бир ихтиро, яъни бутун олам тортишиш конунинг юзага келишига асос бўлган.

Шу ўринда бир кадимий воқеани эслаш ўринли. Океанда кетаётган кеманинг олдига жуда катта тўфон келаётганлиги қайд этилади. Шунда кема командири бутун командасини тўплаб: «Нима қилсан, кемани тўфондан сакдаш мумкин?» — деган савол билан мурожаат килади. Шунда ҳамма ўз фикрини айтади. Бир ёш матросга сўз навбати келади, у ҳамма бараварига елканга қараб пуфлаши керак дейди. Бутун команда ёш матроснинг устидан кулади. Кейинчалик бошқа имконият йўқдиги сабабли команда бир қатор бўлиб пуфлаши оқибатида тўфондан омон-эсон кутулишади. Шундан сўнг кемалардаги ҳаво пуфлагичлар ихтиро килинган экан. Бунда кичик бир воқеа орқали фикрнинг буюк бир ғояга, ихтирога айланганлигини кўриш мумкин.

Аристотель илк бор бутунлай бошқача нуктаи назарни тавсия килди. У мустакил фикрлаш ва унинг қонунларини биринчи ўринга чиқариб, бу билан бутун Ғарбдаги фикрлаш анъаналарини бошлаб берди. Силлогизмни Аристотелча мантиқ ва тартиб билан ташкил этиш ўтган икки минг йилликда фикрлаш қонуниятлари ва янги ғоялар туғилишига асос бўлиб келмоқда. Бирор интеллектуал мухит доимо ўзгарибборади.

Уқувчиларни мустакил фикрлашга йўналтириш масаласида, хусусан собиқ Иттифоқ даврида худди шу ҳолатга, яъни ижодкорнинг ижодий фикрлаш тарзи билан унинг хатти-харакати орасидаги номутаносиблик тўғри баҳоланмади, бундай номутаносибликтнинг ривожланиб кетиши таълим мусассасаларининг фаолияти билан боғлиқэканлиги ҳеч кимга ғир эмас. Даставвал, ота-оналар, сўнгра эса ўқитувчилар-

нинг бир қолипдаги кўрсатмалари болаларнинг эркин, такил фикр юритишларига халал берарди. Тайёр билимла ўқувчига етказишга ва уни ўзлаштиришга мўлжаллан дорматив (котиб қолган) таълим услуби факат битта жавга, битта ечимнинг тўғрилигига асосланди. Масалан, «У кунлар»даги Отабек, Кумуш ва Зайнаб кисматларига ба ўқувчилар бир хил жавоб бериши лозим эди. Бунда Кум; ижобий, Зайнаб салбий қаҳрамон сифатида талкин этила ди. Қолган ечимлар, бошқа жавоблар нотўғри, деб хисоб нарди. Худди шу аснода ўқувчиларда одам ва одам тўғрис бир колицдаги тасавурлар хосил килинди. Бундай бирё малик муқобил фикрлашга шарт-шароит яратмади. На да шўро таълим тизимида тахсил олган ўқувчи дарсликлда, ўқув қўлланмаларида баён қилинган маълумотлард бўлак хабарлардан бебахра қолди. Ўзгача фикр юритг ўқувчи ёки талаба, ўқитувчи ёки домла турли сиёсий бўёлар ёрдамида кораланди. Уларга сиёсий ёрликдар осш Юқоридан берилган дарслик ва қўлланмаларда битилг кўргазмалар, тавсиялар асосида фикр юриттан минглаб ёшл «ёмон» ёки «яхши», ижобий ёки салбий деб фикрлашга одатланиб кодишиди. Бундай фикрлаш тарзига асосланиб фаолят юриттан ўқувчи, шубҳасиз, калондимоғлик қилди, бош! қаларнинг фикрини эшитмади ва буни хоҳдамади хам.

Қайд этиш керакки, ушбу даврдаги таълим-тарбия жара ёнида ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга нисбатан тўсиклар кўйилди. Бу тўсиклар натижасида маълум бир даврда таълим-тарбия жараёнидаги қол оқибатида минглаб иқтидорли ёшларнинг салохиятларй сўниб кетди. Даре жараёнларида асосий эътибор ўқув дастурларida берилган материалларни ўзлаштиришга қаратилиб, ўқувчиларнинг мустакил фикрлашлари учун асос бўладиган йўналтирувчи кўшимча материаллар билан ишлайт ўйлга кўйилмади. Окибатда ўқувчи мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга бўлган бу каби тарихий ёндо-

шув йиллар мобайнида Ўзбекистонда дунё тараққиётiga ўз хиссасини кўшиши мумкин бўлган минглаб истеъодод, қобилият, иқтидор эгаларининг сўнишига олиб келди.

Шунингдек, ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга бўлган тарихий ёндошувларни ўрганиш жараёнида уларни муайян турларга ажратиш мумкин:

Биринчидан, ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга ижобий таъсир этувчи ёндошувлар. Бунда жамиятда яратилган шарт-шароитлар тўлақонлигича шахс манфаатлари учун хизмат қилади. Олиб борилган ишларнинг натижаси ўлароқ ўқувчидаги пайдо бўлган ўзлигини англаш, ўз фикрини изоҳдаш, исботлаш, ҳар бир жараён юзасидан фикр билдира олиш, таҳлил этиш кўникмалари шакллантирилиб, маълум даражада малакаларга айлантирила бошлайди.

Иккинчидан, ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатадиган ёндошувлар. Бу каби ёндошувлар жараёнида ўқувчиларда локайдлик, бепарволик, эътиборсизлик иллатлари вужудга келиб, чукур илдиз ота бошлайди.

Ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга бўлган ёндошувнинг ижобий ва салбий моҳиятига Ҳамоҳанг равишда муайян даврда илм-фан тараққий этган бўлса, бошқа холда эса турғунлик хукмрон бўлган. Адабиёт, санъат соҳасида буюк алломалар шаклланиб, улар томонидан яратилган асарлар давлат, жамият тараққиётини музҲим аҳамият касб этган. Бу эса шахснинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга бўлган тарихий ёндошув нафакат ўз даврига, балки йиллар оша келажак асрларга, бўлғуси авлодларга хизмат қиладиган ихтиrolар, санъат ДУРДоналарининг яратилишига имконият беради. Кейинги авлодларнинг фикрлаш салохияти эса ўз-ўзидан бу бой манбалар орқали шаклланиб, ривожланиб боради.

Қайд этиш керакки, шахснинг мустакил фикрлаш сало-

хиятини ривожлантириш — мамлакат нуфузининг ошип тараққиёт сари юз тутиши, халқаро номутаносиблигни олдини олишга хизмат қилади. Йиллар мобайнида жаҳо нинг ривожланган мамлакатларида ўқувчилар мустақ фикрлаш салоҳиятими ривожлантириш юзасидан бой та риба тўпланди. Улар мазмун-моҳият, шакл, тизим, мақсэ ва вазифалари, имкониятлари, шарт-шароити негизида ҳа бир мамлакатда ўзига хос талқин этилса-да, умумий ҳолат да бир-бири билан муштарак хисобланади. Чунки ҳар қан дай ҳолатда ҳам ўқувчининг мустакил фикрлаш салоҳияти ни ривожлантириш масаласи мазкур йуналишдаги ишлар нинг марказида туради.

Жумладан, «Танқидий фикрлашни ривожлантириш уч ўқиш ва ёзиш» дастурининг фаол кўнгилларидан бир "Донна Оғл 1992 йилда шундай деб ёзган эди: «Бизнинг та лим тизимимизнинг вазифаларидан бири — жамоатчи учун энг муҳим масалаларни ечишда онгли хиссасини кўш оладиган танқидий фикрловчи ва махаллий, давлат ва халқаро даражадаги турли муаммоларни ечишга ёрдам берувчий фукароларни тарбиялашдир». Демак, мактабнинг ушбу мак-? садини амалга ошириш учун биз шундай бир муҳит ярати<sup>^</sup> шимиз керакки, токи у фикрлаш жараёнига ёрдам бериб, онгли баҳсларни, нуқгаи назарларни, ғоялар алмашинувий ва фалсафий тушунналарни рағбатлантирсин. Бошқача айт-ганда, мактаблар тафаккурни ўстириш, фикрлаш ва билиш, марказлари бўлиши керак, бу ерда аҳборот (ўқитишининг мазмуний кисми) унинг охирги натижаси эмас, балки фикрлашнинг тезлатгичи бўлсин. Қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инсон тафаккури имкониятлари чексиз хисобланиб,, мустакил фикрлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигига, аввало, мактаб таълими орқали эришиш мумкинли гига урғу берилади. Шу маънода айтиш мумкинки, ўқувчи *ma*<sup>^</sup> факкурини ривожлантириш орқали мамлакат тараққиётига асос солиш мумкин.

Башарият тажрибасидан яна шу нарса ҳам маълумки, ўқувчилар қатъият ва ишонч билан айтилган ҳар бир нарсанни ҳақиқат ва тўғри деб қабул килишади. Боланинг ўн ёшигача унинг шахсияти асослари шаклланади, шунинг учун ҳам ота-она болага айнан шудавр ичидан унинг келгуси ҳаёти учун аҳамиятга эга бўлган ва таъсир кўрсата оладиган та-мойилларга амал қилишни ўргатишлари лозимлиги жаҳоннинг илфор мамлакатларида устувор гоя сифатида илгари суриласди.

Ўқувчини ҳаёт синов ва кийинчиликларига кўркмай, да-диллик ва ўз кучига ишонган ҳолда қарашга ўргатиш керак. Ўқувчининг вактинчалик омадсизлиги унинг ўзига ва келажакка бўлган ишончини йўқотмаслиги зарур. Ўқувчини ҳар бир яхши ёки ёмон вазиятдан ўзи учун фойдали ва қулаг томонларни топишга, ҳар қандай вазиятдан чиқа билиш кўнижмасини шакллантиришга эътиборни қаратиш зарур. Уни турли ҳолатларга тушганда эсанкирамай, бор имкониятдардан фойдаланиш, ижобий тарафдан ўзига йўналиш бера олишга ўргатиш муҳим хисобланади.

Тушкун одам ҳар бир қулаг вазиятда қийинчилик ва муаммони кўради, жўшкин инсон эса ҳар бир қийин вазиятда ижобий имкониятни кўра олади. Бу талқинда жуда катта мазмун-моҳият мавжуд. Дарҳақиқат, ҳар қандай вазиятда Ўзини йўқотиб кўймаслик, муаммоларнинг ечимини топиш, энг оғир ҳолатларда ҳам тўғри йўналишни белгилай олиш жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида алоҳида эътибор Қаратиладиган масаладир. Бундай қарашлар уларнинг деярли барча ўқув материалларида ўз аксини топган.

Таълим жараёнида ўқувчилар дунёқарашининг бойиши Учун муҳим бўлган фундаментал билимлар тақцим этилади. Мазкур билимлар ёрдамида ўқувчилар шахсияти ва хатти-Харакати таркиб топади, аникданади ва уларнинг маънавий борлифи белгиланади. Бундай тушунчалар ҳаётга ўзига хос Қараш призмасини яратади ва ҳар бир инсон ўзи яратган

призмаси орқали ҳаётта, атрофидаги ҳодиса ва нарсалар карайди. Шунинг учун хам ўкувчиларга ижобий тушунч<sup>\*</sup> ларни сингдириш лозимки, болага ҳаётдаги ҳар бир ечг йўқ бўлиб кўринаётган муаммолар унинг ички кечинмал<sup>^</sup> ри орқали соғлигига салбий таъсир кўрсатмасин. Болалар катталар сингари муаммо йўқдигига, факатгина имкога борлигига тўлақонли ишонгандагина катта ютуқларга эр ша оладилар. Болаларнинг ўzlари учратган ҳар бир муам ва масаланинг ечими борлигини англаши улар рухияти кўтаради ва янги чўққиларни забт этишига туртки бўл Ундан ташқари, агар ўкувчи масалага ижодий ёндашса, мазкур муаммонинг бир қанча муқобил ечимлари борлип га ишонади ва турли фикрлаш операцияларини бажара ола ди. Шу боис ўкувчиларга масала ечимини топишда муқоб фикрлашни ўргатишимиш лозим. Ўз болаларимиз кучи, м; хорати, ташаббускорлиги ва ақлига ишониб, уларга масал ечимларини мустакил равишда топиш имкониятини берса ўзимиз томонимиздан энг қимматли нарсани берган бўла миз. Бу foялар жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари то монидан доимо илгари сурилиб келинган.

Ривожланган мамлакатларда ўкувчиларда ўз-ўзига ишонч ни шакллантиришга алохиди эътибор қаратилиб, уларнш омадли эканликлари таъкидлаб борилади. Зеро, ўкувчиг мустакил фикрлаши учун унинг рухияти бунга монанд бўлиши лозимлиги таъкидланади. Бунда «омад» деган тушунча алохиди эътибор қаратилади.

Хусусан, омадли ва омадсиз инсонлар орасидаги фар уларнинг масала ва муаммоларни ечиш усули ва, умуман ушбу муаммоларга нисбатан муносабатида эканлиги ҳакид" Джон Максвелл «Лиха беда — начало» китобида: «Омадсизликни келажакдаги омадлар учун зинапоя бўладиган вактинчалик ҳодиса деб кабул килиш лозим», деб ёзади. Омадсизликни бартараф этиш жаравёнида ўкувчиларга доимо уларнинг ютуқдари ва кучли томонлари ҳақида эслатиб туриш

хамда шунга ухшаш муваффакиятсизликлар кўпгина машхур олимларга ўzlари яратган кашфиётларига эришишга ёрдам берганлигини айтиб, рухлантириб туриши лозим. Масалан, Томас Эдисон лампочкани кашф этишидан олдин ўн мингдан ортиқ муваффакиятсиз вариантларни кўриб чиқкан. Лекин у ҳеч қачон ўзини омадсиз ва кучсиз деб хисобламаган. Қайтанга Эдисон уни тинчлантирумокчи ва кўнглини кўгармокчи бўлиб турган ўртоғига: «Мен омадсиз инсон эмасман, мен ушбу муваффакиятсиз вариантларим билан яхши ишлаб чиқмаган яна ўн мингта усулни ўзимга кашф этдим, голос», — деган. Бу каби кашфиётлар орқали эса жаҳон мамлакатларида кўплаб ихтиrolар, улар билан эса таракқиёт вужудга келиб, давлатлар ривожланга борган. Шу боис бўлса керак, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ўкувчиларига бу мактаб давридан бошлаб англатилади.

Ота-оналар уз болаларининг муваффакиятларини мактаб, уларни рағбатлантира олади, лекин болаларнинг муваффакиятсиз бўлган ишларини хам мактаб, рағбатлантириб туриш лозим. Чунки бу холат муваффакиятсизликлар ечими ни топишга бўлган интилишни вужудга келтиради. Ўкувчининг ҳар бир жараёнга нисбатан ўз мустакил фикрини билдириши билан ундаги ривожланиш жараёни такомиллаша-Ди. Ўкувчи ўз хатосини тушуниб, уни бартараф этишига хараткат киласи. Бунинг натижасида ўкувчи мустакил фикрга эга бўлади. Муаммо ечимини топишга нисбатан бўлган ҳаракат УКувчининг мухим ютуқдаридан биридир. Чунки мактаб давридаёқ муаммоларни ечишига ўрганган ўкувчи эртанги кун муаммоларини хам кийналмай ҳал эта олади. Мактабда мустакил фикрини билдира олган ўкувчи ҳар қандай вазиятда ўз мустакил фикри орқали эртанги муаммолар ечимиға кириша олади. Бу ечимини топишда вакғинчалик содир бўладиган ҳеч қандай муваффакиятсизликлар ўкувчини ижодкорликдан тўхтатиб қололмайди, чунки ҳар бир инсоннинг ИЖодкорлик фаолияти, асосан, муаммолар ечимини кидиргандагина юзага чикади.

Хар бир муваффакиятсиз вазиятда ўзи учун фойдяхши жихатини топа билиш ўқувчи учун одатга айлан лозим. Ўқувчининг ўз кучи ва маҳоратига бўлган ишо унинг хар бир муаммо ечимини топа олишига замин бўхизмат қиласди. Ота-оналар болага шундай ишончнинг пдо бўлишига ўз вактида ёрдам бериши керакки, бу мойилга жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ақилинади.

Шунингдек, салбий фикрлаш жараёни хам турли вазларда юзага келиши мумкин. Ҳатто ижодий фикрлаш масига эга бўлган ўқувчи хам бирор-бир харакатни ам оширишидан олдин ёки кейин хавотирга тушиб коли мумкин. Энди, доимо хавотирда юрадиган, ўзидан кўн тўлмайдиган, хар бир вазиятдан ўзига ижобий холатла" топа олмайдиган ўқувчининг қийин вазиятга тушиб қандан ўзини қандай хис этиши, унинг ички кечинмала ни тасаввур қилиб кўриш қийин эмас. Бундай шаро-ўқувчи ўз фикрини эркин айта олмайди, ўз карорини алашга интилмайди.

Хавотир — инсон келажакда содир бўлиши мумкин бўсалбий вазият ёки холатни, унинг нохуш ва оғир асоратрини тасаввур қилганида пайдо бўлади. Ваҳоланки, вазият ёки холат умуман бўлмаслиги хам мумкин. Ўқув ўз-ўзига «ҳаммаси яхши бўлади, вазият мен ўйлагандай ё. эмас» деган фикрни сингдириб ва унга ишонгунинга хавотирда юриш холати давом этаверади. Бу эса ўқувчи такил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш юзасидан алиётга жорий этилган йўналишлар таҳлилида яққрл нам бўлади.

Ўқувчиларнинг бундай салбий фикрга эга бўлиш кўпинча қачонлардир дуч келган муваффакиятсизлик ё салбий холатлари асос бўлади. Бундай холатни бартараф: да ота-онанинг ўрни мухимдир. Чунки бола тасаввурнида она энг яқин, меҳрибон, доимо ҳакиқатни гапирадиган,

йўлидан адашмайдиган, идеал образга эга бўлади. Агарда ота-она фарзандига доимо «Сен отангга (онангга) ўҳшагансан, сен менга фактгина ташвиши олиб келасан, сендан яхшилик кутмаслик керак», деган мазмундаги гаплар билан мурожаат қиласа, бола шу нарсага ишониб қолади ва у ўзи ҳакида тушкун фикрга эга бўлади ва шундай рухият унга сингади. Салбий тасаввур инсон ҳаёти учун зарур бўлган қувват заҳираларини кун сайин емиради.

Кўпинча салбий тасаввур тез ва аник, ҳеч қандай хато ва камчиликларсиз амалга ошадиган ходисадир. Чунки ҳаётда биз кўрқкан ва хоҳдамаган нарсаларимиз хам юз бериб турди. Салбий тасаввур юзага келишининг ачинарли томони хам айнан унинг амалга ошишида мужассамлашгандир. Шунинг учун нафакат ўқувчилар, балки катталар хам ўзида мавжуд бўлган бундай тасаввурни йўқотишга харакат қилиши керак.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бири бўлган Буюк Британияда бундай холатларда ўқувчи билан кўпроқ сухбатлашиш, фикр алмашиш, ундан шу тасаввурлардан Кутулиш йўллари, усулларини сўраб, уни тўғри йўлга йўналтиришга харакат қилиш зарур деб хисобланади. Яъни ўқувчиidan доимо салбий фикрлашнинг яхши ва ёмон томонларини сўраб, ундан жавоб олиш керак. «Катта ёшдаги кишини қайта тарбиялагандан кўра, соғлом ва баҳтли болани ўстириши осонроқ ва мақсадга мувофиқдир», - деган эди Кристина Бублик.

Мазкур масаланинг хар иккала томон учун ҳам қулай ва мақбул ечимини топиб, ундан сўнг ўқувчини тўғри фикрлашга ўргатиш педагогик жараённи анча осонлаштиради. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўқувчилар ижобий Фикрлашни хоҳдайди, факат уни шу нарсани ўргатиш ке-Рак, бунинг учун эса ота-она ўз мисолида шуни кўрсата билиши лозим. Ўқувчиларга ўз фикрлаши ва тасаввурлари Фикрний деган ҳакиқатни сингдириш лозим. Бу жихат унинг

ўз олдига қўйган ҳар қандай мақсадга эришишига кўмакла ша олади.

Шу мақсадца ўқувчилар билан тез-тез эмоционал тре нинглар ўтказиб туриш керак. Чунки улар хаётга, катталардан фарқли тарзда, бошқача нукгани назар билан қарашад\* уларнинг борликни хис этиш кўлами ниҳоятда кенг. Масалан, бир-икки ёшдаги болалар қаттиқ йиғлаб ёки инжиклик қилиб турганда улар бирпастда кулиб ўтиришлари **ё**хеч нима бўлмаганидек ухлаб қолишлари мумкин. Хатто| ўн ёшли ўқувчилар ҳам кўпинча катталар учун аҳамиятс! бўлиб кўринган холатларни жуда огар кечиради ва бу баизан уларни тушкунликка олиб келиши мумкин. Мисол: «Кулардан бирида мен уч яшар кизимни болалар боғчасида уйга олиб келдим ва, уйга келгач, овқат пишириш била шуғулландим. Кизим менга духовканинг эшигини ёпаётга| нимда, эшикни мен ёпақолай деган таклифни берди. Меи шошиб турганлигим учун унга кейинги сафар сен ёпаса деб жавоб бердим. Кизим йиғлаб юборди. У ийғлаган **хрт**, менга боғчада уни энг яхши ёрдамчи килиб танламаган-1 ликларини ва бу холат менинг айбим билан бўлганлигигийтди. Чунки мен унга доимо кейинги сафар киласан, б| ишни сен кила олмайсан деб айтганман».

Ўқувчиларда кечинма ва фикрлар доимо бирга, **хамнафаС;** бўлади. Болаларимиз баҳтили бўлишлари ва ижобий| фикрлашлари учун уларда кечаётган хис-туйғуларн\* ажратишга ўргатиш керак.

Ўқувчилар хис-туйғулари денгиз тўлқинларига ўхшайди| Улар доимо кўтарилиб, тушиб туради. Баъзан бўрон, баъзаи сокинлик бўлади. Уларда кечинмалар тўлқини жуда ўзгани рувчан кечади. Шунинг учун ҳам биз бу тўлқинлар устида^ спортдаги каби, серфинг устаси сингари туришимиз керак.] Биз доимо ичимиизда содир бўлаётган кучли бўрондан Кефтинчлик ва сокинлик келишини унутмаслигимиз лозим.

Хар бир ота-она ўзини эмоционал тренер сифатида кўра олиши шарт. Эмоционал тренинг — бу ўқувчига унда хозир

ёки келажакда содир бўладиган хис-туйғуларнинг қандай пайдо бўлганлиги, улар содир бўлиб ўтгандан кейин қандай холат юзага келиши, жаҳл, кўркув, ғамгинлик маъноларини тушунтириши, бундай хис-туйғулар билан қандай курашиши кераклигини ўргатишdir. Чунки бу хис-туйғулар ўқувчи онги, қалби ва ҳаётида жуда катта роль ўйнайди ва кейинги турмушда сезиларли из қолдиради. Булар ўқувчи билан сухбатлашиш ва фикр алмашиш, биргаликда маалани ечимини топишда ёрдам беради. Шунда ўқувчи аста-секинлик билан ўз хис-туйғулари келиб чиқиш сабабларини тушунади ҳамда хис-туйғу, фикр ва ҳаракатлари орасида бўлган фарқни англай бошлайди. Бу жараёнда ота-она томонидан сабр ва қатъият талаб этилади, чунки битта мавзуни бир неча бор ўқитишга тўғри келади. Чунки хис-туйғулар нафақат болалар, балки биз, катталарга ҳам ўйлаб бир қарорга келишимизга ҳалакит бериши мумкин. Буни унутмаган холда хис-туйғулар ҳақида болалар билан, асосан, улар ухлашларидан олдин гаплашиш максадга мувофик. Чунки аксарият болалар айнан шу пайтни маъкул кўрадилар. Бу пайтда улар кун давомида йиғилиб келган хис-туйғу, фикрлар ва улар сабабларини бемалол айтишлари мумкин. Болани сухбатга таклиф килиб, сиз хайратланарли натижани кўришингиз мумкин. Агар бола гапни нимадан бошлашни билмай турса, сиз бу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилманг.

Ўқувчиларга салбий фикр ва хаёллардан қугулиш йўлларини ўргатиш жараённида уларнинг онг, тасаввур ва фикрлари ранг-баранглигини уқтириш лозим. Ўқувчилар бу жараённи жуда яхши тушунади ва уз фикрлаш фаолиятларини кенгайтириш учун ҳаракат қилади.

Ўқувчиларни салбий фикр ва хаёллардан холис бўлишга Ўргатишда уларни авваламбор салбий ва ижобий фикрларни аник фарқдай олишга ўргатиш лозим. Бунинг энг осон йўли ЎҚУчининг «Мен нимани хис этияпман?» деган саволга жавоб беришидир. Ижобий фикр ва хаёллар ўқувчига куч-кув-

ват бағишлиди. Салбий фикрлар эса уларнинг ўзлар бўлган ишончларини йўқотади, натижада улар тушкунлек тушади. Шунинг учун ҳам ижобий ёки салбий фикрларнда ўқувчилар, нимани хис этганигини англаганли жуда катта ахамиятта эга. Чунки хис-туйғулар ёрдамида улгда ўзига хос бўлган кечинмалар табиатини англаш мумкун.

Тахдилларимиз натижаси шуни кўрсатмокдаги, АҚШ, Ка нада сингари мамлакатларда ўқитувчилар томонидан чига доимо ўз рухияти ва хис-туйғулари кандалиги, ижобий ёки салбий фикрлаётганигини фарқдай олишга ўрга; тиш, фикрларини ўзгартира олишини сингдириш кераклиги таъкидланади. Мазкур мамлакатлардаги педагогик шарий шароитлар ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохияти! ривожлантириш борасидаги ўзига хос бой тажрибанинг в: жудга келишига асос бўлди.

Ўқувчига ўзидаги ижобий хислатларни кура билиш, шахсига нисбатан ҳурмат билан қараш кўнималари шакллантиришда мазкур мамлакатлар таълим тизимида каънтибор берилади. Ўқувчиларда оила ва мактабда ўз хукукда рини англаш кўнимаси шакллантирилади. Мазкур таъш тизимларида ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохияти ни ривожлантириш қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Ўқувчиларни жамиятдаги шахслараро муносабатларга тайёрлаш.

2. Ўқувчилар тафаккури ва нуткини ривожлантиришга алс хида эътибор қаратиш.

3. Мактабларда ўқувчилар хулқ-авторида учрайдиган нуқусонларга амал килиш.

4. Ўқувчиларнинг турли фаолиятларини уйгунлаштириш.

5. Ўқувчилардаги фикрлар уйғунлиги ва турли-туманлигини кўллаб-қувватлаш ва ҳоказо.

Ўқувчининг мустакил фикрлаши салохият сифатида эътироф этилар экан, унинг мазмуни ярокдилек, ваколат, хукм

дорлик, тўлиқ ҳокимият, қобилият, иктидор эканлиги билан ахамиятли. Салохиятта, қобилиятга эга бўлган, иктидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш мустакил фикрлашига таянган ҳолда ривожлантирилишига эришиш мумкин бўлади. Салохиятли кадрларнинг маҳоратини ошириб бориши тўғрисида ўқув-тарбия жараёнидан бошлаб алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим.

Шунингдек, АҚШда истеъодли, қобилиятли ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу ўқув жараёнида турли тестлар ёрдамида аникданади. Америкалик психолог Э.Торренснинг фикрича, истеъодли одамлар қуидаги хусусиятлари билан ажralиб туради:

1. Ўқувчиларда ўз-ўзини англашнинг ёркин намоён бўлиши.

2. Ўқувчиларнинг ташки таъсирларга берилувчанлиги.

3. Ўқувчиларнинг ижодкорликка мойиллиги.

4. Ўқувчилардаги хиссиётларнинг баркарорлиги.

5. Ўқувчиларнинг яратувчанликка интилиши ва ҳоказо.

Салбий фикрлардан холис бўлишнинг яна бир усули - бу ўқувчига унинг миясида хис-туйғуларни бошқара оладиган механизм борлигига ишонтиришdir. Яъни ўқувчи кийин вазиятга тушиб қолганида хавотирланиши, қўркиши, руҳан чўкиши табиий ҳол экан, бундай ҳолатларда ўқувчига унинг миясида яхши кайфиятдан ёмонга, ёмон кайфиятдан яхшига ўтказадиган кўринмас бир механизм борлиги сингдирилади. Агарда ўқувчи ёмон кайфиятда бўлса, унга Ушбу механизм хақида эслатиб, уни зудлик билан ишга солишга ундаш лозимлиги таъкидланади. Бу жараёнлар Э.Фозиевнинг «Психология муаммолари» китобида батафсил талқин этилган.

Ўқувчи ёмон кайфиятда бўлганда, бирор-бир салбий Қарорга келишидан олдин, уни ўз хиссий ҳолатини бошқариш ва ўзгартира олишга ўргатилади. Бу, салбий фикрларнинг ижобий фикрлар ва энергияга трансформациялаш бир

холатдан иккинчи холатга ўтиш техникаси дея қайд этила ди. Бунда вазият ўзгармайди, муаммо муаммолигича қола веради, лекин ўқувчининг ушбу муаммога бўлган муноса; бати, таъсирчанлиги ва фикрлари ўзгартирилади.

Холатни ўзгартирувчи механизмнинг конструктив фаолиятини юритиш анча кийин масаладир. Шунинг учун ҳота-оналардан сабр-тоқат талаб қилинади. Чунки аксари, ҳолларда ижобий хаёллар ўз-ўзидан ва, биз ўйлагандек осо вужудга келмайди. Бундай вазиятларда ўқувчига яхши фикрлар албатта туғилишини, факатгина уни сабр билан кутишини, ушбу ижобий фикрлар эса унинг ўзи томонидан топиши кутилаётганлити тушунтириштади.

Одатда, бундай холатларга АҚШ оиласарида алоҳида эътибор билан қаралади. Ҳар бир жараён юзасидан олиб борилган ишлар психолог маслаҳатчилар билан ҳамкорликда кўрчикилади. АҚШ психологи Д. Векслер томонидан 1949 йил да яратилган ўқувчилар интеллектини ўлчашнинг янги меҳони мустакил фикрлашнинг ривожланиши борасидаги кўплаб қирраларни аниклашга ёрдам беради.

Ўқувчи ўз ижобий фикрларини кутаётган бир пайтда ҳота-оналар ўйинчокдарини йиғиб кўйиш ёки отасига машинани ювишга ёрдам беришни таклиф қилади. Ўқувчи катта лар билан биргаликда иш қилганда, уларга ёрдам берганд ёки, унинг тасаввури бўйича, улар билан тенг ишлаётганд мияси мавжуд бўлган муаммодан узоқлашади ва онгид ижобийлик пайдо бўла бошлайди. Бу жараён салбий хисси қувватни конструктив жисмоний меҳнатга айлантиради. Чунки ўқувчи фойдали, амалий иш қилганда унда ижобий хисстуйгулар вужудга келади.

Ижобий фикрларни доимий равишда ўзича таъкидла юриш ҳам салбий фикр ва хаёлларни ижобий томонга трансформациялашнинг жуда самарали йўлидир. Масалан, ўқувч мен пианинони чалишни ўргана оламан ёки мен математикидан энг қийин масалани ҳам еча оламан деган фикрлар

ўз-ўзига таъкидлаб, сингдириб юрса, у албатта шу ишни бажара олади- Шу тариқа таъкшглаш ва сингдиришлар натижаси ўлароқ, ўкувчи барча салбий фикрларга қарши чиқади ва уларни енга олади. Ўқувчига салбий фикрларни йўқотишнинг ушбу усулини ўргатаётганда ижобий фикрлар улардан устунлигини айтиш керак, шунда у ижобий фикр салбийдан кўра кучлироқ ва самаралироқ эканини ҳис қилади.

Ўқувчининг фикрлаш борасида маълум бир натижага эришиши ундан сабр-тоқат талаб қилшнини, биринчи уринишданоқ у ўз олдига қўйган мақсадига доимо эриша олмаслиги, бундай холатларда тупгунлик ва хавотирга тусиши тўғри эмаслиги уларга тушунтирилади. Чунки тушкунлик ва хавотир салбий фикрларни қўзғатувчи восита бўлиб, ўкувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришишига тўскенилик қилади. Ижобий фикрлар эса ўқувчиларда ўз келажакларига ишончни вужудга келтиради.

Ўқувчиларни ижобий фикрлаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш жуда мухим масалалардан биридир. Чунки салбий фикр ва тасаввур ўқувчининг нафакат руҳиятига, балки унинг ҳаётдаги ютуқдариға (масалан, ўқишига) ҳам катта таъсир кўрсатади. АҚШда амалга оширилган кўпгина илмий тадқикотлар шуни кўрсатдики, хавотирга мойиллиги бўлган ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши паст бўлади. Хавотирланиш жараёнида ўқувчиларнинг акдий имкониятлари мактабда берилаётган маълумот устида ишлаш учун эмас, балки салбий фикрлар устида ўйлашга қаратилади. Чунки кучли хавотир остида бўлган ўкувчи ўкув жараёнига самарали иштирок эта олмайди. Шунинг учун ижобий фикрлаш Кўникмасига эга бўлган ўқувчиларнинг ўзлаштириш дараси жалари анча юқори бўлади.

Ўқитувчи ўқувчини сунъий равишда хавотирланмасликка ундумаслиги лозим. Улардаги хавотирни бартараф этиш учун амалий чоралар кўриш, яъни ўқувчиларнинг мустакил Фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш талаб этилади.

Бунинг учун эса ўқувчиларни эзгу ипглар ҳақида ўйлаг ундаш лозим. Чунки ўқувчининг руҳияти, ўзига ва яхши ликка бўлган ишончи ўқиш, спорт, дуст топиш ва, умумат шахсий ҳаётида ўз ўрнини топиши учун зарур бўлган э муҳим омил хисобланади.

Ўқувчиларда тасаввур жуда кучли ривожланган бўлади: улар ўз тасаввурларидан фойдаланишини жуда хоҳлаша шунинг учун ҳам визуал фикрлаш гоясини осон ва бажоний дил қабул килишади. Ўқувчиларни визуал фикрлашга мусс ўргатиш шарт эмас, улар бу нарсани яхши билади, улар факатгина тўғри йўналтириб туриш керак, деган гоя таълим тизимида илгари сурилган. Зоро, визуализация тенологияси — бу исталган вазиятнинг аниқ образини яратишидир.

Визуал фикрлаш ўқувчиларнинг салбий фикрлардан кугу лиши ва ижобий нуктаи назарга эга бўлишига кўмаклашз

Юкоридаги келтирилган мулоҳазалар асосида пгундай хуносага келиш мумкинки, визуал фикрлаш ўқувчининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Тасаввур ўқувчилар нинг ўз фикр ва кучларини ижобий ютуқ ва сезиларли на тижаларга эришишлари учун энергетик ва акдий манба беради. Шунингдек, бу борада АҚШлик психологолим АГе зел ўтказган илмий тадқиқотлар ўқувчиларнинг муста\* фикрлаш фаолиятларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. У томонидан ташкил этилган тадқиқот ма<sup>^</sup>казн бугунги кунга келиб «Бола ривожланишининг Гезе. института» деб номланишининг ўзигина олиб борилга ишларнинг мазмун-моҳдияти ниҳоятда кенглигини курса; тади. Зоро, АТезел раҳбарлигига амалга оширилган илм! тадқиқотлар АҚШда ўқувчи шахсини ривожлантириг йўналтирилган таълимнинг қуйидаги йўналишларига алоқадордар:

1. Ўқувчиларнинг барча ёш даврларида эришган ютуқда рини ташхислаш тизимини яратиш.

2. Ўқувчилар фаоллигидаги баркарорлик ва нуксонларг киёсий тавсифини яратиш.

3. Ўқувчилар нутки унинг фикрлаш даражасини ифодаловчи меъёр эканлигини асослаш.

4. Ўқувчилар хатти-ҳаракатлари ва ижтимоий мулоқотга мослашиш кўникмаларининг хусусиятларини кўрсатиш (135, 34).

Кундалик ҳаётий муаммолар билан банд бўлган ота-оналар ўз фарзандлари томонидан факат салбий ҳаракатларгина амалга оширилганда уларга эътибор каратади. Агар ўқувчилар ёмон баҳо олишса, катталарга бўйсунишмаса, отоналар ва ўқитувчилар уларга танбех беради. Аммо уларнинг яхши сифатларига кўпинча эътибор қаратилмайди, рағбатлантирилмайди ва бу, табиий ҳол сифатида қаралади. Ўқувчиларнинг ўз ишларидан мамнунлиги, ўз кувватини ижобий ишларга сарфлаши табиий ҳолдир. Аммо бундай ўқувчилар кўпинча танқидларга бардош бера олмайди. Ноўрин танқид ўқувчининг ўзига бўлган ишончини йўқотади, шубха остига кўяди. Бундай ташки омиллар унда салбий фикрлашнинг вужудга келишига асос бўлади.

Ўқувчини шунчаки. хеч қандай шартларсиз яхши кўриш ва қабул килиш кераклигига, уларнинг ҳар бир ютуқдарини рагбатлантириш лозимлигига алоҳида эътибор каратиш керак.

Шунингдек, болада дастлабки тушунчалар, атрофдагилар Ҳақида тасаввурлар уларнинг ил к ёшлириданоқ бошланади. Бу тушунча ва тасаввурлар улар 7—8 ёшта кирганида бирқадар мустаҳкамланган бўлади. Ўқувчи унга нисбатан бўлган муносабат, атрофдаги мухит ва вазиятлардан келиб чикдан Ҳолда ўзи ҳақида муайян хуносага келади. Унинг ўзи ҳақидаги Карапшлари улғайгани сари ўзгариб боради.

Канадада амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёни УҚУви шахсига йўнаттирилган бўлиб, ҳар бир ўқувчи эркинлигини таъминлаб, уларнинг мустақил хуроса чиқариши, ўзи учун мақбул вазифаларни бажариши учун имкониятади. Ўқувчи шахсини ривожлантириш, уларда мустақил фикрлаш кўникмасини таркиб топтириш мақсадида

Канада таълим соҳасида қўйидаги йўналишларга ало эътибор қаратилади:

1. Укигувчилар касб маҳоратини оширишни тизимли тар ташкил этиш.
  2. Оила мухитида болаларда мустакил фикрлашнинг р вожланиши учун мавжуд шарт-шароитларни **қуляйла**<sup>1</sup> риши.
  3. Уқувчиларда ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан масъ> ят хиссини таркиб топтириш.
  4. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш ю сидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.
  5. Уқувчиларда мавжуд бўлган интеллектуал кувватлар~сафарбар этишга йўналтирилган чора-тадбирларни белгила
- Канада таълим соҳасида таркиб топтирилган бундай йун лишлар орқали бугунги кунда давлат иктисодиёти, жамиянинг ижтимоий-иктисодий хаёти, фан-техника ва иш<sup>1</sup> чиқаришда замонавий хизматларни кўрсата оладиган сал<sup>1</sup> хиятли мутахассислар етишиб чикишига замин тайёрлар
- Оилаларда болаларнинг ижобий жихатларини мунтаза таъкидлаб туриш учун уларга хос бўлган сифатлар рўйхатни тузиш, уларни руҳан кўллаб-кувватлаш, салбий фикларини бартараф этишга кўмаклашиш ота-оналарнинг хим вазифаларидандир. Бу рўйхатга боланинг нафакат кгта, балки кундалик готукларини ҳам киритиш мухим, ки катталар учун аҳамиятсиз бўлиб кўринган баъзи холалар болалар учун алоҳида аҳамиятга эга.
Учинчи тоифа қўлланмаларда муайян ўқув фанига тегишли алоҳида курсларни ўқитиш технология (методика)си ҳақида фикр юритилади. Унда тегишли курени ўқитиш масалалари яхлит, шунингдек, алоҳида мавзу ва ҳатто барча дарелар тизими бўйича мукаммал дидактик ишланма қўринишида тавсиф килинади. Демак, бу тоифа қўлланмаларда, асосан, иккинчи ва кисман биринчи тоифа қўлланмалардаги қоидалар муайян педагогик шароитларга татбиқан мувофиқдастирилади. Шу боис, гарчи дарслик яхлит методик тизим хисобланса-да, унга оид методик қўлланмасиз таълим самарадорлигига эришиш хам, дареликни тўғри баҳолаш хам кийин. Шундай экан, бу тоифадаги қўлланмани дареликка параллел бир вакѓда яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи тоифа қўлланмаларда таълим-тарбиянинг алоҳида кирралари бўйича муайян ўқув фанининг ўрни хамда вазифаси кўрсатиб берилади. Жумладан, миллий ғоя негизида дунёкарош, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқий, эстетик, иктисодий, экологик хамда меҳнат тарбияси сингари масалаларни у ёки бу ўқув фани доирасидаги ечимига йўл-йўриқ, методик тавсиялар берилади. Бу тоифадаги методик қўлланмалар билан ўқитувчи ўқувидаги инсоний фазилатларни шакллантириш йўлларини ўрганади. Ҳар бир Дарсида янгича ёндошувни ўзи учун кашф этади.

Бешинчи тоифа қўлланмалар дарс, синф ва мактабдан ташкари кўшимча таълим доирасида факультатив машғулотлар, экскурсиялар уюштириш, шунингдек, амалий ва лаборатория машғулотларида ўқувчиларнинг мустакил ишларини ташкил килиш кабиларга бағишиланади.

Олтинчи тоифа кўлланмаларга муайян ўкув фани ўқитувийС чисининг илмий-методик маълумотини оширишга йўнал-, тирилган «Ўқитувчи китоби», «Маълумотнома», «Луфат» сингарилар киради.

Ўкув кўлланмаларнинг юқоридагидек тоифаланиши йия\* | лар давомида шаклланиб, аксарият мутахассислар томонидан эътироф этилган. **Щ**

Шундай экан, хар бир дарснинг дидактик мақсади, ва-у зифалари тизимлаштирилган ҳолда олиб борилиши дарснинг мазмун-моҳиятини оширади. Бугунги кундаги дареликлар билан хамоҳангликда яратилаётган «Ўқитувчи китоби»да улар маълум даражада кайд этилган. Ўқувчи шахеига йўналти-; рилган таълимнинг ташкилий-методик аломатларидан бири **-jj\*** ўқувчилар гурухини имкон борича табақалаш, алоҳидалаш?\* дир. Укувчиларни табақалаш баробарида мукобил дареликлар бўлиши ёки муайян дарелик иктидорли ўқувчига хам,, ўртacha баҳога ўқийдиганга хам, бўш узлаштирадиганларш; хам бирдай ярокди бўлиши маъқул. **ц**

### Электрон дареликлар ва ўкув фильмлар.

Эндиликда янги педагогик технологияларга хамоҳанг таълимий воситаларнинг янги-янги авлоддари, чунончи электрон дареликлар вужудга келди. Электрон дареликлар учущ., таълим муассасаларида, жумладан, ўрта умумтаълим мак\*\*? табларида амалдагидан ўзгача технологик ва педагогик шарт-\* шароитлар тақозо килинади. Таълимнинг техник воситалари; етарли бўлиши, электрон дареликлар билан ишлай оладиган технологик маълумот ва тажрибага эга педагогаарнша!||| мавжудлигиҳамда ўкувчини ишлата билиши зарур. Ижти-« моий-гуманитар гурухдаги укув фанларига хос мазмуннингч ўзгарувчанлиги туфайли бу гурухдаги электрон дареликлар табиий фанларга хос дареликдан фарқданади. Бунга 8-синф «Ўзбекистон иктисодий ва ижтимоий географияси»дан тажриба сифатида яратилган дастлабки электрон дарелик орка-д ли шундай хуносага келинди.

Ўкув фильмлари орқали ҳам ўқувчилар йўналишга оид билимларни тўлақонли олишга муваффақ бўлишади. Ўкувчилар мустакил равишда кузатиш, таҳдил қилиш, таққослаш имкониятига эга бўлади. Бу билан ўқувчининг мустакил фикрлашга бўлган хатти-харакати бошланади. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаши билан амалга ошадиган жараён самарали кечади.

### Дарсдан кўзланган мақсад ва унта эришилганлик даражаси.

Мақсад — муайян хатти-харакат, фаолиятдан кўзланган натижা. Мақсадга эришиш муддатига мувофиқ у орзу, ният билан хам ифодаланади.

Навбатдаги дарега тайёрланиш ундан қандай мақсад кўзланниши ва унга эришиш йўлидаги таълимий вазифаларни белгилаш билан бошланади. Аммо даре мақсадини аниқдаш анча мураккаб иш.. Унинг тўғри белгиланиши ўкув фанининг умумий мақсад ва вазифаларини аниқ, мукаммал тасаввур килинишига бевосита боғлиқ. Янада кенгрокқаралса, муайян ўкув фани зиммасидаги мақсад-вазифаларни ўзи қандай белгиланганини ҳам тушуниш, билиш талаб этилади.

Даре мақсадини маълум маънода бир дойра деб изоҳданса, у учта таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи сектордан иборат. Доиранинг марказида таълим-тарбиянинг пировард натижаси барқамол, мустакил фикрловчи ўқувчи шахсини шакллантиришдан иборат бўлиб, таълимий-тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар уни шакллантирувчи, бойитувчи қисмлардир. Дарснинг мақсади аниқбўлгач, унга эришишга дойр вазифалар белгиланади. Сўнг вазифаларни бажаришда қўлланиладиган дидактик воситалар, ўрганиш, билиш жараёнининг энг мақбул усули бўлган таълим методдари танланади. Мақсадни тўғри қўя билиш орқали даре самарадорлиги таъминланади. Буни куйида келтирилган Ўқувчидаги мустакил фикрлашни шакллантиришга йўналти-Рилган ижтимоий-гуманитар ўкув фанларидан дарелар мақсадини қўйилиш намунасида кўриш мумкин.

## **География дарсларида мақсаднинг қўйилиши (8-синф). | Мавзу: Агросаноат мажмуаси.**

**Илмий мақсад:** мажмуа ишлаб чиқаришнинг юксак дара-<sub>f</sub> жадаги ташкилий шакли эканини кишлоқхўжалиги мисоли-да чукурлатиш. Ишлаб чиқаришни мажмуа шаклида ташкил-, лаш негизида тежамкорлик, демакки самарадорликни тъ-минлаш ётишини англатиш. \\

**Дидактик мақсад:** дарслик матнини ва харитани манти-  
кий кисмларга ажратиш асосида мавзу мазмунини кисмларга  
ажратиш ва шу йўл билан ўқувчанин атаманинг яхлит идрок.  
килиш сари унинг таркибий тузилишини етаклаш орқали ,  
фикрий зўриктириш.

**Тарбиявий мақсад:** ўз имкониятларини ҳамда камчилик ва<sup>^</sup>  
хатоларини илғаш ва эътироф этишга ўргатиш. Jj||

**Ривожлантирувчи мақсад:** топширикдарни мустакил <sup>и ш ~ д</sup> лашнинг турфа усуллари билан бажариш орқали акдий сало-  
хиятни ўстириш;

- омиллар, ходисалардан белгиловчисини ажратса олииг||  
умумлашган хулоса чиқариш;
- ўқув материални мантикан таркибий кисмларга ажра\*  
тиш машқдари;
- нутқни, мантикий фикрлашни ва қунтни мустахкам|  
лаш;
- компьютер саводхонлиги ва ахборот маданиятини оі  
риш.

## **Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари дарс да мақсаднинг қўйилиши (9-синф).**

**Мавзу: Тараккиётнинг узбек модели.**

**Дарснинг тури:** ноанъанавий.

**Дарс усули:** баҳс-мунозара.

**Ташкилий мақсад:** ўқувчилар онгига тараккиётнинг ўзс  
модели жамиятни янгилаш ва ислоҳ этишнинг беш тамо\*  
лига асосланганлиги, унинг Ўзбекистон истиқболини  
минлашга хизмат килиши тўғрисидаги билимларини су  
дириш.

**Тарбиявий мақсад:** миллий ғоянинг миллий манбаатлар-  
дан келиб чикиши ва уни ўзида ифода этиши, амалга оши-  
рилаётган ислоҳотларнинг миллий ва умуминсоний асосга  
курилганлигини тушунтириш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** иктисадий, сиёсий-ижтимоий  
билимларини ҳосил килиш, нутқини ўстириш, мустакил  
фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

## **Она тили дарсларида мақсаднинг қўйилиши.**

**Мавзу: Зид маъноли, ўзакдош ва касб-хунарга оид сўзлар.**

**Дарснинг мақсади:**

**Таълимиy мақсади:** зид маъноли, ўзакдош ва касб-хунар-  
га оид сўзлар юзасидан мавжуд билим ва кўникмаларни  
мустахкамлаш.

**Тарбиявий мақсад:** нутқ таъсирчанлигини оширишда ҳалқ  
мақолларининг ўрни ҳақида тушунча бериш, улардан унум-  
ли фойдаланиш кўникмаларини ҳосил килиш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчилардаги мустакил фикр  
билдириш, ўзаро гурухдарда ҳамкорликда ишлаш кўникма-  
ларини ривожтантириш.

## **Тарих дарсларида мақсаднинг қўйилиши.**

**Дарснинг мавзуси:** Кўқон хонлиги маданий ҳаёт.

**Дарснинг мақсади:**

**Таълимиy мақсади:** ўқувчиларга Кўқон хонлиги маданий  
Ҳаётини ҳақида янги билимлар ва ўша даврда яшаб ижод қил-  
ган ижодкорлар ҳақида маълумотлар бериш.

**Тарбиявий мақсади:** ўқувчиларни Кўқон хонлиги даври-  
Даги шоир ва ёзувчилар илгари сурган ғоялар орқали ўтмиш  
тарихимизни ўрганишга, ўзликни англаш, миллий қадри-  
^ларимизни ардокдашга йўналтириш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчиларни ўтмишнинг бой  
Ме Росини амалий машқлар орқали шакллантириш ва улар-  
йинг ҳаётий кўникмаларини, тарихга бўлган муносабатла-  
РИни ривожлантириш.

## **География дарсларида мақсаднинг қўйилиши (9-синф).**

**Мавзу: Утилган мавзуларни тақорлаш, «Жаҳон мамла-<sup>\*</sup> катлари» мавзуси.**

*Даре таксимоти:* даре 45 минутта мўлжалланган.      щ

*Дарснинг мақсади:*

**Таълимий мақсад:** Жаҳон мамлакатлари хақида тасаввург# эга бўлиш, уларни ўз ватанлари билан таққослаш орқалиф укувчиларни мустакил фикрлаш куникмаларини ривожлантириш.

**Тарбиявий мақсад:** барча ўтилган мавзуларга оид тушунча ва кўникмаларни тарбиявий аҳамияти хусусидаги фикрларни умумлаштириш.      1

**Ривожлантирувчи мақсад:** укувчиларни мустакил фикр<sup>^</sup>лашга ўргатиш.

Баъзида, даре мақсадини «...мавзу юзасидан ўкувчиларга, пухта билим бериш», «укувчиларни мавзулар юзасидан би<sup>\*2</sup> лим, кўнишка, малакаларини текшириш» каби бир ёқдама мавхум белгилангани хам учраб туради. Кўпчилик хрлларя|| эса кузатиш, тасвиrlаш, хотирани пешлаш, тасаввур эти<sup>Ж</sup> сингари баркамоллик унсурларини тарбиялаш даре мақсадида деярли урғуланмайди. Холбуки, Давлат таълим стандарти мезонлари сирасига кирган бундай сифатларнинг меяя! ёрлари унда белгилаб қўйилган.

Шахснинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш дидактик мақсад сифатида қаралганда, уларда куйид<sup>^</sup>Шги педагогик ҳолат (омил)лар хисобга олинмоғи мақсад<sup>^</sup>щ мувоғиқ:

1. Вактнинг чегараланганлиги.
2. Аникик.
3. Вазиятга муносиблити.
4. Эришувчанлиги.
5. Реаллиги.

Юкоридаги ҳолатларга ҳамоҳанг режалаштирилган да да ҳар қандай мақсадга эришиш кафолатланади.

Таъкидлаш керакки, ўкув жараёнларида кулланилаётган педагогик технологиялар ўкувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида кулланиладиган педагогик технологиялар ўкувчи яшаб турган ижтимоий-иктисодий муҳитни унинг ёш хусусиятларига уйғун ҳолда, даре мақсадига мослигини эътиборга олиб тузилади. География таълимида ўкувчилар дунёқарашининг шаклланишига имкон берадиган маълумотлар бошқа ўкув фанларига карағанда куп ва хилма-хил.

Географияга кизикувчан, мустакил фикрлаш салоҳиятига эга укувчиларни маҳалла, қишлоқ, туман аҳолисининг сони, жойлашуви, кўпайиши, миллий ва ижтимоий таркиби, иктисолёт тармокдари сингари хилма-хил микдор ва сифат кўрсаткичлари хамда айрим географик ҳодиса ва жараёнларни моделлар воситасида тасвиrlашдек бир қадар мурракаб изланишларга даъват килиш мумкин. Буш ўзлаштирувчи ўкувчига вазифа берганда уни бажариш режаси хам топширилмоғи маъқул. Моделлангиришни биринчи бор бажараётган ўкувчиларга эса 8-синф «География» дарслигидаги 74-расм-чизма (Пойтахтга туташ Тошкент туманида йирик шаҳар таъсирининг ифодаланиши)ни намуна сифатида тавсия қилинади.

Муайян ўкувчилар гурухи оқилона табақаланса ва бу алоҳудда ўкувчига қадар чуқурлашса, уларда билишга ҳавас кучайишидан ташқари, ўкувчининг ўқитувчига ихлоси ортиб, **Жамоада** обрўси кўтарилади.

Маълумки, таълим методдарини муайян педагогик ша-Роитга ҳамоҳанг уйғулигини таъминлаш унинг сифатини **Кўтариш** омилларидан ҳисобланади. У ўкувчи эгаллаши за-Ру бўлган билимларни пухта ўзлаштирилиши, даре жараёнида шогирд ва устознинг толиқмаслити, ниҳоят, вактнинг тежалишида намоён бўлади.

Жумладан, «Узбекистон иктисолий ва ижтимоий географияси» дарелигининг методик курилмасига ҳамоҳанг ҳар

бир мавзуда ўлкашуносликка ва таққослашга йўғрилган дай машқ хамда савол-топширикдар берилганки, улар тайёрланган жавоблар мавзу мазмунини янада мукаммал; тиради:

«Мустакиллик йилларида мактабингаз жойлаштан тумандарпо бўлган иншоотларни аникданг ва уларга курилиш материаллари қаердан келтирилишини ўйлаб кўринг?» (55-бет).

«Ўзингиз яшаб турган туман ёки вилоятда чорвачилик қандай маҳсулот етиширишга ихтисослашган. Сабабинизоҳданг» (65-бет).

«Туман ёки қишлоғингиздаги хизмат кўрсатиш корхо? наларини аникланг» каби топширикдар таълим мазмунини бойитади, тадқикртчилар малакасини оширади. Бошқа гурӯҳдаги саволлар, топширикдар эса маҳаллий табиий шаръит, бойиклар билан аҳоли ижтимоий-икғисодий хаётида яхон алокадорликларни аниқдашга ундайди. Топшириққа хамоҳануни бажариш тартиби (режаси) тавсия этилган бўлиб, ДТЛ аснода изланиш олиб борилади.

I

### **Назарий билим ларнинг амалиёт билан боғлиқлиги.**

Ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанларнинг бевосити сиёsat, иктисад ва ижтимоий хаёт билан боғлиқлиги, ўкувчиликларнинг кундалик турмуш тарзига монандлиги билан ўкув-билув жараённида ўзига хослик касб этади. Давршпп ўзгариб бориши билан уларнинг такомиллашиши, кўшим-, ча маълумотлар билан тўлдирилиши йиллар давомида кечашётган узлуксиз жараёндир. Зотан, билимларнинг амалиёт билан боғланишини таъминлаш мутлақ педагогик зарурӣ ятдир. Дарслидаги ҳар бир маълумотнинг реал ҳаётта боғлиқлиги билимларни янада мустаҳкамлашга хизмат ктшади. Аммо унинг самараси куйидагиларда ўз аксини топади:

1. Дарслидаги маълумотларнинг ижтимоий хаёт билан алоқдорлигига.
2. Берилган мисолларнинг макон ва замонга мослигига.
3. Ўкувчиларнинг муайян соҳага оид билимларини кўллагаяхолда хулоса чиқара олишларида.

4. Ўкувчиларда хаётий тушунча, тасаввурларнинг шаклланганлик даражасида.

Олинган билимларнинг амалиёт билан боғлиқлиги таълим мазмунини белгилаб беради. Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги ўкувчиларни хаётга тайёрлаш, мустакил фаолият олиб бориши учун имконият яратади. Ҳар қандай шароитда ўкувчидаги муаммоларни ечишга бўлган ҳаракат уларда билимлар мавжудлиги аломатидир. Назарий билимлар эса ўз навбатида амалиёт билан боғлиқ равишда ўкувчи хотирасида узоқ вакғ сакданиб қолади. Шуни таъкиддаш керакки, олинган назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлиги таълим-тарбия соҳасидаги ишлар самарасини белгилаб беради.

### **Ўкувчилар билимининг баҳоланиши.**

Ўкувчилар билимининг баҳоланиши қуидагиларга асосланади:

1. Ўқитувчининг ўкувчилар билимини даражалай олишида.
2. Ўкувчиларнинг фаоллиги, олган билимига мое равиша мисоллар келтира олишида.
3. Олинган билимларни ҳаётда ўринли қўллай олиш кўнималарига эгалигига.
4. Билимларнинг тизимли баён килиниши, қарама-карши фикрларга chalғimaslik ҳолатларида.
5. Ўкувчиларнинг уёки бу мавзу юзасидан мустакил фикр юрита олишида.
6. Ўкувчиларнинг муайян воқеа ва ҳодисаларга танкидий баҳо бера олишида.
7. Ўкувчиларнинг ўзлари ва ўртоқдари фаолиятини баҳолай олишида.

Умумий ўрта таълим мазмунининг асосий дидактик параметри сифатида олинган билимларнинг баҳрланиши ўкув сифатини оширади. Ўкувчи билимини баҳолаш учун кузатиш, таққослаш ва таҳдил этиш талаб қилинади. Ўқитувчи «Инжӯкувчи билимнига берган ҳаққоний баҳоси босқичмада

боскич маълумотларнинг кенгайишига унинг дарс жараё-\*  
нига бўлган кизиқишилари ортишига асос бўлади. **7аълт0.**  
мазмунининг самарадорлик даражаси, айни вактда уни қай  
жихатларини такомиллаштириш зарурлигини намоён қилув^  
чи баҳолаш тизими таълим-тарбия ишларининг самарадо<sup>Ж</sup>  
лигини оширишга хизмат килади. - Щ

Кўрсатиб ўтилганларга кўра, ўкувчининг мустакил фикр||  
лаш салохиятини ривожлантиришнинг умумидидактик асо<sup>Щ</sup>  
лари: моделлаштириш технологияси, мустакил фикрлаш *c0;*-  
лохиятини аниқлаш мезонлари, мазмунан узвий ва изчай^  
ўкув материалларининг мавжуддиги ўкувчitar мустакият  
фихрлаш салохиятини ошириш омилидир.

Ижтимоий-гуманитар таълим мазмунини таком иллаш-  
тиришнинг дидактик асослари ўкувчиларнинг мустакид  
фикрлаш салохиятини ривожлантириш жараёнида қуидаги  
гиларда намоён бўлади.

- Ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини таҳдил этиб  
бориш, уларнинг амалиётдаги ўрнини англашида. **Ж**

- Берилаётган маълумотларнинг амалиётга татбиқ этили?  
шини уddyалай олишлари (малака, кўникмалар)да. **Ш**

- Ўкувчилар мустакил фикрлаш салохиятларини ривож-  
лантиришга ўйналирилган дастурларда амалиётга боғлиқий-  
лик аксини топганида.

- Мазмунан боғлиқлиги, кетма-кетлиги таъминланга»,:  
маълумотларнинг мавжуддигида.

- Давр ва жамият эҳтиёжлари хисобга олинганлигига. *jif*

- Ҳар бир ўкувчи фикрининг муҳимлик жиҳатини ўзида  
мужассам этган дарс ишланмаларининг мавжуддигига. **Щ**

- Дарс мақсадини аниқдаша ДТСда белгиланган мезон-  
ларга амал килинганлигига. **щ**

- Ҳар бир жараёнга хос узвийлик таъминланганда.

- Ўқитиш услубларининг ўкувчи шахси, эҳтиёжлари,  
кизиқишиларига ўйналирилганлигига. **4**

- Амалга оширилган ишларнинг тазимлаштирилганлигига.
- Ўкувчиларнинг билим, кўнинка, малакштарни ўзлаш-  
тириш учун кулайлиги ва бошқаларда.

Ижтимоий-гуманитар таълим мазмунининг дидактик па-  
раметрлари мунтазам такомиллаштиришни тақозо этади. Бу,  
доимо ўкувчи шахсига ўйналирилган таълим-тарбия жара-  
ёни такомиллашиб, мазмунан бойитилиб борилишини кўзда  
тутади.

### **Ўкув материалларини моделлаштириш технологияси**

Технология — таълим-тарбия бериш бўйича кўзда тутил-  
ган мақсадга эришиш жараёнидаги саъй-харакатлар тизи-  
мидир. У маълумотларни қуляй шакл ва усулда ўрганиш ор-  
кали ўкувчини хустакил ўқишига, билим олишга, фикрлашга  
ўргатишини кафолатладайди.

Педагогика фанлари доктори Ў. Толиповнинг таъкидла-  
шича, «Педагогик технология муайян лойиха асосида таш-  
кил этиладиган, аниқ мақсадга ўйналирилган ҳамда ушбу  
мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фа-  
олият жараёни мазмунидир». Дарҳақиқат, педагогик техно-  
логиянинг кенг қамровли жараёнида аниқ тизимга солин-  
ган ўқитишнинг турли методлари, усуллари, ўзида мужас-  
самлаштирилган самарани олдиндан кўра билиш имкония-  
тини бериши билан муҳимдир.

Педагогик технологиянинг уч даражаси, шунингдек,  
Қатор ўйналишлари мавжуд. Ушбу ўйналишлардан асосий  
мақсад укувчиларни мустакил фикрлашга ўйналиришдан  
иборат. Улардан қуидагиларни келтириш мумкин:

**1. Ҳозирги анъанавий таълим.** XVI асрда Я. А. Коменский  
томонидан дидактик тамойиллар асосида шакл берилиб,  
Ҳозирда дунёдаги мактабларда энг кўп кўлланиётган синф-  
дарс тизими бунга яққол мисол бўла олади. Замонавий педа-  
гогик технологиялар, асосан, шу тизимни турли ўйналиш-  
ларда такомиллаштириш мақсадларида яратилмокда. Шу-

нингдек, ушбу дарсларда ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш кўнилмаларини хосил қилиш ҳам назарда тутилади.

**2. Педагогик жараённи такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асослаиган педагогик технологиялар.** Ҳамкорлик педагогикаси таълимнинг инсонпарварликка асос-1 ланган технологиясидир. Унда ҳар бир ўқувчи ўз тажрибаси, салоҳияти ва имкониятидан келиб чиқсан ҳолда фикр юритади. Бу фикр юритиш жараёни билан ўқувчидаги мустакил фикрлаш кўнилмаси ортади.

**3. Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар.** Муаммоли топширикдар, таълими машқлар ва бошқалар. Бунда ўқувчи мустакил равишда муаммолар ечимларини топишга харакат килади. Таълим жараёнига жорий этиладиган бутизимдаги технологияларнинг ўқув билим сифати ва ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятига кўрсатадиган таъсири ўзига хосдир.

**4. Ўқув материалларини дидактик жиҳатдан Такомиллаштириш ва қайта ишлаб чикиш асосидаги педагогик технологиялар.** Бутехнологиялар ўргатилаётган билимларнинг дидактик тизимини оптимал мазмунга эга бўлиш, билимлар/-га тизимли нуктаи назардан ёндошиш, ўқувчиларга билим-ларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини ўргатиш каби тамойилларга асосланади. Ушбу технологиялар асосида ўқувчи учун зарур бўлган билимларни кулагай шароитлардатугустакил ўзлаштиришга имконият яратилади.

**5. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил килиш асосидаги педагогик технологиялар.** Бутехнологияларга таъбақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари, таълимнинг жамоа усули, гурухди, компьютерли таълим технологиялари киради. Ўқув-чилар гурухдарда ўз фикрларини мустакил баён этишларий билан биргалиқда бошқалар фикрини тинглаш, **мазкур**" фикрлар устида мушоҳада килиши зарур. Ўқитувчи умумий бошқарувчи, йўналтирувчи сифатида ўқувчиларда **мустакий**"

фикрлаш салоҳиятини намоён этиш ва ривожлантиришга муваффақ бўлади.

**6. Мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар.** Буларга ўқувчиларнинг мустакил фикрлаши, ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга асос бўладиган педагогик технологиялар киради. Мазкур жараёнда ўқувчи маълум йўналишдаги билимларни амалиёт билан таққослаб ўрганишга эришади. Атроф-мухитдаги нарса, воқеа, ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ўқувчининг ўзлаштирган билимлари унинг хотирасида узок вакф сакданади.

**7. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.** У ўқувчининг шахсий сифатлари, мустакил фикрлаш салоҳияти, муайян билимлари бўйича ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш воситаси бўлиб хизмат килади. Улар орқали ўқувчидаги мавжуд қобилият, иқгидор ва имкониятлар юзага чиқади.

Булардан ташқари хусусий (ўқув фанлари) педагогик технологиилар, альтернатив (муқобил) хамда муаллифлик педагогик технологиилар йўналишлари хам мавжуд.

Таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилаётган ҳар қандай технология ўзининг эришувчанлиги, кутилаётган натижанинг аниқдиги билан ажралиб туради.

Мавжуд педагогик технологиилар асосида ўқув материалларини моделлаштириш таълим жараёнига кўйилган мақсаддага эришишнинг маълум бир йўлидир. Моделлаштирилган ўқув материалларида ўқувчилар ўтапгирини керак бўлган билим, кўнилма ва малакалар аниқдаштирилади. Моделлаштирилган технологияларнинг аниқ бир жиҳати бериладики, бунда ўқувчининг фаоллигини ошириш таъминланади.

Ижтимоий-гуманитар таълим тизимида ўқув материалларини моделлаштириш жараёнида куйидагиларга эътибор берилди:

а) ўқув фанларининг мақсади ва вазифаларига;

б) ўкувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқтажри-<sup>\*</sup>  
баларга;

в) мавзулар ўртасидаги алоқадорликка;

г) фанлараро боғланиш масалаларига;

д) ўқитишининг самарали воситаларидан фойдаланиш в#  
бошқаларга.

Таълим жараёнида моделлаштириш технологияларининг қўлланилиши машғулотларнинг ранг-баранглигига, қизиқарли тарзда ташкил этилишига олиб келиши билан би\$1 қаторда, ўкув материалларининг чуқур узлаштирилиши йўхам кенг имкониятлар яратади.

Моделлаштириш технологиясида ўқув мавзусининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлардан кел чикадиган модул дастурининг дидактик мақсади, ўқувчий\* ларнинг дарс давомида бажариладиган ўқув топширикдари<sup>1</sup> ва уларни бажариш бўйича берилган кўрсатмалар модулла<sup>\*0</sup> рини ўзида мужассамлаштиради. Модул сўзи лотинча сўздайР олинган бўлиб, «кисм» (блок), деган маъногги англатадя. Моделлаштириш технологиясининг асосий моҳияти ўҚ<sup>^</sup>Ш чилар модул дастури ёрдамида мустакил ишлашга асослан<sup>^</sup> ган ўқув-билув фаолияти оркали белгиланган мақсадга эр» шиидан иборат.

Моделлаштириш технологияси боскичлари күйидаги чилликда олиб борилади:

Моделлаштириш технологиясининг боскичлари	Моделлаштириш технологиясининг боскичларида амалга ошириладиган ишлар	Моделлаштириш технологияси-нинг натижалари
I	1. Педагогик вокеликни тасаввур этиш. 2. Технологияининг дарс жараёнидаги ўрнини баҳолаш.	Моделлаштириш технологияси хакидаги тасаввурлар.
II	3. Тасаввурдаги моделлаштириш технологиясини асослашгა ўтиш.	Моделлаштириш технологияси-нинг модели.

III

IV

IV

y

VI

4. Камчиликларни барта  
раф этиш.

## 5. Моделлаштириш технологиясини воқелик билан тақослаш.

6. Моделлаштириш технологиясининг назарий моделига тайёргарлик.

## 7. Моделлаштириш технологиясини бошқа фанлар

билин тавсифлаш.  
8. Уни педагогик воқелик жихатидан баходаш

9. Педагогик воқеликдан реал жараёнга ўтиш.  
Ю.Моделлаштириш технолоргиясининг тамойиллари-ни шакллантиришга тайёргардик.

## 11. Моделлаштириш технологиясининг тамоийлларирини аниклаш

#### **12. Технологияни модел-лаштиришга тайёргарлик.**

13. Моделлаштириш технологиясини тайёрлаш.
14. Тайёрланган модельлаштириш технологиясини вокелик жиһатдан бағолаш.

## 15. Моделлаштириш технологиясини тажриба-сиров-

дан утказиш.

16. Моделлаштириш технологиясини дарс жараёнларида күлдәш.

Моделлаштириш  
технологиясини  
онгда тасаввур  
этиш.

## Моделлаштириш технологияси нинг назарий моделини яратиш

## Моделлаштириш технологияси- нинг реал жара- ёнини аникдаш.

## Моделлаштириш технологияси- нинг тамойил- лари тавсифи.

## Моделлаштириш технологияси.

## Моделлаштириш технологияси- нинг самарадор- дигини ўрганиш

Моделлаштириш технологиясининг қайд этштган боскичларида амалга оширшадиган хар бир фаолият натижаси кўрсатилади. Дарс мавзуси мақсадидан келиб чиқкан ҳолда тайёрланган моделлаштириш технологиялари орқали ўкув материаларининг тўлақонли ўзлаштирилишига эришилади. Хусусан, умумлаштирувчи дарслар **ижтимо1шӣ**-гуманитар таълим жараёнида катта тайёргарликни талаб этади. Умумлаштирувчи дарслар ўз мазмуни, мақсади ва вазифалари билан одатдаги дарслардан фарқданади. Негаки, бу турдаги дарслар билимларни умумлаштириш, такрорлаш ва мустахкамлаш мақсади атрофида бирлашади. Баъзан ўқитувчилар томонидан бу каби дарсларнинг эътиборсиз қолдирилиши, умумий тарзланиш билан чегараланиши ўкув материалларининг тўлақонли ва яхлит ҳолдаги ўзлаштирилишини қузатишга имконият бермайди. Уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун моделлаштириш технологиясидан фойдаланиш самарали натижада беради. Куйида келтирилган умумлаштириш дарслари педагогик технологиялардан ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида барча ўкув фанларини ўрганишда фойдатанилади.

### **Умумлаштириш дарсларини моделлаштириш технологияси**

**Мақсад:** Мавзулар мазмунини бир тизимга солиш, амалий-назарий тушунчаларни шакллантириш, хаётий кўнікмаларни хосил килиш орқали ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш.

<b>Боскич</b>	<b>Тайёргарлик жараёни</b>
1-боскич	Ўкув мавзулари рўйхати тайёрланади.
2-боскич	Мазмун жихатидан умумий бўлган мавзулар сараланади.
3-боскич	Бошқа мавзулардан кескин фарқ килувчи яхлитликни талқин этувчи жихатлар ажратилади.
4-боскич	Ўқитувчи томонидан ўкувчилар мустакил фикрлаш салоҳията жихатидан уч гурухга ажратилади:

	а) кенг фикрловчи, қўшимча манбалар асосида укув материалини тўлақонли ўзлаштирган ўқувчилар; б) ўкув материалини тўлик ўзлаштирган ўқувчилар; в) ўкув материалини талаб даражасида ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар.
5-боскич	Юкоридаги тартибда гурухланган ўкувчиларнинг хар бир гурухига оид топширикдар ишлаб чиқилади, бунда унинг жавоби учун ҳам жой тайёрланади.
6-боскич	Ўкувчиларга дарсдан олдин вазифа, яъни мавзуларни тақороран қайд этиб, тўлақонли танишиб келиш топшириғи берилади-
7-боскич	Бўлим юзасидан умумий тарздаги маълумотни берувчи 5-7 дақиқалик кичик маъруза ва унинг кўргазмаси (электрон слайд) тайёрланади.

### **Дарс жараёни**

<b>Боскич</b>	<b>Жараён</b>
1-бс 'кич	Дарснинг ташкилий қисми ўтказилади.
2-боскич	Ўқувчиларнинг хар бирига мўлжалланган топширик-дар ўқитувчи томонидан тарқатилади ва бажариш тартиби тушунтирилади.
3-боскич	Ўқувчилар топширикдарни бажаришлари учун 5 дақиқа вакт белгиланади (топширик тарқатилган тарқатмада жавоб учун жой белгиланади).
4-боскич	Вакт яқунлангандан сўнг ўқувчиларнинг ишларини ўқитувчи белгилаган ўкувчилар текшириши қайд этилиб, эълон қилинади. Бунда хеч бир ўкувчи эътибордан четда қолмай, юкоридагидек гурухлантирилган тарзда бир-бирларининг жавобларини текширадилар (а гурухдаги ўкувчи факат а гурухдаги шеригининг, б гурухдаги ўкувчи факат б гурухдаги ўкувчининг, в гурувдаги ўкувчи факат в гурухдаги ўкувчининг ишини текширишига ўқитувчи томонидан йўналтирилади).
5-боскич	Укувчиларнинг шериклари жавобларига изохи эшитилади, зарурий холатларда бошка ўкувчилардан кўмак сўралади.
6-боскич	Ўқувчилар билан баҳс-мунозара жараёни ташкил этилади: Сизнингча энг тўғри, тўлақонли жавоб берган ўкувчимиз ким? Нима учун? Сиз берилган имкониятдан тўғри фойдаландингизми?

7-боскич	Үқитувчи томонидан мавзуға оид умумлаштириш юзасидан кичик маъруза ташкил этилади, ўқувчиларнинг саволлари эшиллади, жавоб берилади. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларнинг умумлаштириш дарсидаги иштирокини баҳолайди. Бунда учта гурухдаги ўқувчилар бир-бирига қиёсланган ҳолда баҳоланади.
----------	---

### Хулосалаш жараёни

Боскич	Жараён
1-боскич	Ўқитувчи барча ўқувчиларнинг бажарган ишларини йиғиб олади.
2-боскич	Тахлил қилган ҳолда ҳар бир гурух йўналишидаги ўқувчиларнинг таркибидан тақрорланган бўлим юзасидан қўшимча ишланиши лозим бўлган ўқувчилар рўйхати тайёрланади.
3-боскич	Узлаштиришда қийналган ўқувчилар учун дарсдан кейин қўшимча машғулот ўтказиш режалаштирилади.

### Натижа

T/p	Жараён
1	Белгиланган мавзулар юзасидан ўқувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар, мавжуд ноаникликлар, киритилиши мумкин бўлган қўшимча маълумотлар, ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар юзасидан ўз қарашларини тақсим қиласдилар.
2	Ўқитувчи укувчиларни гурухларга ажратган ҳолда улар билими ва фикрлаш фаолиятидаги мавжуд бўшликларни тўлдириш, мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш боскичларини белгилаб олади.
3	Уқувчи ёши, кобилияти, иктидори, эҳтиёжи, кизикишларининг аник ҳолати билан танишиш имконияти яратилади.

Умумлагшириш дарсларини мазкур моделлаштириш технологияси асосида ташкил этиш таълим-тарбия жараёнидаги ўқитувчи, ўқувчи тўлақонли фаолиятига, иктидорли ўкувчиларнинг қўшимча изланишларига, улар билан ишлаш бўш ўзлаштирувчилар ўзларини жараёндан четда хис килишларининг олдини олишга хизмат киласди.

Дарснинг боскичма-боскич тизимлаштирилганлиги, вактнинг тўлақонли тақсйимланганлиги, жараённинг сифатини олдиндан кафолатлайди. Шунингдек, ўқитувчилар учун ўқувчи билим сифатини ошириш йўналишида бажариладиган вазифаларни белгилаб олишга хизмат киласди.

Ўқув материаллари хажмининг, белгиланган дарс соатларига нисбатан берилиши лозим бўлган мавзуларнинг кўплиги муаммоси ўқитувчидан юксак маҳорат ҳамда ўқитишнинг тизимли технологияларини дарс жараёнларига татбик этишни тақозо этади.

Куйида ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материалларини моделлаштириш технологияларидан намуналар келтирамиз.

### Ўқув материалларини моделлаштириш технологияси

1. Муайян синфда ўрганиладиган ўқув материали таҳдил килиниб, унга кўйилган талаблар билан танишилади.

2. Ўқувчиларга берилиши шарт бўлган маълумотлар рўйхати тайёрланади.

3. Мавзу юзасидан ўқувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган омиллар ишлаб чиқилади-

4. Ўқувчи учун нотаниш бўлган сўзлар изохи тайёрланади.

5. Ўқув материали тўлақонли қамраб олинганидан кейин, уни ўқувчига етказишнинг самарали методи танланади. Масалан: кичик маъруза, савол-жавоб, акдий хужум, баҳс-мунозара ва хоказо.

6. Берилган материалларнинг ўзлаштирилганлик даражаси аниқданади.

7. Кутилаётган натижа қайд этилади.

Куйида она тилидан «Топонимик атамалар» мавзусида Ўқув материалларини моделлаштириш технологиясини тақдим этамиз.



1 Т/1	<b>Амалга ошириладиган ишлар боскичлари</b>	<b>Вакти</b>
1	<b>Мавзу: Топонимии атамалар.</b>	
2	Мақсад: Ўқувчиларни топонимик атамалар билан танишириш ва уларда амалий кўллаш кўнглини хосил қилиш.	5 дақиқа
3	Уқузчиларга она тили дарсларида: республикамиздаги дарёлар, кўллар, тоғлар, чўллар, денгизлар, қишлоқдар, шаҳарлар, кўчалар, экинзорлар, гузарлар, боғлар, қабристонлар, кудуклар, ховузлар, масжидлар, чойхоналар, адирлар, кирлар, маҳаллалар, кўприклар. бекатлар, ўтлоклар, умуман, юритимизда инсон кўли билан барпо этилган ва билган объектларнинг барча-барчаси уз номига эга эканлиги хақида маълумот бериш.	
4	Дарс жараёнида топонимик атамалардан куйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин: 1. Матн яратиш усуллари ёрдамида. 2. Касб-хунарга ўйналтириш орқали. 3. Узбек тилида иш юритиши (расмий услублар) орқали. 4. Ёзма иш турлари (диктант, баён, иншо) асосида.	5 дақиқа
5	Доскага, масалан, куйидаги матнни келтириб, уни давом эттиришни ўқувчиларнинг узларига топширик сифатида берилади.  Мен, Нукус шаҳридаги Хўжаобод маҳалласида, Бердак кўчаси, 54-йда яшайман. Мактабим Чимбой йўли кўчасида жойлашган. А. Шахрингиз хақида хикоя килинг. Б. Маҳаллангиз номи кандай аталади? В. Қайси кўчада яшайсиз? Г. Шахрингиздаги кўча номларини биласизми? Д. Республикаиздаги шаҳар, туман, кўча, маҳалла, дарё, тоғ номларидан қайсиларини биласиз? Бу каби саволлар ушбу топширикдаги матнни яратишга ёрдам тариқасида ўқувчиларга кўмаклашади.	10 дақиқа
6	Касб-хунарга оид куйидаги сўзлар билан ўқувчилар таниширилади:	10 дақиқа

Овчи	Паҳтакор	Боғбон	Зардўз	
Сувчи	Ижодкор	Тарозибон	Дуппидўз	
Терихяи	Шифокор	Заргар	Телпакдўз	
Ҳайдовчи	Санъаткор	Кимёгар	Аравакаш	
Дуторчи	Тилшунос	Тракторсоз	Чизмакаш	
7.	Биласизми, юқоридаги касб-хунарга оид сўзлар билан республикамиздаги кўплаб жой номлари аталади: қишлоқлар, кучалар, овлулар, маҳаллалар, бекатлар, кирлар, гузарлар ва ҳоказо жой номларида касб-хунарга боғлиқ атамалар мавжуд. 1. Бадиий асарларни мутолаа килганда, газета-журналларни ўқиганда, кинофильмларни томоша килганда касб-хунарга дойр атамалар билан номланадиган жой номларига дуч келганимисиз? Уларни коғозга туширинг... 2. Сизнингтаниш-билишларингиз, оға-иниларингизнинг касб-кори хақида нима биласиз? 3. Машхур ёзувчи ва шоирлар кандай оиласида таваллуд топишган? Масалан: Абдулла Қодирий боғбон оиласида, Абдулла Қаҳҳор темирчи оиласида... сиз хам давом эттиринг.	8 дақиқа		
8	Ўқувчиларга берилган топширикдар хуросаланади. Бунда берилган маълумотларнинг узвийлигига алоҳида изоҳ берилади. Ўқувчилар якка тартибида баҳоланади.	7 дақиқа		
	ЖАМИ:	45 дақика		

**Адабиётдан ўқув материалларини моделлаштириш технологияси  
(Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари мисолида)**

Боскич	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материалларга оид топширикдар	Топширикларни бажарини бўйича кўрсатмалар	Балл
I	Мақсад: Ўқувчиларга асар муаллифи хақида маълумотларни етказиши: Дарсликдаги матнни ўқиб чикиб, куйидаги саволларга жавоб беринг. 1. Абдулла Қодирийнинг ҳёти ва ижоди хақида кандай маълумотларга эгасиз? 2. Адабнинг асарлари моҳияти нимадан иборат?	Матн билан танишинг, ўзингаздаги мавжуд маълумотларни тўпланг.	

P	<p>Мақсад: «Ўткан кунлар» асари нинг мазмун-моҳияти билан таништириш:</p> <p>Берилган видеотасвир асосида куйидаги топширикни бажаринг:</p> <p>А. Олган маълумотингиздан энг муҳим деб хисоблаганингизни айтинг.</p> <p>Б. Сиз ноаникдеб хисоблаган далил?</p>	<p>«Ўткан кунлар» асари юзасидан бериладиган видеотасвирни дикқат билан тингланг.</p>	
III	<p>Мақсад: Асар қаҳрамонлари хақидаги ўқувчилар карашларини аниклаш.</p> <p>Дарелик билан ишлаган холда куйидаги йўналишда ўзингизнинг фикрларингизни «У асарнинг ажойиб қаҳрамони эди, чунки....» йўналишида мустакил матн яратинг.</p> <p>Бунда:</p> <p>А. Матнни яратиша мустакил фикр баён қилиш ва ижодкорликка интилинг.</p> <p>Б. Ҳар бир қаҳрамонни идеалга айлантириш мумкинлигини назарда туting.</p>	<p>Матнни яратиш жараёнида фақат ўз салоҳиятинги зга таянинг.</p>	
IV	<p>Мақсад: «Ўткан кунлар» асари юзасидан ўқувчилар фикрларини аниклаш.</p> <p>Куйидаги топширикни бажаринг.</p> <p>1. Тайёрланган карточкаларни олинг ва ундаги фикрга ўзингизнинг тасдиқ ёки инкор этиш юзасидан фикрингизни билдиринг.</p>	<p>«Ўткан кунлар» асари юзасидан умумий фикрингиз билан ўртоклашинг.</p>	
V	<p>Мақсад: «Ўткан кунлар» асари юзасидан олган билимларни мустаҳкамлаш.</p> <p>Ўқувчиларга асар хақида материаллар юзасидан кўшимча маълумотлар берилади ҳамда уларни кизиктирган саволларга жавоб кайтарилади.</p>	<p>Сиз учун қандай кўшимча маълумот кераклигини аникланг.</p>	

VI	<p>Мақсад: Уқувчиларни дарсдаги иштироқи учун баҳолаш.</p> <p>Куйидаги топширикларни бажаринг.</p> <p>Олинган маълумотлар, эгалланган билимлар асосида берилган саволларга жавоб топинг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Асарнинг гояси нимадан иборат?</li> <li>2. Сизга асарнинг кайси жиҳатлари кизиқарлирок бўлди?</li> </ol>	<p>Ўз фаолиятинги зни келажакни режалаштирган холда баҳоланг.</p>	
VII	<p>Мақсад: Ўқувчиларга уй вазифаси бериш. Уй вазифасини кайд этиш учун куйидаги топширикни бажаринг:</p> <p>«Ўткан кунлар» — тарихий-миллий асар мавзусида иншо ёзиш.</p>	<p>Уй вазифасини дикқат билан тингланг ва уни бажариш жараёнини ўзингиз учун кайд этинг.</p>	

Ушбу моделлаштириш технологиясида олдига қўйилган бош мақсад ўқувчининг мустакил фикр юритиш кўнижмасини шакллантиришдан иборат бўлиб, бунда дарснинг ҳар бир босқичида белгиланган мақсадга эришиш ҳам босқич-ма-босқич амалга ошириб борилади.

### Географиядан ўкув материалларини моделлаштириш технологияси (8-синф)

#### Мавзуу: Ўзбекистон иқтисодиётини ҳудудий ташкил этиш ва иқтисодий-географик районлаштириш

Дарс жараёнида олиб бориладиган ишларнинг босқичлари ва мазмуни	Ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар
<b>1-босқич</b> Ўзбекистон ҳудудидаги ҳар бир кисмлар географик ўрнининг бетакорлигидан, биринчи навбатда табиий шароити ва бойликлари, ахолининг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзининг ўзига хослиги хақида ўқитувчи томонидан маълумотлар кичик маъруза, кўргазмали воситалар ёрдамида берилади.	Ўқувчилар берилган маълумотларни дикқат билан тинглайдилар.
<b>2-босқич</b> Ўзбекистонда транспортнинг такомиллашуви омиллари ёзилган карточкалар ўқувчиларга	Энг муҳим омил сифатида икки

тарқатилади. Ҳар бир ўқувчининг кўлидаги карточкада 5 тадан омил келтирилган бўлиши керак. Кўрсатилган омилларнинг белгиланганлик даражаси аниклаб олинади.	омил кўрсатилади.
<b>3-босқич</b> Дарсликнинг 92-93-саҳифасида берилган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг ихтисослашган тармоғи юзасидан 3 дақиқалик киска маълумот ва уни синфда ўқувчиларга тақдим этиш учун алоҳида ўқувчи белгиланади. Тақдимотлар тингланади.	Дарсликлар билан ишланади.
<b>4-босқич</b> Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари хакидаги маълумотлар тайёр маълумотлар банкидан саралаб олинади.	Укувчилар маълумотларнинг энг муҳимларини саралаб оладилар.
<b>5-босқич</b> Укувчилар фикрлари уч йўналишда гурухланиши лозим. 1.Миллий иктисолиёт. 2.Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш. 3.Давлат ва нодавлат секторлари.	Ўкувчилар дарслидаги маълумотлар билан ишлаган ҳолда берилган йўналишларга ўз фикрларини баён киладилар.
<b>6-босқич</b> Укувчиларнинг берган маълумотлари умумлаштирилади ва якуний хуроса чиқарилади.	Утилган мавзу юзасидан ўз хуросаларини берадилар.

Мазкур моделлаштириш технологияси орқали ўқувчилар-1 нинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш учун имконият яратилади. Дарснинг ҳар бир босқичида берилган топширикдар асосида ўқувчиларнинг фикрлаш даражаси кенгайиб боради. Зеро, уларда узвийлик тамойилига алоҳида эътибор қаратилган.

Берилган моделлаштириш технологияларидан амалистда1 фойдаланилганда куйидаги ижобий натижаларга эришилатди:

1. Ўқувчиларнинг фанга бўлган кизикишлари ортади.
2. Ўқув материалларининг тўлақонли ўздаштирилиши таъминланади.

3. Ўқитувчи меҳнати енгиллашади.
4. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга куляй шарт-шароит яратилади.

5. Ўқувчилар ўқув фан юзасидан Давлат таълим стандартлари талабларида белгиланган билимларни ўзлаштиради, кўнишка ва малакаларни эгаллади.

Дарҳақиқат, моделлаштириш технологияларини амалиётга татбиқ этишда ўқувчиларнинг ҳар бир босқичда ўзи бажарадиган ишларни англаши, тушуниши муҳимдир.

Англаш, тушунишнинг ривожланиши эса фикрнинг тарраккиёти асосида амалга оширилади. Матнни ёдлай оладиган, лекин ижодий фикрлаш даражаси чекланган ўқувчиларнинг мустакил фикрлаши ривожланган бўлиши мумкинми? Рухшунослар бунга яқдмллик билан йўқ жавоб берадилар. Ўқувчидаги фикрлаш кўнишкаси ошган сари фикр маҳсулини ифодалаш эҳтиёжи кучаяди. Бу эҳтиёж эса фикр баён этилгандагина кондирилиши мумкин.

Ижодий тафаккур соҳибини этиштириш технологияси эса мўлжални ўқувчидаги она тили материаллари асосида фикрлаш қобилиятини кенгайтириш ва фикр маҳсулини ифодалаш эҳтиёжини туғдиришга қаратилган.

Ижтимоий-гуманитар таълимнинг янги дастурларида ўз аксини топган технологияда, ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билим хам, бу билимни ўзлаштириш усули хам, уни кўллаш, татбиқ этиш хам ўқувчидаги фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга олиб борилади. Юқорида санаб ўтилган, ўқувчиларнинг дарсдаги мустакил фаолият турлари бир тизимнинг алоҳида-алоҳида бўғинлари бўлиб, ҳар бир мавзуни ўзлаштирганда ўқитувчи томонидан лойиҳалаштирилган босқич-Ларга амал килиниши лозим. Ўқитувчи ўқувчиларга ҳеч качон: «болалар кузатишни бошлаймиз» деб дарснинг бир босқи-

чини бошлаши ёки: «энди изланиш босқичига ўтамиз» деб навбатдаги босқичга утиши мумкин эмас.

Ўқитувчи дарсда ўтиладиган янги мавзуу, ўқув материаларини ва топширикдарни юкорида санаб ўтилган, ўқувчинг мустакил фаолияти турларини чамалаши, саралаши ва ўқув топшириклари беришни шундай тузиши лозимки, ўқувчилар ўз-ўзидан бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишлари керак. Бунда билим, кўникма ва малакалар узвийлиги таъминланади. Ижтимоий-гуманитар таълимнинг янги технологиясида битта зарурий ташкилий омил ҳақида айтиб ўтиш зарур. Синф дарс пайтида 5–6 ўқувчидан иборат кичик гурухдарга ажратилган бўлиши ва улар кўриб, бир-бира га қараб ўтириши, бир-бири билан бемалол фикр алмаштира, муҳокама юрита олиши лозим. Топширикдар худди шу кичик гурухдарнинг аъзоларига — «Зукколар гурухдари»га берилади.

Таълимнинг янги технологиясидан самарали фойдаланишнинг яна бир зарур шарти ўқитувчилар билан узвий боғлик эканлигини алоҳида уқтириш лозим. Биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи ижодкорликка интилиши, ҳар бир мавзуни ўтишдан олдин уни режалаштириши, ўз синфи, ўқувчилари савияси ва шароитига мослаштириши лозим. Бундай ҳаракатни амалга оширмай туриб, хеч қандай дастур ёки дарелик ўқувчida том маънода мустакил фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантира олмайди. Таъшгм технологияси (таълим усули, ўқув материали, дарелик) бунга факат йўналтиради, имконият беради. Бу имкониятнинг воқеланиши эса бевосита ўқитувчининг амалий, ўқув жараёнининг бошқарувчилик фаолияти билан боғлиқ.

Фикримизни давом эттириб, айрим мавзуларни очиб бериш усуллари устида тўхталамиз. Тахдил намунаси учун 8-синф географияси курсидан «Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликлари» мавзусини танладик. Мазкур мавзуу доирасида Ўзбекистон иктисадиётининг умумгеограф-

и, фикр таърифи кисми материаллари ўқитувчилар томонидан янги технологиялар ёрдамида такдим этилиши учун шароит, яратилди.

Бу мавзуу ўқувчилар учун мохиятан янги эмас. Улар бу мавзуга оид кўпгина тушунчалар билан бошлангич синфданоқ таниш. Демакки, Ўзбекистоннинг табиий шароити ва бойликлари бўйича шгари урганилган тушунчаларни тақорлашлари, мустахкамлашлари лозим. Тақорлаш шунчаки бўлмай, кўтлимча маълумотлар билан бойитилган холда ўқувчиларнинг мустакил ишлаши, эркин фикрлашига йўналтириб режалаштирилиши лозим. Шунинг учун бу машғулотдан максад хам туигунчаларни тақорлаш оркали ўқувчилар нутқини янги-янги сўзлар билан бойитиш, географиянинг имкониятлари билан таништиришни давом эттиришдан иборат. Мавзуни ўрганишда машкнинг 1-топшириғини бажариш учун ўқувчиларга имкон берадиган кузатиш ўқув материали етказилади. Бунинг энг кулаги усули эса тарқатма карточкалар билан ишлашдир. Ўқитувчи синфдаги укувчиларни 6 гурухга бўлиб, уларга карточкалар тарқатади.

Кузатиш ва давом эттириш ўқувчилар томонидан 1-2 дакикада аматга оширилади ва ўқувчилар тезкор жавоб беришга интиладилар. Жавоб бераётган ўқувчи (гурух)дан у топтан маълумотларнинг мохиятини ва улар нима билан бирбиридан фарқданишни сўраши лозим.

Ўқитувчи, дастлаб, дастур ва дарсликда режалаштирилган ўқув материали, топширикдар тизими ва энг асосийси, шу мавзуни ўрганишдан кўзланадиган мақсадни аник идрор этиб, сўнг уни режадаги вактга чамалаб олиши лозим. Мавзуни ўгишдан кўзланган мақсад сифатида куйидагилар белгиланади:

- 1) ўқувчиларнинг Ўзбекистон ҳақидаги билимларини янги маълумотлар билан бойитиш;
- 2) табиий бойликларга оид маълумотларни етказиш;
- 3) ўқувчиларда уларни ўраб турган табиат ва табиий

бойликларга нисбатан меҳр-мухаббат туйғусини ривожлантириш.

Шундан сүнг кўзланган мақсад ўқувчилар онгидаги воеликка айланмоғи учун қандай усуллар тақозо этишини ўйлаш лозим. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг умумий савияси, ҳаётий тажрибаси, ёш хусусиятлари хисобга олиниши зарур. Зероки, бу мавзунинг қишлоқ хўжалигидан батамом узилган шахар шароитида, қишлоққа якин шахарда ва қишлоқ шароитида яшаётган ўқувчиларга бериладиган талқини тур-; лича бўлиши керак.

Ўқув материали ва машғулотда ўқувчининг юқорида кўрсатилган мустакил фаолият турлари орасидаги муносабат ҳам ҳар хил бўлади. Ҳар бир турдаги фаолият муайян машғулотда ўтказилади, лекин улардан ҳар бирининг устуворлик мавқеи турлича бўлади. Чунончи, 1-соатда кузатиш, излаш, ўзига хосликларни шарҳдаш, умумгошикларни аник-, лаш каби фаолият турлари етакчилик килса, 2-соатда фарқларни аникдаш, қўллаш устувор бўлади. 1-соат учун дарсликда ўқув топшириқ намунаси сифатида икки машқ — ўқув топшириқ намунаси берилган, холос. Зотан, ўқитувчи бу"; топширикдарга ижодий ёndoшиб, уни синф ва ўқувчилар имкониятига мослаштириши лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпинча дарсликда берилган маълумотлар (нар-рса, воеа-ходиса)нинг белги хусусиятини шарҳдаш, тушун-чириш устида деярли иш олиб борилмас эди. Ҳар бир маълу-'мотнинг фарқларини тасвирлай олиш, уларга хос умумий..ликларни очиб бериш ўқувчи ҳам сўзнинг, ҳам унинг за-, миридаги маъносининг моҳиятини уққанлигини кўрсатадиг. Бундай амалиёт билан 2—3 машғулотда жиддий ўтилган маълумотларни кейингина унинг ўқувчилар учун қанчалик қизи-~карли кечгани, улар акдий фаолиятининг ўсиши, ижодий тафаккурининг ривожлантириш, иш ва сўзга масъулиятий оширишдаги аҳамияти ёрқин намоён бўлади.

Бундай иш усуллари ўқувчиларга кўтаринкилик бағиши-

лади, уларни турли манбалар, жумладан, луғат, қомус, ахборотномаларга, миришкорлар, сохибкорлар, бобо-буви-лардек «жонли қомусларга» мурожаат қилишга ундаиди.

Ўқувчининг бундай изланишлари натижаси номукаммал, ноаник ва ҳатто, ҳақиқатдан йироқ ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи бунда педагогик назокат кўрсатиб, ўқувчидаги изланувчанлик, ташаббускорлик рухини ривожлантиришга интилиши керак. Зероки, ўринсиз танбех болада шу рухни сўндириши мумкин. Устоз Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Кўп сўйлаган кўп ҳато этар» деган нақлини назарда тутган ҳолда ўқувчи хатосини ўз вактида бартараф этиб, фаоллик сари интилишини рағбатлантириш лозим.

Навбатдаги машғулотда «Табиий шароит ва табиий бойликларнинг миллий иқғисодиётдаги аҳамияти» мавзуси ўрганилади. Унда ўқувчилар мустакиллик йилларида бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳдил этиши ва шу жабхада ўзи яшаб турган туман, вилоятидан 5—10 тадан (ҳар бир гурухга) мисол топиши лозим. Ўз изланишлари маҳсулини киёслаган ўқувчилар ўнлаб мисоллар билан исботлашади.

Бу босқич яқунлангач, ўқитувчи ўқувчилар олдига муаммо қўяди: «Бундай имкониятлар қандай килиб бир-биридан фарқданади?»

Навбатдаги босқичда режалаштириш, кўрсатма орқали лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаси ҳақида хулоса чиқариш устида топшириқ берилади. Кўриниб турибдики, ўқувчининг санаб ўтилган мустакил фаолият турлари бир-биридан узилмаган ҳолда бири иккинчисини давом эттириб, тўлдириб бораверади. Шунинг Учун бундай технология асосида ўтказиладиган дарсларда Куйидаги ўзига хос жиҳатларни кўриш мумкин.

1. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам дарсликка боғланиб кол-Майди. Ўқитувчи бу технологияни пухта ўзлаштирган, мавзуни обдон ўйлаган бўлиши лозим. Ўқувчилар ўз машғулоти ўйналишини ва жараёнини белгилаб боради.

2. Дарсда ўқувчилар зерикмайди, фойдали, мақсадга йўналтирилган фаолият билан бўлади.

3. Дарс жуда жонли, изланиш натижалари мухокама тарзida утади. Бундай дарслар ўқувчилар учун марокди кечади.

4. Уқувчиларнинг сўз бойликлари бобо-бувилари, тажрибали мутахассислар, луғатлар, комуслар туфайли мустаҳкамланади.

Уқувчиларнинг юкорида санаб ўтилган турлардаги мустакил фаолияти бир-биридан узилмаган, бир бутунликнинг, таркибий қисмлари бўлса-да, уларнинг хар бири ўзига хос дидактик, психологик асосларга, мақсадларга эгадир. Ўқитувчи дарснинг бу томонларини билиши ва машгулотни режа-лаштиришда уларга таяниб иш тутиши лозим.

Кузатиш фаолияти. Янги мавзуни ўзлаштириш жараёнида ўқувчининг бу турдаги мустакил фаолияти жуда катта ахами-, ятта эга бўлиб, унинг мустакил фикрлаш фаолиятини жадаллаштиради. Ҳозирги босқичда бу йўналиш, асосан, дастур *вщ* дарелик билан белгиланади. Чунки шахсга йўналтирилган таълим усули ҳали тўла оммалашмаган ва ўқитувчиларимиз мустакил равишда бу фаолият турини бошлашда ва мазкур йўналишдаги ўкув материалларини тўғри танлашда кийналади. Истиқболда шундай таълим усули оммалашгач, ўқитувчи факат дареликка боғланиб қолмаслиги ва ўкув материалларини ўқувчиларнинг иктидори ва эҳтиёжларига таянган ҳолда эркин равишда лойихалаштириши, бутун жараённинг том | маънодаги мустакил ташкилотчиси бўлиши мумкин.

Кузатиш учун ўқувчига ўкув материали берилганида..  
д  
куйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

а) янги мавзуни ўрганишга йўналтирилган машғулот- •  
нинг мақсади;

б) ўқувчиларнинг олдинги машғулотлар давомида ўзлаштирган билим ва шаклланган малака-кўникмалари;

в) ўқувчиларнинг ижтимоий-педагогик, психологик ва физиологик ҳусусиятлари;

г) ўкув материалининг ўзига хос ҳусусиятлари.

Шунинг учун ҳам изчиллик асосида ташкил этилган таълим жараёнида ўқувчиларда мавжуд бўлган билим, кўникма **ва** малакаларни босқичма-босқич бойитиш, янги кузатиш ва изланишлар учун қулай педагогик имкониятлар яратиш мухим дидактик аҳамиятга эга.

Ўқувчилар кузатувчашибикни хосил килиш учун ўкув материаллари шундай тарзда ва тартибда берилиши лозимки, ходисаларни кузатишда улар ўртасидаги ўхшашлиқ ва фаркларни олдинги билим ва кўникмалари асосида осонликча аникдай олишенин.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўкув материалларини моделлаштириш технологияси оркали тизимли жараён ташкил этилади. Ўқувчиларнинг ижтимоий-гуманистар таълим жараёнига кизикиши ортади. Муайян берилган узвийликка асосланган технологиялар ўз самарасини беради. Бу ҳолатда ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадларга осонлик билан эришиши имконияти яратилади. Энг мухими - дарс жараёнининг натижаси олдиндан кафолатланади.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда ўкув жараёнининг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилиши катта ахамият касб этиб, ҳар бир мавзу юзасидан моделлаштирилган технологияларнинг лоийхалаштирилиши ва ўкув жараёнига татбик этилиши мухим хисобланади. Моделлаштириш технологияларини амалиётга татбик этишда куйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

• **биринчидан**, моделлаштирилган технологияларни амалиётга татбик этишдан олдин уни ўрганиш, киёслаш ва тахлил этилганлигига;

• **иккинчидан**, моделлаштириш технологиялари асосида **Мақсаднинг** аниқ қўйилганлиги ва ўкув материали мазмунини тўлиқ ифодаланганлигига;

- **учинчидан**, моделлаштирилган технологиялар ўкувчи-ларнинг мустакил фикрлаш салохиятларини ривожлантиришта йуналтирилганлигига;
- **туртинчидан**, ўкувчилар қизиқишлари, қобилияти ва истеъдодларининг танланган технологията дидактик жихат<sup>^</sup>дан мослигига;
- **бешинчидан**, ҳар бир ўкувчининг ўкув жараёнига фао# иштироки таъминланганлигига.

Модеоташтириш технологияларининг бу тарзда амалиёт\* га татбиқ этилишини таъминлаш ўкув материалининг ўкув#: чилар томонидан жадал ўзлаштирилишига ёрдам беради: Ўкувчиларнинг ўз фаолиятларига нисбатан талабчан бўлиши, мустакил фикрлаши ва эркин мушоҳада юритишига ижобий таъсир этади.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида укувчиларнинг мустакил фикрлаш салохияти уларни ривожлантиришга' йуналтирилган тамойиллар, модделлаштирилган технология-\* лар орқали амалга ошиши натижасида муайян таҳдиллар ва хулосалар вужудга келиши табиий. Уларнинг салохиятини! иктидорини, жараёндаги харакатини бир хилда баҳолаш, албатта, ноўрин. Ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришда маълум бир мезонларга таяниш лозим. Шундагина, мавжуд холат ва эришилган натижажу\* сусида муайян хулосага келиш мумкин. Ўкувчилардаги мус<sup>4</sup> такил фикрлаш салохияти даражасини аникдаб, Ітунга ҳамоҳанг ҳолда уларга ёндошиш билан мустакил фикрлашнинг ривожланишини жадаллаштириш мумкин.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини биз куйидаги беш ыезИШ-асосида аникдашга ҳаракат килдик:

1. Ўкувчиларнинг тақдим этил ган маълумотларни қабул қилишлари, таҳдил ва киёслай олиши.
2. Ўкувчиларнинг манбалар асосида қўшимча маълум<sup>^</sup> лар берса олиши.

3. Ўкувчиларнинг ўзлари баён қилган фикрларини асослай олиши.

4. Ўкувчиларнинг маълум бир вазиятлар, муаммолар юзасидан қарорлар кабул кила олиши.

5. Мавжуд воеа ва ҳодисаларга ўзлари танкидий баҳо бера олиши.

Ушбу мезонлар бутун Республикаиз умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланилаётган кўп баллик рейтинг тазими асосида ишлаб чиқилди. Бунда ҳар бир параметр 1 баллдан умумий холатда олти балл билан куйидаги таргита бахоланади:

Т/Р	Баҳолаш параметри	Балл
1	Ўкувчиларнинг тақдим этилган маълумотларни қабул қилишлари, таҳдил ва киёслай олиши.	1
2	Ўкувчиларнинг манбалар асосида қўшимча маълумотлар берса олиши.	1
3	Ўкувчиларнинг ўзлари баён қилган фикрларини асослай олиши.	1
4	Ўкувчиларнинг маълум бир вазиятлар, муаммолар юзасидан қарорлар кабул кила олиши.	1
5	Мавжуд воеа ва ҳодисаларга танкидий баҳр берса олиши.	1
ЖАМИ:		5 балл

Синф ўкувчиларининг ўзлаштириш ҳолатида бу қўйи-Дагича талқин этилди. Ўзлаштириш даражаси 100 % деб олинганда ҳар бир параметр 20 % билан белгиланади. Бунда параметрнинг 1 таси аникданганда 10 %, 2 таси аникланганда 40 %, 3 таси аникданганда 60 %, 4 таси аникланганда 80 %, 5 таси тўлақонли мавжуддиги аникданганда 100% тарзida белгиланади.

Ўкувчиларнинг ижтимоий-гуманитар таълим жараёнидаги билим, кўникум ва малакалари 1, 2, 3, 4, 5 гача қўйилган баллар уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ифодаловчи баллар бўлиб, йиғиндиси 3—3,5 баллга етганда ўкувчининг Мустакил фикрлаш салохияти етарли деб баҳоланади. Агар 3

баллга етмаган такдирда ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохияти қаноатланарли эмас деб хисобланиб, улар билан маҳсус шуғулланиш лозимлиги, 3,5 дан 5 балга қадар бўлган кўрсаткич юқори даражада эканлиги қайд этилади.

Юқорида келтирилганларга кўра, ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аниқдаш мезонларига кўйиладиган балл меъёрлари куйидагича асосланади:

### **Ўқувчиларниг тақдим этилган маълумотларни қабул қилишлари, таҳлил ва қиёслай олишлари**

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фанларидан бериладиган маълумотларни қабул қилиши максимал 1 балл билан баҳоланади ва ўзлаштириш даражасида 10 % тарзида кўрсатилади. Ўз навбатида бу маълумотларни қабул қилишнинг уч даражасини ажратиб кўрсатамиш:

1-босқич — маълумотларда қайд этилган рақамлар ва саналарни ўқувчилар тўлиқ қабул қилишлари, тушунишлари ва англашлари — 0.40 балл.

2-босқич — ўқувчиларнинг воеа-ҳодисаларни тўлақонли тушуниб олишлари — 0.40 балл.

3-босқич — мавжуд маълумотларни берилган вақт мобайнида ўзлаштира олишлари — 0.20 балл. Жами 1 балл билан баҳоланди.

Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохияти аниқданаётганлигига каратилиши лозим.

Шу боис биринчи босқичда 0.4%, иккинчи босқичда 0.4%, учинчи босқичда 0.2%, умумий тарзда 1 % ни ташкил этди.

### **Ўқувчининг маълумотларни таҳлил этиши ва қиёсласи**

Маълумотларни қабул қилиш ва қиёслаш параметрини, биз иккига ажратиб белгиладик:

**Биринчиси:** маълумотларни таҳдил этиши 0.50 балл (5%) билан.

**Иккинчиси:** маълумотларни киёслashi 0.50 балл (5%) билан белгиланди.

Умумий тарзда 1 балл 10% қайд этилади.

### **Ўқувчиларнинг манбалар асосида қўшимча маълумотлар бера олиш даражаси**

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини бойитадиган, таъминлаб борадиган жараён уларнинг қўшимча манбалар билан ишлай олиш кўнимасига эгалигидир.

Ўқувчиларнинг ҳар бир фан йўналишидаги манбалардан мисоллар келтира олиш кўнимаси муҳим саналади. Буни биз, ўз навбатида, 4 та таркибга ажратдик:

1. Фан йўналишидаги материаллардан маълумотлар келтира олишлари — 0.1 балл (0.10%).

2. Тарихий манбалардан мисоллар келтира олишлари — 0.4 батл (0.40%).

3. Интернет оркали олинган маълумотлардан мисоллар келтира олишлари — 0.2 балл (0.20%).

4. Илмий маълумотлардан мисоллар келтира олишлари — 0.3 балл (0.30%).

Умумий тарзда бу параметр ҳам 1 балл (10%) билан баҳоланади.

### **Ўқувчиларнинг ўзлари баён қилган фикрларини асослай олишлари**

Ўқувчиларнинг мустакил фикрларини баён қилиши ниҳоятда муҳим жараён хисобланади. Ўқувчининг ҳар бир фан, мавзу, воеа-ҳодиса юзасидан ўз мустакил фикрининг мавжудлик ҳолати билан унинг салохияти ҳам белгиланди.

1. Фикрларини баён қилиши — 0.4 балл (0.40%).

2. Фикрларини асослаши — 0.6 балл (0.60%).

## **Ўқувчиларнинг маълум бир вазиятлар, муаммолар юзасидан қарорлар қабул кила олишлари**

Маълум бир вазиятлар ва муаммолар юзасидан қарор қабул килиши ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини белгалийдиган асосий параметр хисобланади. Шу боис уни куйидаги уч таркибга ажратдик:

1. Вазиятлар, муаммоларнинг ечиш йўлларини тўғри белгилаши — 0.4 балл (40%).
2. Қарор қабул килиши - 0.3 балл (30%).
3. Тўғри ечим - 0.3 (30%).

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аникдашнинг юқорида қайд этилган мезонлари ўқитувчилар фаолиятини режалаштириш, укувчиларни мустакил фикрлашга ўйналтирувчи жараённи ташкил этишнинг мухим жиҳатларини ифодалайди.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнининг мазмуни укувчининг фикрлаш салохиятини, акдий ривожланишини, мантикий тафаккурини ўстиришга, ўқувчилар ўз-ўзини, ўраб турган борлиқни англаши хамда ўз фикр ва туйғуларини ифодалашда ўқув фанлари имкониятларидан самарали фойдаланишига хизмат қилмоги лозим.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аникдаш мезонларини амалиётга татбиқ этиш оркали:

- *биринчидан*, ўқув материалларининг ўзлаштирганлик даражасини аникдаш;
- *иккинчидан*, ўқувчиларнинг иктидорини, қобилиятларини ривожлантириш;
- *учинчидан*, ўқувчилардага мустакил фикрлаш ва уни баён килиш кўнкимларини шакллантириш;
- *тўртинчидан*, мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш жараёnidаги муаммоларни аникдаш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш;
- *бешинчидан*, таълим-тарбия жараёnidаги тизимлилик, узвийликни таъминлашга эришилади.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини баҳолаш ўқитувчининг ижтимоий-гуманитар таълим жараёни самародорлигидан манфаатдорлигини оширади.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аникдашда куйидаги талабларга риоя килиш лозим:

1. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аникдаш юзасидан белгиланган мезонлар асосида аниқ мақсадларни белгилаш.
2. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аникдаш мезонларини тўлақонли татбиқ этган холда жараёнга ёндошиш.
3. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган холда ўқув топширикдарини лойиҳалашга эришиш.
4. Бериладиган топширикдарнинг ўқувчилар томонидан тўликтушунилишига муваффақ бўлиш.
5. Ўқувчилар учун қулай бўлган муддатларда уларнинг мустакил фикрлаш салохиятлари даражасини таҳдил этиш.
6. Укувчиларни ортиқча зўриктирмасликка эришиш.
7. Натижаларни таҳдил килиш жараёнига масъулият билан ёндошиш.

Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини аникдаш мезонларини татбиқ этишда турли методлардан фойдаланилади.

Маълумки, таълим методларини муайян педагогик шароитга мослигини таъминлаш таълим сифатини ошириш омилларидан хисобланади. У ўқувчи эгаллаши зарур бўлган билимларни пухта ўзлаштирилиши, дарс жараёнида шогирд ва устознинг толикмаслиги ва тежалишида намоён бўлади.

Таълим методининг, асосан, дарс мақсадига кўра белгиланиши барчата аён. Аммо таълим методини белгилашда ўқув материали мазмуни билан уни ўрганувчининг салохият даражаси ўртасидаги мувозанат, таълим воситалари кабилар Ҳам таъсир этишини назардан кочирмаслик зарур. Аксарият ўқув фашгарида аралаш дарс типидан фойдаланилади. Бун-

дай дарсларда ўкувчиларнинг ўкув материалини ўзлаштирганлик даражасини аникдаш янги маълумотни ўрганиш (таянч билимларни бойитиш), ўтилганларни мустахкамлаш ва уйга вазифа бериш кабилар кетма-кет кечади. Бундай дарс типида вактнинг 50—60 фоизи ўкувчи билимини текширишга сарфланади.

Факат янги билимларни ўрганиш ёки ўкувчи билимини текшириш ва баҳолашдангина иборат дарслар ҳамон мавжуд. Жумладан, V—IX синфларда аксарият дарсларни янги материални ўрганишга қаратилиб, муайян мавзу ўрганиб бўлингач, асосан, текшириш, назоратга мўлжалланган дарслар ҳам режалаштирилади.

Укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда асосий эътибор мазмунга, ўрганилётган материалларнинг тизимлилигига қаратилмоқда. Бунда ўкувчининг билими, ўрганишга бўлган ҳавасининг сусаймаслигига алоҳида аҳамият берилади. Шу максадда «Бугунги мавзуни пухта билган кейинги мавзуларни шубҳасиз ўзлаштиради» ёки «Бу мавзуни дарс давомида ўзлаштириб улгурилса, уй вазифага асло хожат қолмайди» сингари даъватлар ўкувчиларни тетиклаштириб, узлуксиз фаоллик таъминланади.

Ўкув материалидан энг асосийларини ўкувчилар тушуниши ва эслаб қолиши дарс муваффакиятли утганлигининг биринчи аломатидир. Тушуниб ва эслаб қолинган билимларгина кейинги дарсга «кўприк» бўла олади. Дарс жараёнида ўрганилганларни уйда дарслик ва бошқа дидактик воситалардан фойдаланиб мустакил такрорлаш ҳам шу мақсадни кўзлайди.

Будар замонавий дарс режасида, колаверса, курени дарсларга изчил тақсимлашда эътиборда бўлмоғи шарт. Шунингдек, такрорлаш дарснинг аҳамиятини ҳам унутмаслик кепрак. У умумий ўрта таълим мазмунига хос узвийликнинг тақозо қилувчи, колаверса, турли сабабларга кура дарс крлдириган укувчиларнинг синф жамоасидан ортда қолмаслигининг кафолатловчи воситадир.

Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия жараёнининг янги педагогик технология ёрдамида оптимальлаштирилиши ҳар бир дарс қисмларининг ўзига хослигини таъминловчи бош омилдир. Масалан, географиянинг бошқа ўкув фанларидан фарқди тарзда хилма-хил факт, ракам ва атамалар билан иш кўриши ҳар бир дарс мазмуни ва методларида ўз ифодасини топади. Бунда географик атамалар маъносини аникдаш учун ўкувчиларга берилган материалларни аниқ саналари билан ёдда сакдаб қолиш талаби қўйилади. Дарҳақиқат, муайян географик қонуниятнинг намоён бўлишини таъминлаш учун ўнлаб ходиса, жараёнларга алокадор бўлган кўплаб микдор ва сифат кўрсаткичлар ва хилма-хил географик номларга эҳтиёж сезилади. Уларнинг барчасини эслаб қолиш, аввало, ўкувчи руҳий ҳолати ҳамда дидактик нуктаи назардан шарт эмас. Тўғри, атамалар сифатидаги маълумотлар микдори ўкув фанлари мазмунида шунчалар кўп ифодаланганки, ўкувчи хотира қуввасини буткул сафарбар қилганда ҳам уларни қамраб ололмайди. Шу боис укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини аникдаш жараёнида белгиланган мезонларда буни эътиборга олиш лозимлиги назарда тутилди.

Укувчиларнинг тушуниши, билиши зарур бўлган билимлар ҳамда эгалланиши, уddyalай олиши талаб этиладиган кўнишка ва малакалар минимал меъёрини давлат таълим стандарти, жумладан, география таълими стандартида белгилаб қўйилган ва улар тушунча, қонуният, атама, ном Ҳамда бирон-бир жойнинг тавсифини тузা олиш, ходиса, жараёнларни моделлаштира билиш, моделларни ўқий олиш сингариларда ифодаланган. Ўқитувчи дарсликнинг таянч билим ҳамда малака таркиб топишига хизмат қилувчи биринчи даражали аҳамиятга молик материалини юқоридагилар асосида ажратади. Ўқитувчи томонидан ажратилган «ўкувчилар билими ва малакаларига бўлган минимал талаблар» рукнидан жой олган барча меъёрлар ўзлаштирилиши шарт бўлган масалалар эканини англашади.

Ўзбекистоннинг иктиносидий ва ижтимоий географияси (VIII синф) курсидаги «Ўзбекистон ахолиси ва меҳнат ресурслари» мавзусида эса ахоли сонининг ўзгариши, унинг жойлашувига таъсир этувчи омиллар, «меҳнат ресурси» (инсон омили) тушунчаси мамлакат турли ҳудудларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиши кабилар асосий билимлар сирасига киради. Мамлакат ахолисининг миллий таркиби, республиканинг сиёсий-маъмурий булинишига хос бўлимлар эса илгари ўрганилган, бинобарин, таянч ўрин эгалловчи мавзулар хисобланади. Кўрсатиб ўтилганлар ёрдамида хар бир дарсга хос мақсадни аникдаш шунчаки осон иш эмас ва унга география таъяими моҳиятини мукаммал билмасдан ёндошиш масъулиятсизликдир.

Янги педагогик технологияга ўтдиши билан хар бир дарсда ўкувчи билимини назорат қилишга эҳтиёж қолмаяпти. Давлат таълим стандартлари, баҳолаш рейтинги, тест каби янгича меъёр, мезон ва усулларнинг қўланилиши туфайли ўкувчиларнинг билими ёппасига ҳамда тезкор аникданмокда. Курснинг муайян мавзуси ёки бўлими юзасидан ўкувчи билими умумий назоратдан ўтказилиши туфайли вакт тежалмокда. Бундай имкониятга эришиш шартларидан бири курени дарелар тизими шаклида режалаштиришdir.

Куйида бутун курени тизимли режалаштириш параметрларини тавсия этамиз.

Дарснинг тартиб раками	Дарс мавзууси	Дарснинг мақсади	Дидактик восита-лар	Таълим методи	Амалий иш	Уй вазифаси	Изоҳ

Юқорида таъкидлаганидек, алоҳида дарс мақсадини тўғри белгилаш ўта масъулиятли иш. Унинг қандай ҳал килиниши орқали ўқитувчи салоҳиятини ва ҳатто, дарс қандай кечишини аникдаш мумкин. Ўкувчи билимини аниқлашдек бе\* самар дарс элементининг ихчамлашуви хисобига тежалгая

вакт ҳам янги ўкув материалини ўрганишга йўналтирилади. Бу ўз навбатида уй вазифаси мазмунини ҳам ўзгартиради.

Энди тарих дареларида ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш кўнилмаларини ривожлантириш хақида сўз юритсан. Ҳозирги замон таълим мининг устувор масалаларидан бири бу атроф-муҳиттга мослаша оладиган ва унда ўз ўрнини то-падиган шахени шакллантириш ва тарбиялашдир. Кўйилган ушбу мақсадга фақатгина мустакил фикрлаш кўнилмаларига эга бўлган ўкувчигина эришиши мумкин. Тарих фани ҳам она тили, адабиёт, география, тасвирий санъат ўкув фанлари каби ўкувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда катта имкониятларга эга.

Шунинг учун ҳам тарих фани ўқитувчиси ўз фаолиятини ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтириши керак, чунки мустакиллик йилларида тарих ўкув фанининг олдига кўйилган мақсад ва вазифалар тубдан янгиланди. Эндиликда тарих таълими асосини ўкувчиларга интерпретациялашган билимларни такдим этиш ташкил килади. Интерпретациялашган билимларни такдим этиш усули бир қанча афзалликларга эга: муҳокама, мулоҳаза ва мунозаралар орқали тарих мазмунини ўрганиш, датил-даъволарни изоҳлаш, уларга нисбатан ўз фикрларини билдириш мустакил фикрлашнинг пойдеворини ташкил этади. Тарихий ҳодиса ва воқеаларни таҳдил қилиш, бир қанча олимлар қарашлари, фикрлари билан танишиш ўкувчиларнинг онг, фикр ва тасаввури чегараларини кенгайтиради ва такомиллаштиради, чунки хар бир назария, фикр, ғоя ва таҳмин тўғрисида баҳсласиши мумкин, баҳс жараённада эса янги ғоя ва фикрлар туғилади, ўкувчи фикрини кўп қиррали (полифоник) килади. Тарихий воқеа ва ҳодисаларда доимо мунозарали, мавхум фикрлар бўлади, бу эса тарих ўқитувчиларига ўкувчиларга баҳс ва муҳокама орқали мустакил ва ижодий фикрлаш ҳамда ёндошишга ўргатиш имкониятини яратади.

Дарс жараённида бундай мустакил фикрлаш тизимини яратиш ўқувчиларда ўқув фанига нисбатан чукур қизиқиши нийғатади ва дидактик натижани кафолатлади.

Бу тизим тарих фани дарсларида мавзуларни боскичмабоскич ўтишни осонлаштиради. Биринчи — ахборотли боскич, мақсади ~ ўқувчиларга асосий фактлар ҳакида маълумот бериш, қийин ва муаммоли масалалар ва саволларни ажратиб олиш, утмишда ушбу масалаларга нисбатан олим ва тарихчилар томонидан берилган фикрлар билан танишириш. Мазкур боскичда вербал усулдан фойдаланиш лозим: маъруза, сухбат ва баҳс элементларига эга бўлган маъруза (имкон қадар видеороликлар иштироқида).

Иккинчи боскич мақсади ~ ўрганилаётган мавзунинг асосий муаммоли савол ва масалалар мазмунига чуқуррокки<sup>x</sup>риш ва уларни мухокама килиш. Дарслар фаол олиб борилади: мустакил семинар дарслар, конференция дарслар, образли дарслар, диспутлар, дебатлар ва бошқ. Ушбу тарзда дарс ўтиш укувчиларнинг ўша даврга ҳаёлан кириб боришларига, тарихий жараённинг ривожланиш анъаналарини тўлиқ тушунишларига ёрдам беради.

Учинчи боскичда кент тузилма усул орқали мустакил ишларнинг натижалари кўриб чиқилади. Мазкур усульнинг мазмuni ва ғояси хар бир тарихий масалага нисбатан икки қарама-қарши фикр ва ёндошувни топиш ҳамда уларни тағкослашдан иборатdir.  
• \*

Ушбу усул доирасида қарама-қаршиликлар танқид сифатида курилмайди, унга импрессион образ тарзида ёндошиш талаб этилади ҳамда шу орқали ўқувчи нафақат мавжуд ҳолатларни, балки ушбу икки жихат орасидаги баҳолар спектрини ва, умуман, тарихни тўлиқ ва кенгроқ ҳажмда кўришга имкон беради.  
..'-ф

Энди мазкур усул орқали эришиш мумкин бўлган натижани кўрамиз — ўрганилаётган мавзунинг асосий муаммо<sup>^</sup>сига нисбатан ўқувчининг шахсий муносабати — унинг ин-

теллектуал фаолияти, ижодий тафаккури, мустакил фикр ва қарашлари шаклланади ва аникданади.

Биринчи боскичда ўқитувчи беришни режалаштирган барча маълумотларни ўқувчилар қабул қила олса, дарс ўз мақсадига эриша олади.

Иккинчи боскич доирасида ўқувчи мустакил ишлайди, кўшимча адабиёт ва қўлланмалардан фойдаланади, маълумотларнинг катгароқ банкини кидиради, бу эса унинг шахсий нуткай назарга эга бўлишига ёрдам беради.

Учинчи боскичда кент майдон ва таркибли усул орқали ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда кўп киррали тарихий масаланинг асосий, энг мухим нуткасини улар орасида фикр алмашиш ва воқеликка баҳо бериш кўнижмасини ҳосил килиш орқали топади. Бу жараёнда ўқувчи ҳакиқатни топиш учун баҳслашиш, мухокама килиш, ўз фикрини исботлаш ва ушбу мустакил фикрни химоялашга ўрганиб қолмасдан, балки бошқалар фикрини эшитиш, унга кулоқ солиш ва инобатга олиб, улар билан ҳисоблашишга ўрганади.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини аникдашнинг куйидаги йўналишларини келтириб ўтмоқчимиз:

- берилган маълумотларни қабул килиш ва тушуниш дарражаси;
- вазиятларни тўғри, аниқ баҳолай олиши;
- аниқ стратегияни белгилаши;
- мухим қарорлар қабул килиш малакаси;
- холосалаш даражаси;
- берилган билимларнинг ўз ҳаётидаги фойдаланишлик Даражасини талқин эта билиши;
- воқеликни кўра билиши.

Дарҳакиқат, ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини аникдаш мезонлари асосида амалга ошириладиган хатти-Харакатлар белгиланиб, ривожланиш учун замин яратилади. Бунда ўрганилаётган мавзуни таҳдил қилиш, ҳодиса ва жа-

раёнларда мухим белгиларни топиш, таккослаш, умумлаштириш, хар бир ҳолатнинг сабаб-оқибат боғланишларини аникдаш, ўрганилаётган мавзуни амалиётда кўллаш ўз фолиялларини режалаштира олиш кўникмасини эгаллашларида мухимдир. Белгиланган мезонлар асосида аникдаштирилган вазиятдан келиб чиқиб, амалга ошириладиган ишларни режалаштириш имконияти яратилади.

Хар бир жараён таҳдилига асосланган ҳолда муайян мезонлар асосида ишлаш ўқитувчи фаолияти самарадорлигини оширади. Олиб борилган гайларнинг натижалари эса ўқув жараёнини такомиллаштириш имкониятига эга. Ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятларини ривожлантиришда мазкур ёндошувлар мухим дидактик асос бўлиб хизмат килади.

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

### ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАКИЛ ФИКРЛАШ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИЧА МОДЕЛИ

XXI асрга келиб ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар ўзига хос меъёрлар ва омилларни кашф этишни такозо этмоқда. Айни вактда — будавр талаби хисобланади.

Мустакил фикрлаш — бу, бугунги кун талабларидан келиб чиккан вазифаларни муваффакиятли рўёбга чиқаришга имконият яратувчи, ўрганаётган ва бажараётган ишимизни янада чуқурроқанглашимизга ёрдам берувчи ижобий кўникмадир. Мустакил фикрлашнинг кирралари кенг қамровли, муайян воқеликнинг нуктаи назари билан бойитилган ҳолда амалга ошиб боради. Шундай экан, таълим субъектларининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда мавжуд аспектларининг тутган ўрни мухим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

«Аспект» сўзининг луғавий маъноси нуктаи назар (кирра, жабха)ни англатиб, у ўз ўрнида муайян функцияни бажариб, шаҳе томонидан ўз фаолиятини олиб борган тақдирда-**Шна** маълум бир натижага эришиш мумкин эканлигини билдиради. Белгиланган аспектлар сони икки ёки ундан ортик Қилиб белгилангандагина уларнинг барчаси тўлақонли фаолиятга эга эканлиги қайд этилади. Зоро, бир аспект ишлар-**Маган** тақдирда ҳам белгиланган натижага эришиб бўлмаслиги амалиётда кўрилган.

Таълим-тарбия жараёнининг аспектлари бевосита ўкув

•т

ишларининг сифат ва самарадорлигига йўналтирилганлиги туфайли у, ўз навбатида, фаолият объектлари ва субъектлари билан уйғунликни талаб этади. Ўқув жараёнида ўқувчидаги мустакил фикрлашни ривожлантиришнинг асосий масъулити унга юкландади. Хар бир ўқувчидаги мустакил фикрлаш даражасини аникдаш олиб бориладиган таълимий ишларни режалаштиришнинг мезони бўлиб хизмат килади.

Ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш жараёнининг муваффакиятли кечишини таъминлайдиган ҳолатлар қуидагиларда ўз ифодасини топтан:

1. Жараён нинг ижтимоий-педагогик жиҳатдан таъминланганлик даражаси.

2. Фаолиятни амалга ошириш учун сифатли дидактик ўқув материалларининг мавжудлиги.

3. Ўқитувчининг ўқувчиларни мустакил фикрлашга йўналтира олиш маҳоратига эгалиги.

4. Таълим-тарбия жараёнининг узвийлиги ва узлуксизлиги, уйғуности.

5. Тизимли фаолиятнинг яратилганлиги (ишлаб чикилганлиги).

Мазкур шароитлар бир-бирига боғлиқ ҳолда укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш тизимини вужудга келтиради.

Узбекистан Республикаси Президента И.А.Каримовнинг «Жамиятда мустакил фикрловчи, эркин шахсни шакллантирсак, ўзининг қадр-кимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, хаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз», дейишида чукур назарий-илмий маъно бор. Шу маънода олганда, инсонни шакллантиришда таълим олдига бир қатор муайян вазифалар қўйилади. Яъни ўқув-тарбия жараёнини ўқувчиларда мустакил фикрлашни ривожлантиришга тўлалигича йўналтириш, ўқитувчиларнинг бу борадаги касбий маҳрратини ошириш, ота-она, маҳалла билан ҳамкорликда тизимли ишлаш кабилар ахамиятлиdir. Ушбу йўналишдаги ишларни амал-

га оширишда ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш аспектларининг ўрни мухим хисобланади.

Укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш аспектларининг мақсад, вазифалари, мазмун-моҳиятини тавсифлаб ўтамиш.

Ўқувчилар ижтимоий-педагогик мухитда шаклланади, ўзидаги ахлоқий хулқ-атвор, илмий нуктаи назарни ривожлантириб боради. Натижада таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ўзи яшайтган мухит билан ҳамоҳанг тарзда ўз ўрнини белгилаб, уни эгаллашга интилади. Колаверса, ўкувчи ўз оиласи мухитидаги имкониятлар даражасида фикрлайди. Нафакат моддий, балки маънавий асосларнинг етарли даражада мавжудлиги бу аснода алоҳида талкин этилади. Ота-онанинг фарзандига нисбатан эътиборлилиги бу борада мухим мезон бўлиб саналади.

Ўқувчининг ижтимоий жиҳатдан таъминланганлик даражаси дейилганда қуидагилар назарда тутилади:

- оилада укувчиларнинг мустакил фикрлаши учун яратилган шарт-шароитлар;
- ўқувчининг жисмоний жиҳатдан соғломлиги;
- атроф-муҳитдагилар билан муносабатнинг бунёдкорлик ғоялари асосида таркиб топтирилганлиги;
- педагогик-психологик жиҳатдан соғлом мухитнинг мавжудлиги;
- ўқувчининг ўз фикрини мустакил баён этиши учун зарур шарт-шароитлар таъминланганлиги.

Укувчи мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг дастлабки босқичи, яъни генезиси оила мухитида шаклланади. Мазкур мухитда укувчиларнинг ҳар бир нарса, воқеа-ходисаларга нисбатан кизикишини инобатга олиш, эътиборсиз қолдирилган ҳар қандай фикр, ҳаракат ўқувчини соувқонлик, лоқайдлик сари етаклайди. Оилада бола, унинг интилишлари учун яратилган шарт-шароит (шахс сифатида тан олиниши, ўз кизиқишлиари бўйича машғулотлар би-

лан банд бўлиши учун имкониятларнинг яратилганлиги, унинг фикри, хуоса, қарорининг тингланиши ва хракозо)-лар шулар жумласидандир.

Шуни қайд этиш керакки, ўқувчининг жисмоний жиҳатдан соғломлиги унинг оила, мактаб, тенгдошлари ўртасида ўзини эркин хис килиши, фикрини баён этиши, шахсий қарор қабул қилишида муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан жисмоний ривожланишда нуксонли болаларнинг мустакил фикрлашига алоҳида эътибор ва масъулият талаб этилади. Зоро, бола ўзининг жисмоний ривожланишидаги нуксони учун ўзини жамиятдан узоқ тутишга ҳаракат килмаслиги, ёлғиз хис этмаслиги керак. Бу эса ота-она ва педагогларжамоасидан алоҳида эътиборни тақозо киласди.

Укувчи учун оиласда, мактабда яратилган педагогик-психологик муҳит мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг муҳим омили хисобланади.

Муайян фан йўналиши бўйича илмий маълумотлар умумий ўрта таълим мақсадига асосланган ҳолда ўқувчининг онгига етказилар экан, бу билан унинг фикрлаши учун зарур асос вужудга келади.

Сифатли дидактик ўкув материалларига куйидагилар киради.

1. Тарихий манбалар.
2. Узвийликни таъминловчи ўкув дастурлари.
3. Қизиқарли дареликлар.
4. Таълим жараёни учун қўшимча материаллар.

Ўкув материалларида синфлар, фанлар кесимида берилган ахборотларнинг мантиқан бир-бирини инкорэтмаслиги, тўлдириши ўқувчидаги таълим жараёнига нисбатан кизиқиши уйғотади.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида тарихий манбаларнинг тутган ўрни катта. Ўқувчиларга дарс жараёнида, машғулотлар давомида тарихий манбалар ҳакида билимлар бериш, улар билан мустакил ишлашни ташкил этиш, ўқиш ёки ўқитиши сифатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳозирги даврда умумий ўрта таълим тизимида-ги ўкув фанлари, ундаги ўкув материалларининг кўлами нихоятда кенг. Шу боис, уларни ўкув жараёнига мазмунан кетма-кетликда татбиқ этиш оркали ўқувчиларнинг фикрлаш салохияти ривожлантирилади.

Юқорида қайд этилганидек, ўкув дастурларида фанлар, синфлар кесимида берилган мавзулар, маълумотларнинг такорийлиги ўқувчилар диққатини ўзига жалб этмайди ёки чарчатади. Худди шу боис, ўкув материалларининг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Унда ўқувчининг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга йўналтирилган мавзуларнинг мавжудлиги айни муддаодир.

Ўкув дастурларининг сифати бевосита ўқувчининг ижтимоий- гуманитар таълим жараёнида фикрлаш салохияти-нинг ривожланишига хизмат киласди.

Шу ўринда ўқувчини ўйлаш, изланиш, фикрлашга ундовчи, унинг ёш хусусиятига, кизикишларига мое келувчи дареликларнинг яратилиши, амалда қўлланилиши ҳам муҳимдир. Ўқувчиларнинг мустакил ишлаши жараёнида улар учун асосий манба дарелик хисобланади. Дареликларнинг ўқувчи ёш хусусиятига, ўзлаштирган кўнинка ва малакала-рига мослаштирилиши босқичма-босқич тақомиллашиб борадиган таълим-тарбия жараёни учун кулай шароит яратади. Дарсликда мустакил ишлаш учун берилган топширикдарда укувчиларни мустакил фикрлашга йўналтира оладиган вазифаларнинг куйилиши улар ривожланиши учун кулай педагогик муҳит яратади. Айниқса ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида мустакил фикрлашни таркиб топтириш учун катта имконият туғилади. Масалан, адабиёт таълими соҳаидаги дареликларда асардаги образлар ўқувчи дунёкашини шакллантириши, уни янги маълумотлар, янгича қарашлар билан таништириши мумкин. Шунингдек, тарихий воеа-ходисалар динамикаси, география фанида табиий-ижтимоий-иктисодий мавзуларнинг ёритилиши ўқувчи мустакил фикрлаши учун кулай замин ҳозирлайди.

Таълим жараённан қуигимча материаллардан фойдаланиш ўқувчилар дунёкарашини кенгайтириб, ўз навбатида, мустакил фикрлашга кўшимча омил сифатида хизмат килади.

Уқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган сифатли ўқув материаллари – таълим-тарбия жараённан билиш, изланиш, қизиқиши ҳодисаларини ташкил этиш, шакллантириш учун асосий нукта хисобланади. Зотан, мазкур нуктадаги мавжуд шарт-шароит, имконият тўлаконли фаолиятга айлансангина ўқувчи мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга хисса куша олади.

Ўқитувчи маҳорати - синф хонасидаги қизғин жараён, илмга интилган ўқувчи нигоҳи, келажакка хизмат килиши таъминланган сифатли таълимий натижага билан белгиланади. Укувчининг синфга, дарс жараённага мослашуви бевосита ўқитувчига боғлиқ.

Шу ўринда ижтимоий-гуманитар таълим жараённан ўқитувчининг укувчиларни мустакил фикрлашга йўналтира олиш маҳоратини қўйидагича тавсифлаш мумкин:

- а) укувчининг мавзууни қабул қилиш ҳолатини кузата олиш имкониятига эгалиги;
- б) мавзу моҳиятига асосланган ҳолда ўқувчилар учун қизиқарли тогаирикдарни бера олиш лаёкати;
- в) дарс жараёнларида муаммоли вазиятларни яратади билиши;
- г) ўқувчини мустакил фикрлашга ундовчи таълимий машқдарни танлай олиши;
- д) таққослаш, қиёслаш имкониятини берувчи материалларнинг тўликлиги;
- е) муҳокама, баҳс-мунозара жараённини ташкил эта олиш ва бошқариш маҳорати;
- ж) дарсларнинг барча босқичларида ўқувчи фаоллигига эришиш имкониятига эга эканлиги.

Давлат намунавий ўқув дастури асосида ўқитувчи томонидан билимларни кўпроқ беришга интилиши натижасида

ўқувчиларнинг йўналишга тааллукди фикрлар, қарашлар билан танишиш имконияти чекланади. Шунга кура, дарс жараённан укувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш масаласи эътибордан четда қолади.

Тажриба-синов ишлари натижалари орқали шу нарса аникандики, авваллари ўқитувчи асосий маҳоратини мавжуд билимларни беришга қаратганлиги боис ўқувчилар томонидан ўқув материаллари 66–68% ўзлаштирилган. Ўқитувчининг такомиллаштирилган ўқув-тарбия жараённан уларни мустакил фикрлашга йўналтира олишга оид ишлар олиб борилиши натижасида ўқув дастурларини ўзлаштириш даржаси 72–76% га етди. Бу, ўртача ўсиш 6–8% га ошганлигини тасдиқдайди-

Тажриба-синов натижалари шуни кўрсатади, мустакил фикрлашга йўналтиришда ўқувчиларнинг куйидаги жихатларига эътиборни қаратиш лозим:

- ёш хусусиятлари;
- ўзлаштириш имкониятлари;
- қизиқишилари;
- эҳтиёжлари;
- тажрибалари;
- ҳатти-ҳаракатлари;
- ўқув юкламаси.

Укувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтириш бўйича ўқитувчининг касбий маҳорати билан таълим-тарбия жараённининг сифатини ошириш имконияти яратилади.

Таълим-тарбия жараённининг узвийлиги, узлуксизл以习近平 таъминлаш орқали Давлат таълим стандартти таълабларини бажариш учун шарт-шароит яратилади. Белгиланган билим, кўникма ва малакалар кўламини аниқ хисоблаш ва улар тақсимотини тўғри амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг фанлар йўналишидаги мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш ишлари олиб борилади. Хусусан, география фанида ушбу йўналишдаги ишлар куйидагича таснифланади.

**География ўкув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар микдори**

T/p	Синф	Соат	Билим	Кўникма	Малака	БКМ (жами)	1 соатга ўртacha БКМ сони
1	5-синф	34	41	27	18	86	2,5
2	6-синф	68	79	43	30	152	2,2
3	7-синф	68	82	47	36	165	2,4
4	8-синф	68	85	51	37	173	2,5
5	9-синф	68	88	52	39	179	2,7
	<b>ЖАМИ</b>	<b>306</b>	<b>375</b>	<b>220</b>	<b>160</b>	<b>755</b>	<b>2,5</b>

**«Табиий география бошлангич курси»нинг  
биосфера мавзудаги билим, кўникма ва малакалар**

Синф	Мавзу	Билим	Кўникма	Малака	Ажратил- ган соат	Мустакил иш учун
5-синф	Биосфе- ра хаёт кобиги	4	2	1	2	20 дақика

**Мавзудаги ўкув юклама**

T/p	Синф	Билимлар	Кўникмалар	Малака
1	5-синф	1. Биосфера. Ерда ўсимлик, хайвонларнинг таркалигдини билиш. 2. Географик кобиклар. Ер қрబиклари-нинг ўзаро таъсирини билиш. 3. Ер юзида организмларнинг нотекис тарқалганлигини билиш. 4. Организмларнинг Ер кобикларига таъсирини айтиб беради.	1. Уз худудидаги ўсимликлар ва хайвонларнинг номини айтиб беради.	1. Уз худудидаги хайвонлар, хашаротлар, кушлар, судралиб юрувчилар, сут эмизувчилар рўйхатини (жадвал тарзидаги) мустакил тузади.
2		Ўкувчилар ўзлаштириши юзда тутилган билимлар дарслеридаги 4 бетдан иборат.	Синфда оғзаки сўралади.	Мустакил иш дафтарида бажарилади.

**9- синф "Жаҳон иктисадий-ижтимоий  
географияси"нинг "Жаҳон аҳолиси" мавзудаги  
билим, кўникма ва малакалар**

Синф	Мавзу	Билим	Кўникма	Малака	Ажратил- ган соат	Мустакил вазифа вакти
9-синф	Жаҳон аҳолиси	7	4	2	3	20 дақика

**Мавзудаги ўкув юкламаси**

T/P	Синф	Билимлар	Кўникмалар	Малакалар	
1	9-синф		1. Жаҳон аҳолиси сони. Аҳолининг кўпайиши тушунчаси. Туғилиш, ўлиш ва табиий ўсиш кўрсаткичларини ўзлаштириш. 2. Демографик ўтиш давари. Демографик сиёсат тушунчаларини билиш. 3. Ахолининг жинсий, ёш бўйича, этник (миллий), диний таркибини билиш. 4. Жаҳондаги ёнг йирик тил оиласлари, миллатлар, ёнг таркибини билиш. 5. Ахолининг жойлашиши ва миграциялар (ташки ва ички миграция). Ахолининг нотекис жойлашиши ва зичлигини билиш. 6. Шахар, кишлок аҳолиси ва унинг ўсиши. Урбанизация тушунчаси. Унга хос бўлган жихатларни эгаллаш.	1. Берилган жадвал асосида туғилиш, ўлиш ва табиий ўсиш коэффициентларини таҳлил кила олиш. 2. Айрим давлатлар ва худудлар мисолида миграцион жараёнларни айтиб олиш. 3. Ахрлининг Ер юзида жойлашиши ва зичлигини ўкув атласидан аникдайди олиш. 4. Ер юзида ёнг йирик халкларни, уларнинг маданияти ва турмуш тарзида гиҳусусиятлар-	1. Маълумотлар асосида шахар, мамлакат аҳолисининг табиий ўсиши, зичлигини аниклаб топиш. 2. Статистик маълумотлар асосида берилган шахарларнинг урбанизация даражасини топиш.

	/ Урбанизация жараённи ва атроф-мухит ўртасидаги муносабатларни билиш.	ни айта олиш.	
	2. Ўқувчилар билиши керак бўлган билимлар дарсликда 8 бетдан иборат.	Синфда оғзаки сўралади.	Мустакил иш дафтарида бажарилади.

### Тизимли фаолият

Тафаккурни ривожлантиришда тизимли фаолият натижага эришишнинг муҳим шартидир. Фаолиятнинг хар бир босқичи ва тадбирларнинг тизимлилиги билан ўқувчига таъсир этиш, уни йуналтириш осон кечади. Айни вактда таълим жараёнида тизимли фаолият ўқитувчидан юксак маҳоратни талаб этади ва у куйидаги босқичларда амалга оширилади:

*Субъект (ўқувчи)ни кашф этиши босқичи.* Бунда ўқувчиларни ўрганиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади. Уни турли сўровномалар, савол-жавоблар асосида ташкил этиш мумкин.

*Тизимли фаолиятнинг иккинчи босқичида* хар бир ўқувчининг мустакил фикрлай олиш имкониятини башорат килиш билан тахминий амалга оширилиши мўлжалланган вазифалар белгиланади, ижтимоий-гуманитар таълим жараёнининг мазмун-моҳияти ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилади.

*Тизимли фаолиятнинг учинчи босқичида* жараён учун зарур бўлган топширикдар, вазифалар рўйхати тайёрланиб, амалиётга татбиқ этиш механизми ҳозирланади.

*Тизимли фаолиятнинг тўртинчи босқичида* жараён (хар бир дарсда ёки машгулотда) бошланганидан сўнг ўқувчининг ҳолатига бевосита ҳамоҳанг фаолият амалга оширилади. Уни қисқартириш ёки кенгайтириш айни вазиятга қараб ҳал этилади.

*Тизимли фаолиятнинг бешинчи босқичи давомида* ўқувчи-

лар фикрлашга йўналтирилади. Ҳар бир фикр тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар тингланади. Унинг хар бир фикри қадрли эканлиги ўқувчига англастилади.

*Тизимли фаолиятнинг олтинчи босқичида* фикрлар тинклиштирилиб, укувчиларнинг муйян мълумотлар негизида юзага келган фикрлари турух томонидан сараланади.

*Тизимли фаолиятнинг еттинчи босқичида* укувчиларнинг мустакил карорлар қабул килиш имкониятлари аникданиб, таҳдил этилади, унга ундовчи жараёнлар ташкил килинади. Қабул килинган карор вакғи келиб ўзгариши ва бу тушкунликка сабаб бўлмаслиги эслатилиб, ўқувчига йўлланма берилади.

*Тизимли фаолиятнинг саккизинчи босқичи* хуласа чикдришдан иборат бўлиб, ўқитувчи кейинги фаолиятни ташкил этиш борасидаги материалларга эга. Ҳар бир жихат таҳдил этилган ҳолда ўқувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш модуллари ишлаб чиқиласди.

Ўқувчидаги мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим аспектларидан бири бўлган тизимли фаолиятга даҳлдор хар бир босқичнинг ўзига хос жиҳатлари очилиши туфайли уни мустакил фикрлашга йуналтириш юзасидан ўқитувчи олиб борадиган дидактик ишлар, таълим олувчи бажарадиган вазифалар белгилаб олинади.

Ушбу аспектларни тизимли тарзда амалиётга татбиқ этиш орқали олиб борилган тажриба-синов ишлари якуний натижаларига кура, укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятлари 2000-2009 йиллар хисобига 15-16% га ошганлиги тасдиқданди. Тажриба-синов жараёнида иштирок этган ўқитувчиларнинг, хусусан, Андижон вилоятининг Баликчи, Андижон, Жалакудук; Самарқанд вилоятининг Нарпай, Ургут; Тошкент шахрининг Учтепа, Собир Раҳимов туманларидаги умумтаълим мактабларининг 520 нафар педагог ходимларида ўқувчилар мустакил фикрлаш жараёни ташкил этиш ва уни ривожлантиришга нисбатан муно-

сабатлари ижобий томонга ўзгарди. Хусусан, ўкув-тарбия жараёнини ташкил этиш, ўкувчиларнинг дарс жараёнида фаол иштироки, машғулотлар узвийлигини таъминлаш ва бошқаларда акс этди.

Бу тажриба-синов жараёнларининг бошланниши ва якунидаги натижалар саволнома ёрдамида таҳдил этилди.

Тажриба-синов бошлангунга кадар саволномадан Самаркандин вилояти 182 нафар иштирокчиларидан 21%, Андижон вилоятининг 126 нафар иштирокчиларидан 18%, Тошкент шаҳрининг 212 нафар иштирокчиларидан 32% дан ижобий жавоб олишга муваффақ бўлинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш аспектларини белгилаш ва унинг амалиётдаги фаолиятини йўлга қўйиш оркали уларни мустакил фикрлашга йўналтириш борасидаги ўқитувчиларнинг билим маҳоратини тажриба-синов майдончаларида ўртача 15-16%га оширишга эришилди. Бу билан ўкувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш борасидаги ишларнинг асоси яратилди.

Таълим субъектларининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш аспектлари мукаммал даражада ишланган тақдирда мустакил фикрловчи, кенг дунёқарashi ва ўзининг шахсий фикрига эга бўлган жамият аъзолари кўпаяди.

Ўкувчилар мустакил фикрлаш салоҳияти аспектларининг мавжуддиги туфайли ўкув жараёнининг сифати оша бориши, мазмунан бойитилиши юзага келади. Ижтимоий-педагогик омилларнинг мавжуддиги хар қандай вазиятда ўзгаришларга ундейдиган барча жиҳатларига кўра, жараён мазмунини ошириши билан аҳамиятлидир. Ўкув-тарбия жараённига нисбатан ўқитувчининг шахсий ёндошувида турли фикрларнинг вужудга келиши табиийдир. Хар бир укувчининг мустакил фикрлаши атроф-мухитдаги шарт-шароит юзага келтирган имконият билан ривожланиб боради. Укувчининг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш

аспектлари куйидагилар ёрдамида таълим-тарбия жараёнига самарали таъсир этади.

1. Укувчининг мустакил фикрлаши учун яратилган ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитлар орқали.

2. Ўқитиш услубларининг мустакил фикрлашга йўналтирилганлиги туфайли.

3. Ташкил этилган педагогик чора-тадбирларнинг таълим мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилганлиги асосида.

4. Ўкув-булев жараёнида ўкувчилар ўзлаштириш сифатининг моҳияти ошганлиги сабабли.

5. Ўкувчиларнинг ривожтанишига бўлган ижтимоий буюртмага мое шахснинг тайёргарлик даражаси билан.

6. Дидактик аҳамиятга молик материаллар захираси бойиганлиги сабабли.

Аспектларнинг узвий фаолиятини таъминлаш муаммоси ўзига хос талабларга риоя килишни тақозо этади. Мазкур талаблар ўқитувчи, ота-она ва ўкувчи фаолиятининг бир бутунлигини талаб килади. Пировард натижада ўкув жараёнини самарали воситалар асосида такомиллаштириш, мазмунан бойитишга эришилади.

Фан-техника тараққиёти ҳамда таълим мақсадлари бойишига ҳамоҳанг равишда ўқитиш жараёнининг ташкилий шакллари ва методлари ҳам ўзгаради. Зотан, ҳар қандай педагогик технология ўкув жараёнининг янги модели сифатида намоён бўлади.

Педагогика фани укувчи билан ўқитувчининг таълим жараёнида ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашга, таълим олувчининг эркин фикрлашга ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этишни назарда тутган ҳолда шахени шакллантиришга мўлжалланган янги педагогик технологияларни амалиётга жорий қилмоқца. Ҳар қандай педагогик технология ёки унинг таркибий кисмлари, хоҳ таълим мазмуни, хоҳ ўкув дастури ёки дарелик орқали татбиқ этилишидан катъи

назар, ўқитувчи ушбу технологиядан ўқувчининг ижодий мустакил фаолиятини жадал ривожлантиришга эриша олгандагина таълим жараёни шахснинг шаклланишига самарали таъсир курсата олади (96, 60—63).

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг шакллари асосида ўқитувчи дарсда ўз олдига кўйган мақсадига эришиш учун имкониятлар яратади. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш ҳар бир дарсда қўлланадиган ўқитиш шаклларида намоён бўлади. Жумладан, улар «Анъанавий» ва «Ноанъанавий» шаклда бўлади.

Анъанавий шаклда ўқувчи таълим жараёнида берилган маълумотлардан келиб чиқкан ҳолда мавзуни назарий жиҳатдан ўзлаштиришга қаратилади. Ноанъанавий шаклда эса ўқувчи ҳар бир мавзу ва унга дойр воқеа-ходисаларга нисбатан мустакил ёндошган ҳолда ўз дунёқарашига биноан фикрини баён этади. Олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси шу тариқа ривожлантириб борилади.

Шунингдек, ўқувчилар ёш психологиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўлкашунослик топширикдарини изчил равишда мураккаблаштириб бориш, машғулотларнинг гурухли ҳамда якка тартибдаги шаклларини онгли тарзда мувофикдаштириш — бу соҳадаги асосий ишлардан бири хисобланади.

Ўқувчиларда ўсмирилик ёшида фаол, мустакил, ижодий билишга эҳтиёж пайдо бўлади, уларнинг ташаббускорлик ва ижодкорликларини рағбатлантирувчи турли фаолият шакллари мавжуд назарий коидаларни амалга ошириш имконини беради.

Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг воситалари таълим жараёни самарадорлигини оширишнингомилидир. Дарсда қўлланилган турли воситалар ўқувчи дунёқарашининг кенгайишига, ижодкорлик, ташаббускорлик ва билимдонлик хусусиятларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат киласди.

Ижодий сўзлар, чизма ва харакатлар воситасида янги гояларни айта билиш, янги моделлар ва алоказаларни яратиш мия имкониятларидан тўликроқфойдаланишни талаб киласди. Ахборот коммуникация технологиялари, электрон слайд, электрон дарелик, таянч воситалар орқали ўтилган дарелар ўқувчиларга янги билимларни эгаллашига ёрдам бериш билан бир қаторда хотирасида доимий сақланиб қолиш ва назарий билимларни амалиётда қўллаш имконини беради. Кўргазмали қуроллар, макетлар, тарихий воқеа ва жараёнларни акс эттирувчи тасвирлар, паннолар, муляжлар оркали ўқувчилар ўтилаётган мавзуни яхши ўзлаштиради.

Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг шакл ва воситалари билан бир қаторда методларининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, танланган метод оркали жараённинг сифати кафолатланади.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга оид методларни куйидагича тавсифлаш мумкин.

Маъруза методи.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг асосий методларидан бири бўлиб, бунда ёритилаётган мавзу аниқ маълумотлар орқали, асосланган далил ва таҳдиллар асосида ўқувчини мустакил фикрлашга ундейди. Шунингдек, уларнинг ўзларида назарий билимларни ошириш учун ҳар қандай мураккаб мавзуларни ўзлаштириш имкониятини тайёрлайди.

Баҳс-мунозара методи.

Бунда ўқувчилар маълум бир мавзулар юзасидан ўз фикрларини ҳимоя килишга интилади, шахсий қарашларини намоён этади. Ҳар қандай жараёнда уларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришда ушбу методнинг ўрни мухим хисобланади. Шу билан бир қаторда, бу жара-

ёнда укувчилар ўзгалар фикрини тинглаш, кадрлаш, баҳо-лаш, кузатиш, таҳдил қилиш, таққослаш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллай боради.

#### **Кичик гурухларда ишлаш метода.**

Укувчилар гурухларда турли йўналишлардаги вазифаларни бажаради. Бунда улар ўзларидаги муайян тажриба ва кўникмаларга асосланган ҳолда жараёнга ёндошади. Улар гурух ичida ўз фикрларини бемалол баён этади ва мулоҳазаларини исботлашга харакат қиласди.

#### **Лоиҳалаш метода.**

Ўқитувчи томонидан берилган топширикдар асосида ўкувчилар турли йўналишлардаги фаолият турларини амалга оширишни режалаштиради. Шу аснода билиш фаолиятини режалаштира олиш кўникмаси уларда мустакил тарзда шакллантирилади. Масалан: ишлаб чиқаришни худудий ташкил этиш, ташкил иктисадий алоқалар каби мавзулардаги мустакил таълимий ишлар бунга мисол бўла олади.

#### **Муаммоли ўқитиши метода.**

Укувчилар турли хил муаммоли вазиятлар моҳиятига кириш, улар ечимини топиш учун воситалар танлашга йуналтирилади. Шунингдек, муаммоли вазиятларни турли хил кўринишларда (компьютер, телевизор орқали кўрсатиш) намойиш килиш орқали ҳам уларда муаммоларни мустакил ечиш кўникмаси такомиллаштирилади.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараённада укувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда алоҳида ўринга эга бўлган мазкур метод улар билан ишлашда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, укувчиларнинг ижодкорлик, изланувчанлик, бунёдкорлик ва қашфиётчилик сифатлари уларнинг мустакил фикрлашини оширади.

Айнан тадқиқот давомида амалиётга татбиқ этилган ижтимоий-гуманитар таълим жараённада ўкувчи мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш шакллари, восита ва методларининг самарадорлигини аниқлашга м^ваффақ

бўлдик. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар ўкув фанлари қамровида Андижон, Самарканд вилоятлари ва Тошкент шахрининг 520 нафар ўқитувчиларидан «Укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш амалиётида қўлланилаётган дидактик феноменларни аниқдаш юзасидан сўровнома» ўтказиш жараёни таҳдил этилди.

Ўтказилган сўровнома натижалари шуни тасдиқдайди, ижтимоий-гуманитар таълим жараённада ўқитувчилар учун ўкув-методик материалларни тайёрлаш ва уни амалиётга татбиқ этиш ўз самарасини берди.

Шунингдек, мазкур йўналишдаги ишларни укувчиларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш орқали уларнинг фикрлаш салоҳияти, ёшига оид кдрашларини эътиборга олиш натижасида уларда мустакил фикрлаш билан бир қаторда маънавий дунёқарашни шакллантириш, ривожлантириш мумкин.

Укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда очиқхисобот дарслари муҳим аҳамиятга эга. Биз тажриба-синов ишлари давомида очиқ хисобот дарсларини ҳам ташкил этидик. Уларнинг анъанавий очиқ дарслардан фарки — бунда ўқитувчининг ўкувчиларни мустакил фикрлашга йуналтириш борасида олиб бораётган ишлари юзасидан жамоатчилик олдидағи сархисоби тингланади. Бударсларнинг афзаллиги шундаки, педагогик жиҳатдан ўқитувчиларни ўз устидаги ишлаш, касб маҳоратини намоён килиш, дидактик билимдонлик, ўкув жараёнига технологик ёндоша олиш, ўкувчининг мустакил фикрлаш фаолиятини ташкил кила билиш даражаси намоён бўлади. Ўкувчига эса ҳар қандай шароитда ўз фикрини мустакил баён эта билиш, ўзини тутиш, билимдонлик, ижодкорлик, нутки равонлигини намоён килиш учун имконият яратилади. Ташкилий жиҳатдан эса унинг натижаларига асосланган ҳолда маҳсус комиссия томонидан ўқитувчиларга устама ҳақ белгилаш учун имконият вужудга келади. Ижтимоий-гуманитар йуна-

лишдаги фан ўқитувчилари томонидан ташкил этилган очик хисобот дарслари қуйидаги тартибда ўтказилди:

1. Умумтаълим муассасалари режаси асосида хар бир чорак якуни бўйича.

2. Ўқитувчилар ташаббуси билан холисона ташки назорат учун.

Очиқ хисобот дарсларида:

- а) дарсларни мақсадди ташкил килинишига;
- б) ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга;
- в) дарсларда мактаб, оила, маҳалла аъзоларининг иштирок этишига;
- г) дарсларда ўқитишининг самарали шакллари, воситалири ва методларидан фойдаланишга ахамият берилди.

Шу мақсадлардан келиб чиқкан ҳолда тадқиқот давомида Самарқанд вилояти Самарканд шаҳри, Нарпай, Жомбой, Қўшработ, Ургут, Андижон вилоятининг Балиқчи, Андижон, Жарқўрғон туманларида 140 та умумтаълим муассасаларида «Очиқ хисобот дарслари» тажриба-синовдан ўтказиди.

Очиқ хисобот дарсларида хар чоракда ва фанлар кесимида холисона ташки назорат ишлари амалга оширилиши ўйлга қўйилди. Тажриба-синов натижаларига кура, унга нисбатан кенг жамоатчиликнинг муносабати ижобий эканлиги аён будди. Укувчиларнинг фанларга қизиқиши ортиб, ўтган йилларга нисбатан тажриба-синов ўқказилган таълим муассасаларида уларнинг билим сифати 12,7 %га кўтарилигани таъкидланди. Фанлар кесимида ижтимоий-гуманитар ўкув фанлардан умумтаълим муассасаларида ўқитиладиган бошқа фанларга нисбатан йиллик натижалар бўйича 16 фоизга юкори кўрсаткич олинди.

Шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўкув материаларининг моделлаштирилган технологиялари, ўкувчиларда

мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўкув моделлари, таълим технологиялари ишлаб чикилди. Хусусан, ушбу тавсияларда ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг шакллари, восита ва методларига кенг ўрин ажратилди.

Бу борадаги ишларнинг амалиётдаги ифодасини ўрганишда, натижаларни таҳдил этишда асосий воситалардан бири — дарс таҳдиллариридир- Дарс таҳдиллари кўриб чиқилтанди, куп йиллар давомида ўтказилган мониторинг натижаларидан аён бўлмокдаки, мактаб раҳбарлари томонидан ўқитувчиларнинг дарс таҳдилларига етарлича эътибор қаратилмаган. Ўқитувчи кўп ҳолларда шахсий тажрибасига таяниб, дарсларга юзаки қараб, қўшимча адабиёт ва интернет материалларидан фойдаланмай синфга кирган. Шу боис, халқ таълими ходимларининг август кенгашлари ва фан шуъбалари йиғилишларида ўкув жараёнининг мазмунини такомиллаштириш мақсадида хар чоракда барча ўқитувчиларнинг очик хисобот дарсларини ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилган. Мазкур дарсларда ўқитувчилар нафақат касбий маҳоратларини кўрсатиши, балки укувчиларнинг чорак давомидаги дарс мавзуларини канчалик ўзлаштириб олганликлари ҳамда уларнинг фаол иштирокини таъминлаши кўзда тутилган. Аксарият фанларнинг ўкув дастурларида чораклар бўйича умумлаштирувчи, такрорлаш, якунловчи дарслар учун маҳсус соатлар ажратилган. Зотан, очик хисобот дарсларини эса ўкув режаси доирасида ташкил этиш мумкин.

Ўкув йилининг биринчи чорагида ўқитувчиларга йўналиш бериш мақсадида Самарқанд вилоятининг таянч мактаблари ўқитувчилари томонидан 23 та ўкув фанидан очик хисобот дарслари ташкил килинди. Уларнинг дарс ишланмалари кўпайтирилиб, туман мактабларига етказилди. Эндиликда ўқитувчиларнинг очик хисобот дарсларини ўтка-

зиш тартиби ишлаб чикилиб, хар бир таълим муассасалари га етказилган. Чорак якунида ўтказилаётган бундай дарсларга ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик кенгашлари аъзолари ҳам жалб килинмокда. Келгусида мазкур типдаги дарсларни такомиллаштириш, сифатини ошириш укувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш учун кенг имконият яратади.

Ўқитувчилар, биринчи навбатда, ёш мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиш учун педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларини ҳам ушбу жараён таҳдили ва уни такомиллаштиришга мақсадли жалб этиш режалаштирилди. Хусусан, жойлардан олинган таклифлар ва илмий-педагогик тавсиялар асосида малака ошириш курсларига келган ўқитувчилар курс якунида реферат билан биргаликда очиқ хисобот дарс ишланмаларини тайёрлаб, шу асосда амалиёт дарси ўтиб беришлари йўлга қўйилди.

Туман халқтаълими бўлимларида очиқдарс ишланмалари ва уларнинг якунлари бўйича хисоботларни умумлаштириб бориш тажрибаси қўлланилмоқца. Навбатдаги вазифа — дарслар давомида укувчиларнинг эгаллаган билим даражалари ва мустакил фикрлаш динамикаси натижаларини таҳлил килиш, уларда мустакил фикрлаш куникмаларини ривожлантиришдаги бўшлиқни хисобга олган ҳолда бу соҳада самарадорликни таъминлаш учун бир қатор педагогик чоратадбирларни амалга ошириш зарур.

Самарканд, Андижон вилоятларидаги барча умумтаълим мактабларида биринчи чорак якуни бўйича ота-оналар йиғилишларида очиқхисобот дарслари мухокама килинганлиги, васийлик кенгаси хulosалари мавжудлиги кўриб чиқиди. Ота-оналарни «Очиқхисобот дарс»ларига жалб этишдан максад — фарзандларининг билим олиш жараёнини кузатиш, мустакил фикрлаш куникмаларини ривожлантириш га улар эътиборини жалб этишдан иборатdir.

Ушбу «Очиқ хисобот дарслари»нинг якунлари фанлар бўйича услубий бирлашмалар йиғилишларида мухокама килиниши билан чекланган, дарс таҳдилларида укувчилар томонидан ўзлаштирилмаган билим, кўнкима ва малакалар аник кўрсатиб берилмаган, уларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш тўғрисида тавсиялар ишлаб чикилмаган, мактаб раҳбарлари томонидан «Очиқ хисобот дарслари» етарли даражада таҳдил қилинмаган ҳолатлар мавжуд.

Тавсия этилаёттан дарс ишланмаларида кўпроқ қўшимча материал беришга харакат килинади. Чунки дарслердаги машқдарни бажариш усуллари унинг шартида ва топшириклиарида аник кўрсатилган. Машғулотларни ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида укувчилар мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг шакллари, восита ва методларидан фойдаланиб ташкил этиш йўллари ҳакида фикр юритилган.

Дарс ишланмаларининг мазмуни куйидаги таркибий кисмлардан иборат.

**1. Дарснинг мақсади.** Бунда ўрганилаётган мавзу бўйича назарий билим, амалий кўнкима ва малака ҳосил килиш, шунингдек, дарснинг тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари назарда тутилган.

**2. Дарснинг жиҳози.** Машғулотларнинг кўргазмали қўлланмалар, тарқатма дидактик материаллар, турли жадвал ва лавҳалар, техника воситалари ва бошқалардан фойдаланиб ташкил этилиши дарс самарадорлигини оширади, укувчиларнинг ушбу фанни ўрганишга бўлган қизиқишлири ва мустакил фикрлаш салохиятларини кенгайтиради. Шу маънода, дарс мавзусига мое ҳолда қандай кўрсатмали воситалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

**3. Асосий тушунча ва атамалар.** Дарсда ўзлаштирилиши ва фикр юритилиши назарда тутилган тушунча ва атамалар қайд этилган.

**4. Дарснинг режаси.** 45 дақикалик машғулотнинг изчили

режаси берилган. Дарснинг кириш, асосий ва якуний кисмида қандай амалларни бажариш, қайси иш турларидан фойдаланиш тартиби кўрсатилган.

**5. Дарснинг бориши.** Бу қисмда дарс режасида акс этган бандлар тафсилоти ёритилган.

Хар бир дарс режасида «Мустаҳкамлаш» ҳамда «Дарс якуни ва уй вазифалари» банди такрорланади. Бирок дарс ишланмаларида машгулотнинг мустаҳкамлаш қисмини қандай ташкил этиш йўллари алохидаги ёритилмаган. Чунки дарсликда хар бир мавзунинг мухокамаси учун савол ва топширикдар берилган. Уйга бериладиган вазифа ҳам аник кўрсатилган.

Ўкув фани бўйича уйга бериладиган вазифа дарс жараёнида ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, такрорлаш имконини берувчи таълим воситаси ҳисобланаб, ўкувчиларда ижро интизомини таркиб топтиради.

Уй вазифаси таҳдилини қандай шаклда ва қачон ўтказиш ўрганилаётган мавзу хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Шунга кура, уй вазифаси таҳдили масаласи хусусида хар бир дарсда маҳсус тўхтамадик. Уй вазифасини сўрашни ташкил этиш усули ўқитувчи ихтиёрида бўлиб, унинг изчиллигини таъминлашга ўкувчиларга берилган топширикка масъулият билан ёndoших хиссини тарбиялаш нуктаи назаридан қаралади.

Дарс жараёнида ўкувчилар фаолиятини рағбатлантириш, тўғри баҳолаш ҳам таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллардан хисобланади.

Таълим самарадорлигини оширишда ўқитиши шакллари, восита ва методларининг тўғри танланиши ҳам асосий вазифаларданadir. Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанларнинг ўзига хос таълим усуслари мавжуд. Ўрганилаётган мавзу хусусиятига мое ҳолда ўқитиши усулининг танланиши ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлик. Дарс ишланмаларида замонавий таълимнинг интерфаол усусларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди, муаммоли вазиятлар яратилиб, ўкув-

чилярнинг мустакил, ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга алохидаги эътибор қаратилди.

Хар бир дарс машғулоти таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи макеадни амалга оширишни назарда тутар экан, кўп ўринларда ўкувчиларга меҳнатга муносабат, меҳнатсеварлик фояларини сингдириш масаласига эътибор қаратидики, зеро, барча инсоний фазилатларни шакллантириш замирида меҳнат ётади. Дарсликда берилган назарий билим ва амалий топширикдар укувчиларнинг ижодий меҳнат килишларига йўналтирилган. Ўкувчи ўзи меҳнат қилиб, изланиб топган ечими, холосаси унинг мулкига айланади. Шу нуктаи назардан қараганда укувчиларнинг мустакил ва ижодий ишларига кенг ўрин берилди. Бунда уларнинг мустакил фикрлари, хар бир жараёнга нисбатан муносабатлари шаклланиши, муаммоларни мустакил ечиш кўникмаси хосил бўлиши ўкув сифатининг ошишига олиб келади.

Амалга оширилган тажриба-синов ишларида амалиётга татбиқ этилган методик рисолалар, ўқитишининг самарали технологиялари асосида ўкувчилар мустакил фикрлаш салоҳияти ривожланишининг ортишига эришилди.

Шу билан бир қаторда ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг самарали жихатларидан бири — бу, улардаги маънавий баркамолликнинг, тафаккур тарзининг кенгайиши баробарида тараққиёт учун муносабиҳисса куша биладиган ёшларнинг шакжанишидир. Шу асосга кўра, мазкур тадқиқот олдига ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик асосларини тадқиқ қилиш вазифаси қўйилди. Бу борада 1тжтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар нафақат ўкувчилар балки бутун миллат вакиллари учун ҳам миллий онг, дунёкарош, тафаккур ва миллий рух, миллий ахлок, муомала ҳамда мuloқот маданиятини шакллантиришда мухим; мазкур фанлар ўкувчилар учун воқеликдаги ҳар бир жараённи ўз нуктаи назаридан билан таҳ-

лил эта олиш, амалиетда турли вазиятларни яратиш, муаммоларни ечиш йўларини мустакил белгиловчи ўзига хос имкониятлари билан ажralиб туради.

Тадқиқотимизда ўкувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг формула ифодаси шаклланди:

**ЎМФСР** — укувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш.

**БТИ** — билим, тажриба, имконият.

**ФТС** — фаолият, татбиқ этиш, самарадорлик.

**ЎМФСР = БТИ + ФТС.**

**Қоида: Ўкувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш улар томонидан эгалланган билим, орттирилган тажриба ва мавжуд имкониятларни фаолиятга татбиқ этилиш самарадорлش ига тенг.**

Ўкувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш модели куйидагиларни асослашга имкон беради:

а) укувчиларнинг мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантириш орқали ўкув материалларини тўлақонли ўзлаштиришга эришилади;

б) ўкувчининг ўз фаолиятига нисбатан талабчанлиги ошади;

в) ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида унинг мавжуд укув-методик адабиётлар билан кўпроқ ишлашга иштиёки ортади;

г) таълим натижасининг сифати янада қўтирилади.

#### **Олинган натижалардан амалиетда фойдаланиш.**

Тадқиқот давомида тўпланган натижалар, яъни ўкувчиларда мустакил фикрлаш салохиятини аникдаш мезони, ривожлантиришнинг педагогик, психологик омиллари, таълим-тарбия жараёнида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлган шакллар, восита ва методлардан амалиётда куйидагича фойдаланиш мумкин:

- умумий ўрта таълим мактабларидаги ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида;

- дарсдан ташқари машғулотларда;
- педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида;
- педагоглар тайёрловчи барча олий ўкув юртларида;
- ўкув дастурлари тузишда, маъруза матнларини тайёрлашда;

Хулоса килиб айтганда, ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида укувчилар мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришнинг шакллари, восита ва методларидан самарали фойдаланиш орқали тизимдаги ишлар сифатини ошириш мумкин. Бу борада ўқитувчиларни ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида укувчилар мустакил фикрлаш салохиятини ривожлантиришга йўналтирилган самарали шакллари, восита ва методлари билан мунтазам куроллантириб бориш заруратини аникдаган холда, мазкур йўналишдаги имкониятларини кенгайтиришга муваффак бўлинди.

Хусусан, ҳудудлардаги ўқитувчиларни мазкур йўналишдаги методик тавсиялар, илмий-методик жиҳатдан асосланган намунавий дарс ишланмалари билан таъминлаш ишлари ташкиллаштиридди.

## ХУЛОСА

Мустакилликнинг илк йиллариданоқ таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишга, ўсиб келаётган ёш авлодни ўз мустакил фикрига эга бўлиши, баркамол инсон сифатида тарбиялашга хукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг кенг кўламлилиги, узвийлиги, энг муҳими, ўқувчи шахсини ривожлантиришга ўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Шу максадда ўкув материаллари таркибида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Бундай янгиланиш, ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик асосларини тадқиқ килиш эҳтиёжини вужудга келтирди. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик омиллари аникданди.

Таълим мазмунини бойитиш максадида қатор ўкув-методик адабиётлар мажмую тубдан янгиланди. Эскириб қолган, бугунги кун эҳтиёжларига жавоб бермаётган уқитишнинг турли технологияларидан воз кёчилиб, натижаси кафолатланган замонавий ўқитиш усулари, шакллари ва воситалари татбик этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каимовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огох бўлишига ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иктисадий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва окибатларини тезда илғаб етиш нихоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустакил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғ-

лом негизда шаклланган дунекараш ва мустахкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол», дея қайд этган фикрларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ (9, 113). Дарҳакиқат, бугунги кунда, ушбу жараёнда ўз мустакил фикрлаш салоҳиятига эга бўлмай туриб, ўқувчини нафақат ўкув материалларини ўзлаштиришга, балки жамиятда ўз ўрнини топишига ҳам қийналиши табиийдир. Бунда тадқиқ килинган ўзигахос жараёнлар, белгиланган ўналишлар ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга ўз хиссасини кўшади.

Мамлакатнинг ривожланишида мустакил фикрлаш салоҳиятига эга бўлган фуқаролари кўпроқ фаоллик кўрсатади. Шуни хисобга олган ҳолда жаҳон ва миллий педагогика-мизда шахснинг фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш мұаммоларига бағишланган изланишлар амалга оширилди ва бу соҳада муайян ютуқдарга эришидди.

Худди шу асосга таянган ҳолда:

- а) ргжтимоий-гуманитар таълим жараёнида амалдаги ўкув материаллари мазмунан такомиллаштирилди;
- б) укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятининг ривожланганлик даражаси муайян мезонлар асосида текширилди;
- в) таълим жараёнида укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ўрганилди ва шу асосда укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга ўналтирилган назарий ёндошувлар, тамойиллар ва ўналишлар аникданди;
- г) ўқитишнинг самарали йўллари орқали ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатадиган хрлатлар бартараф этилди.

Ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари кўйилган тадқиқот фаразларини тўла тасдикдади ҳамда куйидагича хулоса чиқаришга имкон яратди.

1. Педагогик тадқиқотлардан чиқарилган назарий ва илмий-амалий хуносаларни амалиётта жорий этиш хамда педагогик мухитга мувофикдаштиришга эришилди.

2. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг педагогик асосларини белгилаш муаммолар ечими мавжуд эканлигини исботлади.

3. Тажриба-синов ишларида қатнашган респондент-ўқувчиларнинг ижтимоий-гуманитар таълим жараённада мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш кўрсаткичи 6,2 фоизга ошиши таъминланди.

4. Ижтимоий-гуманитар таълим жараённада ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик имкониятлар илмий жихатдан асосланди.

5. Ижтимоий-гуманитар таълим жараёни сифатини оширишнинг педагогик-психологик йўналишлари белгиланди.

6. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш кўниқмаларининг мавжуд даражаси аникданди, педагогик-психологик жихатдан таҳдил этидци ва уни ривожлантириш йўллари, усул ва воситалари, шакл ва методлари кўрсатилди.

7. Ўқувчида мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик ва психологик омиллари белгилаб берилди.

8. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришни педагогик жихатдан таъминлашнинг изчил педагогик тизими яратилди.

9. Ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёни мазмунини тақомиллаштиришнинг умумдидактик асослари яратилди хамда бу жараён янги тавсиялар, ўқув топширикдари ва технологиялар билан бойитилди.

10. Ижтимоий-гуманитар таълим жараёни мазмунининг дидактик параметрлари ажратиб кўрсатилди.

11. Ижтимоий-гуманитар таълим жараённадаги ўқув материалларини моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилди ва назарий жихатдан асосланди.

12. Таълим мазмунини тақомиллаштириш жараённада ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш юзасидан ўқув материалларини модернизация килишнинг зарурый жихатлари алохидаги кўрсатилди.

13. Ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини аникдаш мезонлари мажмуаси тизимлаштирилди ва мазкур тизим асосида таълим олувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини аникдаш натижасида тадқиқот концепцияси тўғри белгиланганлиги тасдиқланди.

#### **Амалиётта татбиқ килиш буйича тавсиялар**

Маълумки, собиқ тузум даврида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ўқув жараённада мустакил фикр юритишларига ва ўз муносабатларини билдиришларига камроқ эътибор килинар эди. Деярли аксарият холларда сифат ўрнига микдорнинг устуворлиги сезилиб туради. Алалхусус, бутун диёримизда мустакил фикрлаш учун тўсикдар йўқ. Шуни талкин этган ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган шакл, восита ва методлар мажмуасидан таркиб топган таълим мазмунининг янги модели:

- ижтимоий-гуманитар таълим жараёнининг янгиланган мазмуни ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятининг даражасини белгилаши;
- ўқувчи шахсининг тафаккури, фаоллиги ва хамкорлигига нисбатан ривожлантирувчи хусусиятта эга эканлиги;
- ўқув материалларини моделлаштириш технологияларининг ўқув-тарбия жараённада вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилиши;
- ўқувчиларни йўналтириш, мустакил фаолиятини режалаштириш учун уларда мустакил фикрлаш салоҳияти кўрсаткичини олдиндан аниқлаб олиши;
- ўқувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришни таълим жараёнининг янгиланган мазмунини тақомиллаштириш учун таркиб топган таълим мазмунининг янги моделининг янги тизими яратиб берилди.

тириш юзасидан педагогик ва психологик қонуниятларга асосланиши;

- ўқувчиларда мантикий фикрлаш фаоллигини оширишга йўналтирилганлиги;
- умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар таълим йўналишидаги ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўнишка ва малакаларида уларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Шунингдек:
  - истиқболда ижтимоий-гуманитар таълим жараённада ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган янги моделларни кенг қўллашга эришиш;
  - ижтимоий-гуманитар туркумдаги ўқув фанлари ўқитувчиларини ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган янги технологиялар билан куроллантириш;
  - такомиллаштирилган ДТСлари, ўқув дастурлари ва дареликлар мазмунида ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга хизмат киладиган билимлар, мавзулар, ўқув материаллари ва таълимий топширикдарга кенг урин ажратиш;
  - ижтимоий-гуманитар таълим жараёнини ўқувчилар мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга хизмат киладиган техник аудио, видео, визуал воситалар, атласлар, карталар, қўшимча адабиётлар, иқғисодий, географик атамалар луғатлари билан тўлиқтаъминлашга эришиш мақсадга мувоғиқ хисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Юксак малакали мутахассислар — тараккиёт омили. — Т.: Узбекистан, 1995. — 24 б.
2. Каримов И.А.Баркамол авлод — Узбекистан тараккиётининг пойдевори.— Т.: Узбекистан, 1997. — 52 б.
- 3.Каримов у\А. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. 6-том. Т.: Узбекистан, 1998, 332 б.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош мухаррирининг саволларига жавоблар. 1998 йил — Т.: Узбекистан, 1998. - 94-6.
5. Каримов И.А. Узбекистан XXI асрга интилмокда. — Т.: Узбекистан, 1999. - 48-6.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хает — пировард ҳаётимиз. 8-том. Т.: Узбекистан, 2000. — 528 б.
7. Каримов И.А. Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва таъмийлар. — Т.: Узбекистан. 2001. — 56 б.
8. Каримов И.А. Ёшлишимиз — ҳалқимиз ишончи ва таянчи. — Т.: Маънавият, 2006. — 96 б.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
10. Узбекистан Республикаси Конституцияси. —Т.: Узбекистан, 2003. -36 б.
11. Узбекистан Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуни //Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. - Т., 2000. 19-55-6.
12. Умумий ўрта таълимнинг давлат стандарти //Таълим тараккиёти. 3-маҳсус сон. — Т.: Шарқ, 1999. —400 6.
13. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: Ўқитувчи, 1992. - 160 б.
14. Анисимов О.С. Методологическая культура педагогической деятельности и мышления. М.: Экономика, 1991. — 415 с.
15. Ахлидинов Р.Ш. Мактаб таълимининг ижтимоий-педагогик бошқаруви //Халқ таълими. 1998 йил, 1-сон. 46—50-6.
16. Ахлидинов Р.Ш. Тараккиёт стратегияси //Таълим тараққиёти. — 2000. 1-сон. 2-4-6.
17. Бабанский Ю.К. Методика обучения в современной общеобразовательной школе. — М.: Просвещение, 1985. — 208 с.<sup>243</sup>

18. Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды. — М: Педагогика, 1989. -558 с.
19. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 62 б.
20. Бесспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. — М.: Просвещение, 1989. — 217 с.
21. Богоявлнский Д.Н. Развитие самостоятельности мышления школьников как основа активных методов обучения. Сб. Пути повышения качества усвоения знаний в нач.кл. - М.: АПИ РСФСР. 1962. - 280 с.
22. Бородкин В.И. Психоэнергетика мышления. - М.: Фаир, 1997. - 266 с.
23. Брушлинский А.В. Психология мышления и проблемное обучение. - М.: Знание, 1983. - 96 с.
24. Брушлинский Д.В. Культурно-историческая теория мышления. - М.: Высшая школа, 1968. - 104 с.
25. Брушлинский А. В. Психология мышления и кибернетика, - М.: Мысль, 1970. - 191 с.
26. Васильев И.А., Поплужный В.Л., Тихомиров О.К. Эмоции и мышление. - М., 1980. - 192 с.
27. Вергтаймер М. Продуктивное мышление. - М.: Просвещение. 1991.- 172 с.
28. Выготский Л.С. Собрание сочинений. Мысление и речь. — М.: Педагогика, 1982. - 504 с.
29. Выготский Л.С. Педагогическая психология. — М.: Педагогика, 1991. - 480 с.
30. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1991. - 93 с.
31. Давыдов В.В. Научное обеспечение образования в свете нового педагогического мышления. —М., 1991. 64-66 с.
32. Дюн Д. Психология и педагогика мышления. - М.: Совершенство, 1997.
33. Жаяолиддин Румий. Ичиндаги ичингдадир. - Т.: Ёзувчи, 1997. - 192 б.
34. Женни Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Дарсни режалаштириш ва ўзлаштириш баҳоси. (Танкидий фикрлашни ривожлантириш учун ўқиш ва ёзиш). - Т.: Узбекистан - Очиқ Жамият института, 2000. - 49 б.
35. Жуманазар Бекназар. Юксалиш мезони Ибн Сино ғояларида// «Маърифат» газетаси, 2000 йил, 10 июнь. 3-бет.
36. Жуйков С.Ф. Формирование самостоятельного мышления первоклассников. — М.: Начальная школа, 1967. № 2.
37. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш: Истиқдол изтироблари ва кувончлари ҳақида мулоҳазалар. — Т.: Шарқ, 2001. — 237 б.
38. Завалишина Д.Н. Психологический анализ оперативного мышления. - М., 1985.- 221 с.
39. Загашев И.О., Заир-Бек С И . Критическое мышление: технология развития. - СПб.: Альянс-Дельта, 2003. - 284 с.
40. Загашев И.О., Заир-Бек С И ., Муштавинская И.В. Учим детей мыслить критически. - СПб. : Альянс-Дельта совм. с изд-вом «Речь», 2003. - 192 с.
41. Зак А.З. Развитие теоретического мышления у младших школьников. - М., 1984. - 152 с.
42. Зуннунов А., Хайруллаев М., Хотамов Н., Шодиев Д. Урта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавхалар. - Тошкент, 1996. - 350 б.
43. Иноғомова С. Мантикий фикрлаш // Бошлангач таълим. 2000. 2-сон. - 20 - 21 б.
44. Измайлова АЭ. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Педагогика, 1991. - 252 с.
45. Ивин А.А. Искусство правильно мыслить. - М.: Просвещение, 1990. - 237 с.
46. Йўлдошев Ж.Ф. Таълимимиз истиқдоли йўлида. - Т.: Шарқ, 1996.-224 6.
47. Йўлдошев К. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари: пед. фан. док. дис. автореф. — Т., 1997. — 49 б.
48. Йўлдошев М. Эркинлик руҳи болаликда сингади // Маърифат. 2000 йил, 3-май. 3-бет.
49. Каримова В., Суннатова Р., Тожибоева Р. Мустакил фикрлаш: Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари учун ўкув қўлланма. -Т.:Шарқ. 2000. - 112 6.
50. Каримова В., Суннатова Р. Мустакил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма. - Т.: Шарқ, 2000. - 193 6.
51. Кулюткин Ю.Н., Сухобская Г.С. Индивидуальные различия в мыслительной деятельности взрослых учащихся. — М.: Педагогика, 1971.-112 с.
52. Коротяев Б.И. Учение - процесс творческий. - М.: Просвещение, 1989. - 159 с.

53. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности педагога и мастера производственного обучения, — М.: Высшая школа, 1990. — 119 с.
54. Кулюткина Ю.Н., Сухотская Г.С. Моделирование педагогических ситуаций. — М.: Педагогика, 1981. — 118 с.
55. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Влияние Национальной программы по подготовке кадров на развитие общества и формирование личности: Учебное пособие. — Т., 1999. — 96 с.
56. Кехо Д., Фишер Н. Сила разума для детей. Пер. с англ. П.А. Самсонов. — 3-е изд. — Мн.: Попурри, 2006. — 176 с. : ил. — (Серия «Живите с умом»).
57. Лайло В.В. Повышение грамотности и развитие мышления. — М.: Дрофа, 2002. - 93 с.
58. Левитин К.Е. Личностью не рождаются. — М.: Наука, 1990. — 208 с.
59. Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. — М.: Педагогика, 1989. —218 с.
60. Лук А.Н. Учить мыслить. — М.: Знание, 1995. — 96 с.
61. Манавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиллар)// Масъул мухарир: М.М.Хайруллаев. Тўлдиргандай кайта нашр. — Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. - 400 б.
62. Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. — М.: Педагогика, 1972. — 168 с.
63. Маковельский АО. Авесто. Боку. Ozarb. ФА. 1960. —18-6.
64. Махмудов М.И. Развитие познавательной активности и самостоятельности учащихся. — Казань: Татарское книжное издательство, 1963. - 80 с.
65. Махкамов У. Укувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. — Т.: Фан, 1995. — 133-6.
66. Маркова А.К. Психология труда учителя, —М.: Просвещение, 1993. - 190 с.
67. Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. - М.: Педагогика, 1972. -170 с.
68. Менчинская Н.А. Проблемы учения и умственного развития школьника. — М.: Педагогика. 1989. — 224 с.
69. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. — М.: Дело, 1994. - 216 с.
70. Мусаев П. Мактаб география дарсликларини яратиш мезонлари. - Т., 1994. ЎзПФИТИ. - 14-6.
71. Мусаев П., Мусаев Ж. Мустакил фикрлашга ўргатишнинг педагогик асослари// ЎМКХТМ, 2002.
72. Мусаев П., Мусаев Ж. Ўзбекистоннинг иктисодий ва ижтимоий географиясидан ўқитувчи китоби: Методик кулланма. — Т.: Маърифат-мададкор, 2003. — 124 б.
73. Мусаев П., Мусаев Ж. География. (Ўзбекистоннинг иктисодий ва ижтимоий географияси). 8-синф ўқувчилари учун дарелик. — Т.: Шарқ, 2006. -160-6.
74. Морозов М.Ф. Воспитание самостоятельности мысли школьников в учебной работе. — М.: Учпедгиз, 1959. — 92 с.
75. Морозов М.Ф. Вопросы учителя как средство активизации мыслительной деятельности учащихся на уроке П. // Советская педагогика, 1957. № 5.— 21 с.
76. Немов Р.С. Психология. — М.: Просвещение, 1990. — 301 с.
77. Немов Р.С. Психология. В 3 т. Т. 1, - М.: Просвещение, 1995. - 288 с.
78. Немматова Г. Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва укувчининг мустакил фаолияти. — Т.: РТМ, 2001. — 24 6.
79. Нишонова З. Мустакил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари //Халқтаълими. 2001. 1-сон. 34—37-6.
80. Нишонова З. Мустакил ижодий фикрлаш ва шаҳе хислатлари. — Т.: Халқтаълими, 2001, 4-сон. 38—42-6.
81. Нишонова З. Мустакил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари: Психол. фан. док. дисс. автореферата. — Т., 2005. 38-6.
82. Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётida баркамол инсон тарбияси. Пед. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. — Т.: 1998. — 288 б.
83. Нуруллаева Ш. Бошланғич синф она тили дарсларида укувчиларни мустакил фикрлашга ўргатиш усуллари. Пед. фан. ном.... дис. — Т., 2007. - 148 6.
84. Обухова Л.Ф. Этапы развития детского мышления (формирование элементов научного мышления у ребенка). — М., 1972. —152 с.
85. Окон В. Основы проблемного обучения. —М.: Просвещение, 1986. - 208 с.
86. Она тили ва ижодий тафаккур такомили// Маърифат. 2001 й., апрель.
87. Орлов А.А. Формирование педагогического мышления // Советская педагогика, 1990. №1. — С. 7—10.
88. Орлов А.А. Профессиональное мысление учителя как ценность // Педагогика, 1995. №6. - С.63-68.
89. Осипова Е.К. Структура педагогического мышления учителя // Советская педагогика. 1987, №5. — С.42—44.

90. Педагогика/ Под ред. Ю.К. Бабанского. — М.: Просвещение, 1988. - 480 с.
91. Педагогика. А.К. Мунавваронинг умумий таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1996. - 200 б.
92. Пекун А. Г. Технология активных методов обучения. — Минск, 1992. - 117 с.
93. Попкова С. С. Развитие пространственного мышления на уроке математики и труда// Начальная школа, 1993. №5. — С. 26-30.
94. Понамарев Я.А. Знания, мышления и умственное развитие. — М.: Просвещение, 1967. — 264 с.
95. Рубинштейн С.Л. О мышлении и путях его исследования. — М., 1958. -147 с.
96. Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари // Таълим тараккиёти, 2001, 3—4-сонлар.
97. Сафарова Р., УмароваХ., Юсупова Ф. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш янги педагогик парагдигма сифатида // Халқ таълими, 2006, 5-сон. — 4-9 б.
98. Савина Ф. Вопрос ученика показатель активности мысли // Народное обозрение. 1970. № 9. 45—47 с.
99. Сариев Ш. Мустакил фикрлашга ўрганиш // Бошланғич таълим. - 2000. 2-сон - 31-32-6.
100. Семенов И.Н. Системное исследование мышления в решении творческих задач. Дис. канд. психол. наук. —М., 1980.
101. Сб. Проблема формирования личности и инд-ный подход к учащимся. — М.: Просвещение, 1964. —104 с. Рыбак Л.А. Проблема инд-го подхода в процессе формирования самостоятельного мышления учащихся.
102. Славская К.А. Мысль в действии (Психология мышления). — М., 1968. -208 с.
103. Слободчиков В.И., Исаева Е.И. Психология человека. Введение в психологию субъективности. Учебное пособие для вузов. — М.: Школа-пресс, 1995. - 383 с.
104. Скот Д.Г. Сила ума. - СПб.: СПИКС, 1994. - 232 с.
105. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности. — М.: Педагогика, 1995. — 204 с.
106. Смолкин А.М. Методы активного обучения. — М.: Высшая школа, 1991. - 207 с.
107. Стоюнин В.Я. Избранные педагогические сочинения. — М.: Педагогика, 1991. - 368 с.
108. Татур В. Тайны нового мышления. — М.: Мысль, 1990. — 232 с.
109. Телегина Э.Д., Стуре Т.К., Волкова Т.Г. Мотивы в структуре мыслительной деятельности человека // Новые исследования в психологии, 1976. № 1. - С. 3-7.
110. Теплов Б.М. Практическое мышление // Хрестоматия по общей психологии мышления. — М.: Педагогика, 1981. —177 с.
111. Тихомиров О.К. Психология мышления. — М., 1984. — 278 с.
112. Тиллашев Х.Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученьк-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи Средневековья. - Т.: Фан, 1989. - 147 с.
113. Тони Бзен. Научите себя думать. — Минск: Попурри, 1999. —125 с.
114. Тўракулов Э., Раҳимов С Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия хакида. — Т.: Ўқитувчи, 1992. — 80 6.
115. Уман А.И. Психологический подход к обучению. — М.: Орел, 1997.-216 с.
116. Франкл В. Человек в поисках смысла. — М.: Прогресс, 1990. — 336 с.
117. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. (Танланган асарлар). Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқмероси нашриёти, 1993. —187-6.
118. Фридман Л.М. Методы и приемы обучения: Психологический справочник учителя. —М.: Педагогика, 1991. —173 с.
119. Хрестоматия по общей психологии. Психология мышления под. ред. Ю.Б.Гиппенрейтер, В.В.Петухова. —М.: Изд-во Московского уни-та, 1981. — 400 с.
120. Щукерман Г.А. Виды общения в обучении. - Томск: Пелинг, 1993. -161с.
121. Чориев А. Инсоннинг фикрлаш тарзи //Мулоқот. 2000 й. 6-сон. 24-28-6.
122. Чошанов М.А. Гибкая технология проблемно-модульного обучения // Народное образование, 1996, № 2.
123. Шардаков М.Н. Мысление школьника. — М.: Учпедгиз, 1963.- 255 с.
124. Шарипов Ш.С Ўзбекистонда таълимнинг глобаллашуви шароитида ёшлар мустакил ижодий фикрлашини фаоллаштиришнинг методологик асослари — Давлат илмий-техник дастури. — Т., 2006. — 98-6.
125. Шорохова Е.В. Психологический аспект проблемы личности // Теоретические проблемы психологии мышления. — М., 1974. 249

126. Эдвард де Бено. Нестандартное мышление. — Минск, 2000. - 280 с.
127. Юсупов. Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. — Т.: Узбекистан, 1989. - 157 б.
128. Яминова С.Х. Укувчиларнинг мустакил фикрлаш кобилиятини ривожлантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш: Пед. фан. ном.... дис. — Тошкент, 1997. — 198 б.
129. Якиманская И.С. Развитие пространственного мышления школьников. - М., 1980. - С. 240
130. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараккиётидан лавхалар. —Т.: Фан, 1996.
131. Курбонов Ш.Э., Сайдов Х., Ахлидинов Р.Ш. Баркамол авлод орзузи. Тўлдирилган ва қайта ишланган. 2-нашр. — Т., 2000.
132. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э.. Кадрлар тайёрлаш дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йуналишлари. — Т.: Фан, 1999.
133. Фозиев Э., Икромов Ж. Мустакил фикрлашнинг комилликка таъсири//Халқтаълими, 2001. 4-сон. 31—37-6.
134. Фозиев Э. Таълим жараённида ўкувчилар тафаккурининг ўсиши (Ўқитувчи учун кўлланма). — Т.: Ўқитувчи, 1980. — 88 б.
135. Фозиев Э. Психология муаммолари. —Т., 1999. — 34-6.
136. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. - Т.: Фан, 1990. - 146-6.
137. Хусанбоева К. Адабиёт — маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. — Т.: Алишер Навоий номидаги Узбекистан Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. — 32-6.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
<b>Биринчи бўлим</b>	
Ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари.....	8
<b>Иккинчи бўлим</b>	
Ижтимоий-гуманитар таълим жараённида укувчиларнинг мустакил фикрлаш салоҳиятларини ривождагтиришнинг педагогик-психологик имкониятлари.....	74
<b>Учинчи бўлим</b>	
Ўкувчиларнинг мустакил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг умумдидактик йўналишлари.....	151
<b>Тўртинчи бўлим</b>	
Ўкувчиларда мустакил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришнинг янгича модели.....	213
Хуласа.....	238

74.200  
M90

Илмий-маърифий нашр

**Жаҳонгир МУСАЕВ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАКИЛ ФИКРЛАШ  
САЛОХИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

(Монография)

Мухаррир *Улуг БЕК*  
Рассом-дизайнер *Б.Ҳайдаров*  
Сахифаловчи *И.Хўжаев*  
Мусаххих *H. Охунжонова*

Оригинал макет "SHARQ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририятида тайёрланди.  
2010 йил 12 апрелда босишга руҳсат этилди. Бичими 60x90'/<sub>6</sub>. Шартли  
босмatabоги 15,75. Нашриётнинг хисоб табоги 12,8.  
Адади 1000 нусха.

«RELIABLE PRINT» босмахонасида оғсет усулида чоп этилди.  
Манзил: 1000129, Тошкент ш., Фурқат 2.